

K440
1943/5

ШАРҚ
КОЛДУЗИ

5

1929
ТОШКЕНТ

1943/5

R440
1949/5

ШОШ АРҚ ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САНАТ ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

5

Экз.
№ 2

МАЙ

*

ТОШКЕНТ

1949



МУНИДАРИЖА

	Бет
Уйғун. Бизнинг баҳоримиз. Ше'р	3
Х. Гулом. Ғолиблар байрами. Ше'р	5
Х. Гулом. Ғолиблар байрами. Ше'р	12
Шоназар. Байрам ше'рлари	13

УЛУҒ РУС ШОИРИ А. С. ПУШКИННИНГ ТУҒИЛГАНИГА 150 ЙИЛ ТЎЛИШИ ОЛДИДАН

А. С. Пушкин. Мис чаванлоз. Петрбург қиссаси	15
А. С. Пушкин. Мис чаванлоз. Петрбург қиссаси	26
М. В. Салтиков-Шчедрин. „Йўл-йўлзкай“. (Ғап)	27
Сулаймон Стальский ше'рлари:	
Пушкин	33
Стахановчи қизларга	35
А. Софронов. Москвадилар характери. Пьеса	36
Ҳ. Гулом. Пахта. Икки ше'р	70
Ҳабибий Икки миллион. Ше'р	72
Мирмуҳсин. Уртоқ Ли Енсон Ше'р	73
М. Бобоев. Меҳнат тинги. Ше'р	74
К. Фёдоров. Чўпон. Ше'р	75
Ҳ. Назир. Тўкучи достони. Очерк	76

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ САҲИФАСИ

А. Раҳмат. Бизнинг қишлоқ ва колхоз. Ше'р	90
Қ. Муҳаммадий. Навоий театри. Ше'р	94
Қ. Ҳикмат. Яша улуг Москваи. Ше'р	94
М. Ғани. Капалк. Ше'р	95

МАҚОЛАЛАР

В. И. Ленин. Великороссларнинг миллий ифтихори ҳақида	86
С. Қосимов, С. Азимов—Ўзбекистон халқлари тарихини ва ўтмиш маданиятини сохталаштиришга қарши	100

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

А. Олимжон, А. Мухтор. „Мақтаб театри“ ва „Ёшлар саҳнаси“ тўпламлари тўғрисида ба'зи мулоҳазалар	115
Н. Е. Глиянов. Улуғ совет ме'мори	124
Адабий хроника	126

УЙҒУН

БИЗНИНГ БАҲОРИМИЗ

Баҳор: ёшлик, гўзаллик, мардлик,
Ҳаёт, шодлик, латофат, чечак...
Бизга баҳор қиёфасида
Кўринади шонли келажак.

Шул сабабдан баҳорга бўлган
Ҳурматимиз, севгимиз беҳад.
Шул сабабдан ўсар кўнглимиз,
Сабзорлар кўтарганда қад.

Қушлар товуши, сувлар шовқуви,
Қалбимизга ҳамоҳанг, яқин.
Кўзимизнинг нурига монанд
Булутларни қоқ ёрган чақин.

Кулгимизнинг акси барқ урар
Япроқларнинг табассумида.
Минглаб ҳаёт, юксалиш, балқиш,
Навбаҳорнинг ҳарбир зумида!

Бечиз эмас Биринчи Майнинг
Туғилиши баҳор ойида:
Миллионларнинг орзусин баҳор,
Акс этарди гул чиройида.

Истар эди жафокаш инсон:
Баҳор каби гулласа олам.
Баҳор каби кулса озодлик,
Барҳам топса: қуллик, кишан, ғам...

Қўлга ушлаб лола байроқлар
Меҳнат аҳли отланди жангга:
Йўқолсин, деб, зулмат ва зулм,
Нур тўлсин, деб, эзгу ватанга!

Кишиликнинг орзуси илк бор
Қарор топди бизнинг ватанда:
Бахт, озодлик, дўстлик, зафар, шон
Баҳор каби айлади ханда.

Бу баҳорнинг хазони йўқдир,
Кун сайин тўлишар жамоли.
Кезиб юрар жаҳон боғини
Озодликнинг эзгу шамоли.

Бизга аён: ғивирлар қуртдай,
Нурга, гулга душман бўлганлар.
Тиш қайрайди, бизга нисбатан,
Қаҳру-ғазаб блан тўлганлар.

Душман истар: баҳоримизни
Хазон қилса, уруш бошласа!
Қонга белаб гулистонларни,
Бошимизга бомба ташласа!

Билсин: чиркин ниятларига
Барҳам берар тинчлик лашкари.
Йул олдилар халқлар коммунага —
Кишиликнинг баҳори сари!

Дилда баҳор, ўлкада баҳор,
Ёғду сочар бахт — қуёшимиз.
Озодлик лашкари енгилмас,
Улуғ доҳий — лашкарбошимиз!

Май, 1949 йил.

ҲАМИД ҒУЛОМ

ҒОЛИБЛАР БАЙРАМИ

Унитилмас — Москванинг оstonаси, қонли жанг,
Ҳарбир қарич тупроғимиз жонимиз қалар азиз,
Синамизни Ватан учун қалқон этган шерлар — биз,
Истеҳкомга айланганди ҳар уй, ҳарбир хонамиз,
Саботимиз қаршисида ёвлар бўлди ҳангуманг.

Панфиловчи ботирларнинг мардлиги — ўчмас дoston,
Гастеллонинг ўлими — юрт шуҳратини оширди,
Ботирлиги кўнгилларда севгимизни тоширди,
Ҳар зарбимиз еру кўкда мал'унларни шоширди,
Зафар учун қурбон бўлган ўғлонларга шараф-шон!

Улуғ Ватан шавкатини ғалаба майдонида
Абадийлик китобига қонимиз блан ёздик.
Гитлернинг шум тўдасига қаҳримизни кўргаздик,
Адолатнинг тиғи блан фашизмга гўр қаздик,
Ватан ишқи нақш этилган ҳарбир солдат жонида.

Сирожддин Донбасс учун она ерга қўйди бош,
Зебо борди Лизаларнинг, Зояларнинг изидан.
Абдусаттор қузғунларни қувди осмон юзидан,
Битмас қувват олиб доҳи Сталиннинг сўзидан,
Армиямиз оғир синов кунлари берди бардош.

Рейхстагнинг тепасига тикилган Қизил Байроқ
Қудратимиз нишонаси каби мағрур яшнайти,
У, бизларни ғалабадан-ғалабага бошлайди,
Қалбларга куч бағишлайди, кўзимизни хушлайди,
Одамзоднинг саодати, келажагидай порлоқ!

Букун тўплар ғолибликдан жаҳонга берар дарак,
Фароғату бахтимизнинг эй, ҳушёр посбонлари,
Сталиннинг армиясин енгилмас полвонлари,
Фашизми енгаолган Ватан қаҳрамонлари,
Азиз дўстлар, жон ўртоқлар, улуг байрам муборак!

7 май, 1949 йил.

ШОНАЗАР

БАЙРАМ ШЕ'РЛАРИ

1. ЛЕНИН

Кўчаларда байрам кезади.
Байроқларда нурдан товланиш.
Охорлигин киймиш шаҳарлар,
Ватанимиз қилар намойиш.

Қизил майдон бўйлаб ўтар халқ
Мангу бахтин ардоқлагали.
Тепада, Октябрь қуёшин—
Мағрур турар мрамор ҳайкали.

Ҳар юракда мавжланар севинч.
Ҳар қалбада бир эзгу ҳис бордир.
Шунча шодлик, бахтли ҳаётни
Берган ўша Ленин бободир.

Байрам кезар...

Байрам сурури,

Буркамишдир советлар элин.

Колонналар ўтар...

Табриклар—

Қўл кўтариб минбарда Ленин.

2. СТАЛИН

Пойтахт байрам либосида
Минбарда турар қуёш.
Колонналар оқиб ўтди,
Минбар ёнидан тутош.

Ўтди сафлар... Қизил ялов—
Бахт гулини кўтариб.
Кузатарди кулиб доҳи
Ўнг қўлини кўтариб.

Жонланарди шунда Ленин
Ҳар юракда минг марта,
Куриб туриб тик қоматин—
Сталинни минбарда.

3. ҒАЛАБА

Бу ватандан аримас байрам,
Бугун яна байрам—тантана.
Юртимиздек кенг толлимиз,
Севинчимиз улғаяр яна.

Бугун байрам бўлди—ғалаба!
Зафарларнинг тантана куни!
Кўклардан ҳам ошди севинчлар,
Ҳар қалба шу байрам тўлқини.

Зафардормиз!
Зафар кунда,
Ғурурлансак ҳақлимиз роса.
Уни меҳнат блан, жанг блан
Қўдимиз-ла яратолдик, ҳа!

А. С. ПУШКИН

МИС ЧАВАНДОЗ

ПЕТЕРБУРГ ҚИССАСИ

1833

Ушбу қиссада та'риф қилинган воқиа, айни ҳақиқатдир. Сув тошиш ҳақидаги тафсилот бўлса, ўша йиллардаги журналлардан олинган. Қизиқучи кишилар В. И. Берх томонидан тузилган ахборотни кўриб чиқишлари мумкин.

КИРИШ

Кимсасиз тўлқинлар соҳилида ул
Турарди, ўйлари улуғвор буткул,
Боқарди йироққа. Сувлари ёйиқ —
Зўр дар'ё оқарди, мавжида йўқсул
Ва танҳо сирпанар эди бир қайиқ.
Бу ботқоқ қирғоқни босган пўпанак,
Соҳилда кулбалар жудаям сийрак,
Фақир чухунлига бу ерлар — макон;
Туманда офтоб чўмиб кетгандак,
Унинг шу'ласидан бенасиб ўрмон —
Гувуллар ҳарёнда.

Ўйлар эди у:

Шведни боппаймиз шу ердан туриб,
Бу жойда бир шаҳар қургаймиз мангу —
Такаббур қўшинининг жаҳлин чиқариб.
Берибди табиат ўзи ижоза:
Бундан Европага очсак дераза.¹
Денгиз қирғоғига тираймиз оёқ.
Тўлқинларни ошиб келар биз томон
Олисдан кемалар бўлгали меҳмон.
Яйраб кенгликларга очгумиз қучоқ.

¹ Алгаротти бир жойда деганки: „Петрбург — Россиянинг Европага қарайдиган деразасидир“.

Юз йил ўтиб кетди. Навжувон шаҳар —
Шимол элларининг фаҳри, чиройи,
Ботқоқдан, тўқайдан қалқиб юксалар,
У ғоят сервиқор, кўркам ва олий;
Ўтмиш замонларда фин балиқчиси,
Хилқатнинг у угай ўғли, бечора
Нишаб соҳилларда якка бир ўзи
Нома'лум сувларда бўлиб овора,
Ўз кўҳна тўрини ташлаган жойда
Серқатнов лиманлар бўлмишдир пайдо.
Қатор-қатор сарой ва кошоналар,
Тизилган хушбичим мужассамалар,
Дун'ёда, ҳарёқдан чиққан кемалар
Бу сув бекатига лангарин отар.
Нева кийиб олди тошдан бир либос,
Сувларнинг устида кўприклар осиқ,
Ям-яшил боғчалар тигиз ва ўсиқ —
Унинг ороларин қоплабди кўп соз.
Ёш пойтахт олдида қадимги шаҳар —
Москва ўз донггин аста йўқотар,
Тахт узра чиққанда янги малика
Нечукки четланар шоҳона бева.

Севаман сени, эй Пётр ижоди,
Севаман келишган қадду-қоматинг,
Серсовлат Нева ҳам менга ёқади,
Севаман мустаҳкам тош қирғоқларинг;
Севаман у темир панжараларни,
Севаман ўйловчан оқ кечаларни,
У ойсиз ёруғлик, шаффоф кўлкалар
Ошифта дилимни доим эркалар.
Шундоқ кечаларда чироғни ёқмай
Ёзаман, ўқийман уйда пайдар-пай,
Жимжит кўчаларда ўйлар сираси,
Адмиралитет биносин юксак қўлласи
Равшан кўринади кундуздагидай.
Бу ерда саҳарлар, бермай навбатни,
Кетма-кет олмошиб кўкни нурлатар,
Олтин самоларга қўймас зулматни,
Ярим соатгина кеча мўралар.
Севаман қаҳратин қишинг ҳавосин —
Изғирин, шамолни, тош қотган музни,
Нева бўйлаб чопган чана сафосин,
Гул мисол қизларда алвонранг юзни.
Севаман базмлар шовқин-ғалвасин
Бўйдоқ йигитларнинг кайф палласини,
Бижиллаб кўпирган бода жилвасин,
Ма'жун шаробларнинг кўк шу'ласини,
Севаман ғалати Марс майдонида

Аскарнинг жанговар жўшқинлигини,
Лашкарнинг, отларнинг машқ асносида
Тўлқинланган гўзал бутунлигини,
Севаман чайқалган узун сафларда
Ҳилпираб турганда ғолиб байроқлар,
Жангларда ўқ тешган, лекин зафарда
Ялтираб ёнаркан у мис қалпоқлар.
Севаман мен сени эй ҳарбий пойтахт,
Қал'ангнинг дудини, ҳангомасини:
Шимол маликаси қачонки хушбахт,
Даргоҳга бағишлар янги бир фарзанд
Қачонки ғалаба жангномасини
Россия яратар, олқишлар хурсанд,
Қачонки Нева ўз музларин ёрар,
Парчалаб денгизга судралиб борар,
Баҳорни ҳис этиб қувонар, яйрар.

Яшна, эй Пётрнинг шаҳри, бўл обод,
Россия сингари тургин мустаҳкам,
Сендаги у синмас ирода, сабот
Енггуси табиий офатларни ҳам.
Энди унутсинлар фин тўлқинлари
Эски хусуматни, кўтармай ҳой-ҳу,
Беҳуда жаҳлини иргитсин нари,
Бузмасин Пётрнинг уйқусин мангу!

Бағоят даҳшатли бир чоғ эди у...
Хотиралар тирик бу ҳақда ҳали.
Энди мен бу ҳақда бошлай ҳикоят,
Бамисли кечаги қисса ваҳмали;
Дўстларим, сиз учун қилай ривоят.

БИРИНЧИ БЎЛАК

Хўмрайган Петроград устида қаттиқ
Ноябрь шамоли изғирди совуқ.
Суронли тўлқинин ҳарён сачратиб,
Мунтазам узанин уриб асабий,
Нева тўлғанарди осов, бетартиб,
Ётоқда безовта бир хаста каби.
Кечки палла эди ва ҳам қоронғу,
Ёмғир деразага қуйилар дув-дув.
Аламли қичқириб шамол увлайди,
Ёш йигит Евгений бир зиёфатдан
Уйига қайтганди айни шу пайти.
Уни биз атайлик шу исм блан.
Евгений аталсин бизнинг қаҳрамон,
Бу исм қулоққа ёқади, ширин,
Қаламим бу ном-ла эски қадрдон,

Аммо фамилияси — қолсин яширин.
Зотан у не лозим? Ўтмишда балки
Донгдор, танилгандир уруғ-аждоди,
Карамзин шу қадар мадҳ айлаганки
Элда дoston бўлган шухрати-ёди.
Аммо, у аждодни унутмиш тамом
Бугун ҳам киборлар, ҳам улус-авом.
Яшар бир хужрада бизнинг қаҳрамон,
Қочар киборлардан, ўзи хизматкор,
На марҳум аждодга қайғирар шу он,
На ўтган тарихлар у учун даркор.

Хуллас, уйга келгач бизнинг Евгений,
Қоқиб шинелини ечинди, ётди,
Кўп қийналди, бўлмай уйқу та'йини,
Ҳархил андишага, ҳаёлга ботди;
У қандай андиша? Йўқсуллик дарди,
Қийналиб яшашнинг ғам-зарурати,
Яна шу ташвишки, дун'ёда албат
Эрк ва фароғатни топмоқлик захмат,
Хоҳласа уни ҳам қиларди хурсанд
Унга ақлу пулдан қўшиб худованд;
Ўйларди: дун'ёда бекорчилар бор,
Калтабин, дангаса, аммо бахтиёр,
Ҳа, ғоят ўнг келган уларга ҳаёт!
Аммо, бунинг ўзи билмас-ди ҳайҳот
Лавозим олурми икки йил кейин,
Дар'ё тошар эди вақт ўтган сайин;
Ҳаво қутурарди дам-бадам баттар;
Қўприкларни олиб қўярлар балки;
Йигит, Парашага қаттиқ ачинар...
Балки икки-уч кун ундан айрилар.
Шу чоғда шаллайиб кетди юраги,
У ҳаёл суларди, мисоли шоир,
„Ўйланмоқ? Не бўбди? Мумкин-ку ахир?
Дарвоқи' қуларман менга яраша
Хилватда бир уя, содда ва ихчам,
У ерда тинчийди азиз Параша.
Иккита стулу бир кравот ҳам
Бир хумча шўрва... Ҳўш, тағин не керак?
Кутмаймиз ортиқча нозу-не'матлар,
Якшанба кунлари у блан бирдак
Қирларда кезармиз топиб роҳатлар;
Тузукроқ бир хизмат сўраб олурман,
Параша рўзғорнинг иши блан банд,
Ҳамда болаларни қилур тарбия...
Биз қўша қарирмиз гўргача йўлдош,
Ўлсак набиралар кўздан тўкиб ёш
Кўмишар бизларни „раҳматлик“ дея...”

У шундай ўйларди. Лекин шу кеча
Евгений авзойи бузуқ ва дилтанг,
Ҳоҳларди бу шамол пасайсин пича,
Ёмғир ҳам урмасин ойнакни тажанг.
Ниҳоят у юмди ухлоқ кўзларин,
Бу бадбахт кечанинг зулмати кетар,
Тарқаб қоронғилик оҳиста-секин,
Қуринабошлади сўлғин бир саҳар...
Бағоят мудҳиш кун!

Нева бутун тун
Толпинди денгизга, бўронга қарши,
Ва лекин бўш кетди жаҳди-кураши,
Невани қайирди бўрон ва тўлқин...
Эртан бу дар'ёнинг лабида қалин
Тўпланди тамоша учун аламон,
Сайр этар ғазабкор сувлар сачрашин,
Қупириб ҳавога сакрашин ҳар он.
Буғади Неванинг йўли довул-ел,
Қўрфазнинг оғзига у борар, қайтар;
Пишқирар ғазабга тўлиб мисли сел,
Тошиб оролларни сувга ғарқ этар.
Ҳар лаҳза ашадди жўшиб гуркураб,
Ҳайқириб, қайсарлик қаҳри-ла балқиб,
Қозонда сув каби қайнаб бурқираб,
Ахир ваҳшиёна қутуриб қалқиб —
Ўзини отади шаҳар устига.
Одамлар қарамай баланд-пастига
Қочишди. Атрофда қолмади ҳечким.
Кўчалар, уйларга кирди тўлқинлар,
Нева каваллар-ла яна туташар,
Петрополь белгача сув ичра қақшаб,
Қалқади сув рабби тритонга ўхшаб.

Хужум! Муҳосара! Ваҳший тўлқинлар
Дарчаларга шилқим суқилаборар.
Қайиқлар югуриб сувлар-ла ҳамроҳ
Уриб ойналарни синдирар ҳаргоҳ;
Қасирға кўчириб кетган кўприклар,
Йиқиқ кулбалардан хари, эшиклар,
Бисотли савдогар жамғарган юклар,
Фақир оиланинг шара-бараси,
Енгил араванинг чархи-парраси,
Тўлқинлар гўрлардан очган тобутлар,
Шаҳарда сузмоқда!

Аммо халқ эса
Худованд қаҳридан кутмоқда жазо.
Озиқ ҳам, томлар ҳам афсус маҳв бўлар.
Қандай яшаш мумкин? Тошқин зўр балол!



Балойи ногаҳон тушган ўша йил
Россия тахтида у марҳум подшоҳ
Шон ила сурарди ҳукмин муттасил;
Ҳайбатли офатни эшитгач ногоҳ,
Балконга чиқди-ю деди кўнгилсиз:
„Оллоҳнинг қаҳрига шоҳлар ҳам ожиз!“
Бу огир офатга қарар эди у,
Чуқур андешада, кўзлар серқайғу,
Шаҳар майдонлари кўллар сингарни,
Кучалар дар'ёдай, бу кўллар сари
Оқарди уйларни қилиб вайрона,
Ғариб бир оролдай турар кошона,
Чор буйруқ беради: бошдан оёққа,
Ҳархил кўчаларга, яқин-йироққа
Қайноқ тўлқинларнинг хатари аро
Жўнади подшоҳнинг генераллари,¹
То сувда ғарқ бўлган уйларда бари
Гангиган бу халққа топгайлар чора.

Пётр майдонида, ушбу „ҳой-ҳой“да
Янги бир иморат солинган жойда —
Баланд остонанинг олдида тетик
Икки посбон шер тирикдай худди
Огир панжаларин кўтарибди тик,
Шу мрамар ҳайвоннинг бири минган-ди
Бошьяланг ва ҳушсиз, юзда йўқ ранги,
Қўлин чалиштириб бизнинг Евгений.
Тили қотиб қолган, паришонхотир,
Ўзи учун эмас, бунча хавотир.
Нафси оч долғалар босиб юқ ри
Ялаб турар эди унинг товонин,
Юзини қамчилар ёмғур сувлари,
Йиртқич шамол эса увуллаб тагин
Бошидан шляпани учириб ногоҳ,
Олиб қочганидан эмас у огоҳ.
Унинг девонавор кўзлари шайдо,
Фақат бир нуқтага тикилиб турар,
Чақчайган кўзлари нарида кўрар:
Сувларнинг тубидан бўлмоқда пайдо —
Ғазабли тўлқинлар тоғдек баҳайбат,
Бўрон гувуллайди... сурон — маҳобат...
Тахта парчалари сузади пасда,
Ёраббим, ёраббим! Э воҳ! Не аҳвол?
Бўронлар қутурган кўрфаз қошида
Бўёқсиз бир девол ёнида бир тол,
Ва кўҳна кичкина бир кулба ҳам бор...
Унда тул бир хотин ва унинг қизи

¹ Граф Милорадович ва генерал-адъютант Бенкельдорф.

Параша яшарди — Евгенийга ёр.
Ёки бу тушмидир, нимадир ўзи?!
Ё умримиз тушдай бема'ни, пучак?
Дун'ёни масхара қилар ё фалак?
Жоду қилингандай қотибди у мот,
Мармарга ёпишиб қолгандай ҳайҳот!..
Арслон ҳайкалидан тушолмас! Ҳамон
Сув, яна сув! Бўлак нарса йўқ тамом.
Фақат орқасини унга ўгириб,
Ис'ёнкор Неванинг устидан туриб
Баланд бир мақомда маҳкам, серсавлат,
Бир қўлин қулочкаш қилгандай кериб
Турарди мис отни минган валламат.

Иккинчи бўлак

Ана, хароб, яксон қилиб ҳарёқни,
Толгандай у беюз, қутурган дар'ё,
Шу бузуқчиликдан хушланиб гўё
Ташланди гарқ бўлган ерни-тупроқни,
Чекиниб ирғитар ўлжасин ҳатто.
Нақ шундай: гоҳида қўрбоши ғаддор
Бўлиб қароқчилар аҳлига сардор
Босади қишлоқни жабр этиб ғоят:
Бузади, ёқади, фар'ёд, шикоят,
Дашном, зўравонлик, войдод, ҳаяжон!
Ниҳоят бас бўлгач торожу-толон,
Орқадан бўлмасин дея бир қувгин,
Қайтар қароқчилар уйларга шошқин,
Йўлларда тушириб қўлдан ўлжалар.

— Сув ётди, очилди энди кўчалар,
Евгений чопади ўша манзилга
Кўзлари маҳталу, дард тўлган дилга,
Дилида умиду, дилида хатар.
Энди сал тинчиган дар'ёга етар.
Зафар наш'асидан аммо кеккайиб,
Тўлқинлар жўшарди ҳали тиккайиб;
Тубида биқсирди оташ асабий,
Дар'ёнинг саҳнини тутмиш кўпиклар,
Нева оғир нафас олиб энтикар
Жангдан чопиб келган арғумоқ каби.
Евгений пайқарки, турибди қайиқ,
У учун бу гўё бир омад аниқ;
Ундаб чақиради у қайиқчини,
Беларво қайиқчи ундовга қараб.
Хизмати ҳақиқа бир танга сўраб
Мудҳиш тўлқинлардан ўтқазар уни.

Соҳибкор қайиқчи қийналди хийла,
Курашди бўронли тўлқинлар ила;
Қайиқ эса гоҳо тўлқинга чўмар,
Балки бир шўнғиса ботиб ҳам кетар —
Жур'атли сузғирлар блан баробар.
Соҳилга етишди қайиқ ниҳоят.
Кучалар оралаб чопар

бечора,

Излайди ошна жойни овора,
Қарайди. Тополмас. Ҳартомон даҳшат!
Тикилиб қарайди мисли девона:
Буёқ упирилган; уёқ — вайрона;
Қийшайган бир қатор биною равот,
Бошқа бирхиллари тамоман барбод;
Бир хилин ўрвидан силжитган тўлқин,
Атрофда жасадлар ётарди тўкун —
Гўёки улгандай жанг майдонида:
Евгений эс-ҳушин бирдан йўқотиб,
Ҳолидан тояди дард фиғонида,
Югурар нома'лум бир хабар кутиб,
Не-нелар атабди у учун тақдир,
Худди муҳурланган бир хат сингаря.
У чопар ошна манзиллар сари,
Ана кўрфаз ўзи, уй ҳам яқиндир...
Нимани кўрар у?..

Тўхтади йигит.

Орқага қайтдию ўгрилди соқит.
Телмуриб қарайди... Ҳамон қарар у:
Ахир, бунда ёрнинг уйи эди-ку!
Мана тол. Нариеқ дарвоза эди.
Тошқинлар қўпориб элтганми буткул.
А — бунда уй қани? Ўрганиб энди,
Синчиклаб айланар атрофни нуқул.
Ўз-ўзи-ла қаттиқ гаплашар. Броқ,
Бирдан пешонага солиб шапалоқ
Қаҳ-қаҳа урди у.

Кеча зулмати

Қақшаган шаҳарга қўнганди дардли.
Аммо ухламасдан тунда фуқаро
Бу кунги гаплардан сўзлаб ўзаро,
Узоқ гурунглашди. Уфуқларда тонг
Сўлғун булутларнинг кетидан бир он —
Ярқираб ёритгач соқит пойтахтни,
Кечаги балодан топмади асар,
У даҳшат аламин, у фалокатни
Қоплаб олган эди қирмизи нурлар.
Ҳарнарс қолибга тушди саросар.

Офатдан қутулган кўчалар аро
Аламон юрарди совуқ, бепарво,
Тунги ётоғини тарк айлаб вақтли.
Хизматга жўнади идора аҳли,
Пинагин бузмасдан дадил савдогар
Нева талаб кетган омборин очар,
Тортган зиёнини чўтлаб бирма-бир,
Бирон қадрдондан ундирмоқчидир.
Ҳарқайда қайиқлар топилса шу дам
Йиғиб олишарди.

Граф Хвостов

Шоир ҳам, осмон арзандаси ҳам,
Нева ҳалокатин дарҳол, бетўхтов,
Ўлмас мисра'ларда куйларди бардам.

Ох, бизнинг бечора Евгений шўрлик...
Афсуски, йигитнинг сермалол ақли
Бало қайнаганда кўрсатмай зўрлик
Айниди. Қулоқда гувуллар ҳали
Неванинг ҳайбатли, қўрқинч на'раси,
Мудҳиш шамолларнинг совуқ ғарази.
Маш'ум хаёлларда угўё беҳуш
Соқовдай кезарди ҳар'ён дарбадар,
Уни кемирарди аллақандый туш.
Ўртадан бир ҳафта, бир ой ҳам ўтар,
На уйга қайтади, на ундан хабар.
Унинг келмай қўйган бекас хужраси —
Муҳлат тамом бўлгач уйнинг эгаси
Бир йўқсул шоирга кирага берди;
Евгений рўзгордан лозим аш'ёни
Олиб кетгани ҳам бир келмас эрди.
Кўп ўтмай ётсинди тамом дун'ёни.
Бутун кун пиёда ва ёлгуз юрар,
Сув бекатида у тунарди ғариб,
Ҳарбир деразадан садақа сўрар,
Жулдур кийимлари тўкилар чириб.
Бадбахтни учратган хумпар болалар
Унинг орқасидан ёғдирарди тош,
Кўп маҳал кўчада қаттиқ савалар
Кучерлар фарқ этмай орқа, елка, бош
Чунки назарида кўча ҳам, кўй ҳам
Барибир: йўл эди; аммо у сезмас,
Фарқига етмасди. У карахт беғам,
Ички бир зўр дарддан аллақандай маст.
Шундай ўтказарди умрин дардманд,
На инсон нухаси, на ҳайвон монанд,
На одам сифатли, на ваҳший мисол,
На ўлик, на тирик, на арвоҳ — хаёл...

Нева буйида у

Бир кун бенаво

Ўтганди, кузакка мойил-ди ҳаво.
Эсарди тескари шамоллар бугун,
Қирғоққа шапиллаб бадқовоқ тўлқин,
Кўпириб, арз қилиб ириллар эди,
Текис зиналарга урилар эди,
Менсимас судьядан кутиб бир „лаббай“
Эшиқда пойлаган аризачидай.
Евгений уйғонди. Ҳар'ёқ қоронғу;
Ёмғир сепалайди; ел эсар ғув-ғув;
Қоронғи кечада елнинг ҳамсози —
Жўр бўлиб келарди миршаб овози...
Евгений тез сакраб турди-ю, дарҳол...
Хотирда жонланди у мотам — ўсол,
Шошилиб қолқди-ю, юрди саргардон,
Юрди-ю, жим тўхтаб қолди ногаҳон.
Атрофга кўзларин ташлар оҳиста,
Бетида хавфсираб ҳайиқиш-қўрқув:
Келиб қолган экан сезмасдан аста,
Зўр бино олдида устунларга у.
Шунда остонада посбон шерлар
Панжасин тирикдай кўтарибдирлар.
Тўғрида баланд бир мақомда фақат
Қал'абанд қоянинг устида туриб,
Бир қўлин қулочкаш қилгандай кериб
Кўринар мис отни минган валлакат.

Евгений сесканди. Эсида дарҳол
Уйғонди мусибат, даҳшатли хаёл.
Таниди тўфонлар ўйнаган жойни,
Ваҳший тўлқинларнинг жавлонгоҳини;
Эслади: сувларнинг қутурганини;
Бу ерда шерларнинг лол турганини;
Қоронғи майдонда мис калла блан
Вазмин ва улуғвор турган кимсани —
У маш'ум ва темир ирода блан
Денгизда зўр шаҳар қурган кимсани...
Бу зулмат қўйнида у ваҳимадор!
Уша пешонада не-не ўйлар бор!
Қанча куч эгаси бу паҳлавон, боқ!
Бу отда нақадар оташ бор шу пайт!
Қаерга чопасан, мағрур арғимоқ,
Қаерга босгайсан туёғингни, айт!
Сен, эй тақдирларга қодир ҳукмирон!
Нақ тубсиз жарларнинг устидан ҳамон
Темир юган ила шу баландликка
Россияни сенми кўтардинг тикка?!

Саркарда ҳайкалин ҳартомонини
Бечора савдоий айланди хийла,
Бу, ярим дун'ёнинг ҳукмронини
Сайр этди ёввойи қарашлар ила.
Нафаси тиқилди, кўкси сиқилди,
Совуқ панжарага боши эгилди,
Евгений кўзлари туманга тўлди,
Қалбига гул этиб урди аланга,
Қонлари қайнади, хўмрайиб қолди —
Ва келди бу мағрур ҳайкал олдига,
Тишин ғижирлатиб, муштини қисиб
Қора васвасага бўлгандай дучор,
Ҳайкалга шивирлар кекдан ғижиниб:
„Бопладинг, биносоз, эй му'жизакор,
Эҳ, сени қара-я!“ — дедию бирдан
Чопиб тумтарақай кетди бу ердан.
Шу дамда кўргандай бўлди гўё у:
Бу ёвуз подшоҳнинг юзи бир пасда
Қаҳрдан ёлқинга тўлиб кетдию
Ўғирди бошини телбага аста..
Бўш майдон ичидан қочар бечора,
Орқадан эшитиб турар яқбора
Гулдираб мисоли — момоқалдироқ
Тарқалаб югуриб келар арғимоқ,
Зарбидан тош кўча тамом ларзада,
Сўлғун ой остида қадди кўриниб,
Юксакдан қўл чўзиб сипоҳи-шоввоз
Ўзининг чопоғон отини миниб,
Кетидан қувмоқда у мис чавандоз.
Тун бўйи девона кетди тинкадан,
Броқ, у қайтомон қўймасин қадам,
Мис чавандоз қувар уни орқадан,
Босиб келар оғир дукурлаб шахтам.

Шу кундан бошлаб у ҳарқачон, ҳардам
Майдондан ўтмоқчи бўлса башарти,
Юзида кўриниб изтироб-алам
Дарров кўкрагига қўлини босарди,
Гўёки сал тиниб қолгудай дарди;
Олиб қўяр эди жулдур қалпоғин,
Саросим кўзларин индириб тагин —
Четлаб ўтар эди.

ХОТИМА

Соҳилга яқин
Кичик бир орол бор, кўринар ёрқин.
Гоҳида денгизда кечикса агар
Балиқчи тунашга бу ерга чўкар,

Пиширар камбағал овқатин бунда,
Ёки, тассдифан якшанба кунда
Бу бекас оролга қайиқда кезиб
Келар бирои ма'мур, шаҳардан безиб.
Бу ерда на майса ўсар, на тикан,
Тошқинлар ўйноқлаб бунга бир маҳал
Кўҳна бир кулбани келтирган экан,
Оролда қўққайган у, мисли чангал.
Бултурги баҳорда кулбани олиб
Кўчириб келдилар кемага солиб.
Кулба холи эди ва ҳамда вайрон,
Аммо бўсоғада жонидан жудо
Девонам жасадин топдилар ҳайрон
Ва дарҳол кўмдилар барҳақи-худо.

*ШАЙХЗОДА
таржимаси.*

АБАДИЙ УМР

Нақадарли улуғ оламда қуёш,
Ҳаёт номи блан яшайди мангу.
Олий фазилатлар, ўлмас жонларга,
Улуғ инсонларга асл таққос у.

Унинг улуғлиги, мангулигини
Сўнгсиз халқ умрига қилмоқ мумкин тенг.
Одам яшар, ўлар, мангу ҳаёти —
Мазмунан қуёшнинг мазмунидек кенг.

Қуёш абадийдир, инсон тугалмас,
Қандай одам мангу мумкин яшаши?..
Маднатни ва инсон орзу-армонин
Уз жонидек азиз севолган киши.

Пушкин ше'риятнинг порлоқ қуёши.
Халқнинг умри блан умри баробар.
Шалоладек жўшқин, осмондек тиник,
Қўшиқ ёзди халқ деб, юрди дарбадар.

Қанча таҳқирланиб, хўрланмасин у,
Созида акс этди эрклик уйлари.
Пушкин мангу яшар халқ блан тирга
Ўлмагандек элнинг янгроқ куйлари.

УЛУҒ РУС ЁЗУЧИСИ М. Е. САЛТИКОВ-ШЧЕДРИН ВАФОТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БЛАН

Михаил Евграфович Салтиков ҳам Белинский, Герцен, Добролюбов, Некрасов, Чернышевский каби рус халқининг улуғ фарзандларидан биридир. Адабий кечалардан бирида А. М. Островский бу улуғ сатирикни «пайғамбар» деб атаган бўлса, совет адабиётининг отаси А. М. Горький Салтиков-Шчедрин сатираси ўзининг ҳаққовийлиги жиҳатидангина эмас, балки «қарийб пайғамбарона башорат ҳисси» блан ҳам буюқдир деб та'кидлаган эди.

Шчедрин ўз замонасининг ғоявий чўққисига кўтарилгани, ўша вақтдаги феода-буржуа маданиятининг нақадар чиркинлигини равшан кўргани ва уни шафқатсиз фош этабилгани учун гениаль сатирик бўлиб қолди. Дунёқарашдаги революцион негиз ва прогрессива интилиш унинг сатирасида ғоят катта роль ўйнади. Чунки у ўз халқининг революцион кучига, унинг асрлар бўйи давом этиб келаётган асоратдан қутилишига қаттиқ ишонар эди. Дарҳақиқат, Шчедрин башорат этган халқ озодлиги, ватан ҳурлиги, ҳақиқат тантанаси бугун унинг бепоён мамлакатида — Улуғ Совет Иттифоқида вужудга келди; Шчедриннинг асосий ва энг кучли сиёсий душмани бўлган чор истибодидан асар қолмади; улуғ ёзучи шафқатсизлик блан фош этган ва у тинмай курашган дворян-буржуа жамияти тартиби туб-томири блан емириб ташланди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қудратли бўрони Шчедрин сатирасининг «қахрамонларини» Ватанимиз тупроғидан супириб ташлади: мусаффо Совет ватанимизда энди Шчедриннинг Угрюм-Бурчеевлари, «Тошкентлик жаноблари», Колупасевлари, Разуваевлари қолмади ва минба'д бўлмайди.

Шчедрин капитализм системасининг жирканчлигини, унинг келажаги йўқлигини нақадар даҳшат блан қаламга олган бўлса, ўз ватани келажагининг порлоқлигини шунча меҳру-муҳаббат блан куйлар эди. У одамларни олижаноб ғоялар асосида тарбиялар, «Ҳозирги куннинг тафсилоти блан ўралашиб қолманг, келажак ғояларини ўзингизда ривож топдиринг», деяр эди.

Шчедрин совет халқига шунинг учун ҳам қимматлики, у Ватанга муҳаббат байроғини баланд кўтарди, ватанпарварлик тушунчасини янги, чуқур, демократик мазмун блан бойитди. Чунки унинг ўзи улуғ рус ватанпарвари эди. У: «Мен Россияни бутун қалбим, бутун борлигим блан севаман ва ўзимни Россиядан бирон бошқа ерда кўз олдимга келтира олмайман», «Тантана йилрида ҳам, оддий кунларда ҳам, ватан ғояси унинг фарзандларида ҳамиша бирхил бўлмоғи керак, чунки бу ғояни равшан ҳис этган кишигина ўзини гражданд деб аташга ҳақлидир» деб ёзган эди.

Марксизм-ленинизм классиклари Шчедринга жуда катта э'тибор берган ва унинг реалистик асарларидан ўз ишларида фойдаланган эдилар.

Маркс блан Энгельс ҳам рус ҳаётининг ижтимоий шароитини ўрганиш пайтларида Шчедрин асарларига мурожаат қилган эдилар. Ленин, Шчедрин сатирасининг образларига мурожаат қилиб, уларга янги сиёсий мазмунлар берди ва уларни янги шароитга, революцион кураш вазифаларига тадбиқ қилди. Фашистлар Германияси ҳукмдорларининг жоҳил ва ноодовлигини фош қилишда ўртоқ Сталиннинг Шчедрин ҳикоясидаги ношуд бошлиқ образини мисолга келтиргани бутун дунёга машҳур ва манзур бўлди.

Салтиков-Шчедриннинг гениаль асарлари бепоён ватанимиз чегараларидан ўшиб ўтиб, бутун дунёга тарқалган ва ҳарерда буюк ҳурмат ва муҳаббат билан ўқилаётган шоҳ асарлардир. Улуғ сатирикнинг ажойиб асарларини бутун Совет Иттифоқининг халқлари, шу жумладан бахтли ўзбек совет халқи севиб за қизиқиб ўқийди.

Биз қуйида ёзучининг «Йўл-йўлакай» номли ҳикоясини босамиз.

М. Е. САЛТИКОВ-ШЧЕДРИН

ЙЎЛ-ЙЎЛАКАЙ

(Ған)

Икки қишлоқи, яъни Иван Бодров блан Фёдор Голубкин, ҳам-роҳлашиб келмоқда. Иккови ҳам бир қишлоқдан, ҳавлилари ёнмаён, икковлари ҳам баҳор рўзаси очилгандан кейин уйланишган. Апрель ойидан бошлаб Москвада мардикорчилик қилишиб, мана энди хўжайинининг рухсати блан уйларига келишмоқда. Энди пичан ўримига тушадилар.

Темир йўлдан бурилгач, қирқ чақиримча юриш керак; бундай узоқ йўлни пиёда юриб ўрганиб қолган ҳарқандай қишлоқи ҳам бир кунда босолмайди.

Улар шошилмасдан, ошиқмасдан бормоқдалар. Илк саҳар йўлга чиқишган эди, мана энди офтоб осмоннинг қил учига чиқди. Атиги ўн беш чақирим юришди-ю, оёқлари уюшди, дам талаб бўлиб қолишди. Бунинг устига кун жуда қизиқ, нафас қисилиб борди. Улар, тағида овқат-мавқот еб, бироз мизғиб олиш учун бирон ғарам учраб қолмасмикин деб, теварак-атрофларига жалаңглаб қарашади-да, ўзаро гурунглашиб боради.

— Сен уйингга нима олиб кетаяпсан, Иван?— деб Фёдор сўрайди.

— Ҳисоб китоб қилгунча деб хўжайин ўн беш танга берди. Беш тангасига Москвада майда-чуйда олдим, ҳаражат қилиб юбордим. Ўн тангасини уйга олиб келаяпман.

— Мен ҳам. Лекин бу ўн танга блан нима ҳам қилаолардинг?

— Ўн танганинг бошида ғалва кўп. Отам: эски боқимандамиз бор, шуни тўла деб қисташяпти деб юборибди. Ҳали дейман, бу пулларнинг ҳаммаси шунга кетиб қоладими!

— Бизникида ҳам дон узилиб қолипти, ўрим-йиғимга етмайдиганга ўхшайди. Мана, ўроқ бошланди, эртаю-кеч қўлингдан ўроқ тушмайди, қорнинг очади, овдат егинг келади. Бизда эса ҳеч бало йўқ. Нон ҳам, туз ҳам. Яна бизнинг номимиз одам! Ҳайронман. Одамлар нима дейишади дегин?— Сизлар Москвада ишлайсизлар, мардикорлик қиласизлар, ёнларингиз чақаларингиз кўп бўлиши керак, дейишади... Кузгача ишлаб, неча пул топа олиш мумкин? Буёғи блан ишлари йўқ.

— Биз деҳқонларнинг турмушидек шўр нарса йўқ! Бундан бадтар нарса бўлмас...

— Шўримиз қурсин!

Ҳамроҳлар чуқур тин олиб, бирнеча минут жим бордилар.

Фёдор яна сўради:

— Уйдагилар ҳозир нима қилишяпти экан-да?

— Нима қилишарди! Далага гўнг ташишади, ер ҳайдашади... яна ер ҳайдашади, мола босишади, экишади. Йил ўн икки ой ер бағридан кетишмайди, қорни тўйиб овқат ейишмайди. Мана уч йилдан бери экинни ё сув босиб кетади, ё қургоқлиқ куйдиради, ё дўл уриб кетади... Билмайман, худо ғазабига олиб қолдимми!

— Оғайни, менинг дардим сеникидан ҳам бадтар. Дунькага бўлис оқсоқоли ҳадеб осилаётган эмиш; хотиним шўрликка йўл ҳам бермайди, кун ҳам. Ҳадеб совға-салом блан совчи юборади; келган совчилардан биттасини отам юган блан уриб ҳайдапти. Шунинг учун отам шўрликни уч кун овохта қилибди.

— Чоранг қанчал Эсингдадир-ку, ўтган ёз Прохорнинг Матрёнкаси узини осиб қўйди? Унинг ҳам бошига оқсоқол етди... Бояқиш хотин бутун дардини ичига солибди-солибди, охири узини дорга осибди...

— Биз эркакларнинг шўри қуриган, хотинларники эса яна беш бадтар. Бизлар-ку ҳеч бўлмаса Москвага бориб-келиб турамиз, дунёни кўрамиз. Хотинлар-чи, қаёққа боришади? Овохтага солинган хотинлар қанча-ю! Бояқишлар ёз бўйи ишлашади, қўлоёқлари тарашадай қуриб кетади; юзлари-чи, худди бузи этикнинг кўнжисидай қоп-қорайиб қовжирайди. Шўринг қургурлар одамга ҳам ўхшамай қолишади. Тагин ҳамма уларни хафа қилиб, ўлгудек сўкишади.

— Кел, Федя, шу аламларга бир ашула айтиб юборайлик!

Ҳамроҳлар ашула айтабошлашди, лекин аламнинг зўрлиги ва ҳорғинликнинг кучлилиги орқасида ашула қовишабермади.

— Ҳа, айтмоқчи, Иван, сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим: Ҳақиқат деган нарса қаерда бўлар экан?— деди куйиниб Фёдор.

— Мен ҳам одамлардан: „Бу Ҳақиқат деган нарса қаерда бўлади, қаердан топса бўлади?“— деб жуда кўп сўраганман. Бир кун менга Москвада бир ёр бойвачча: „Ҳақиқат қудуқнинг тагида бўлади, ўша ерга яшириб қўйишган“, деб айтди.

— Уни қара-я! Агар чиндан ҳам қудуқ тагида бўлса аёлларимиз алақачонлари челаққа солиб тортиб олишарди,— деб Фёдор ҳазиллашди.

— Албатта, у бойвачча мени масхара қилиб айтган. Уларга нима! Улар Ҳақиқатга зор эмас, бусиз ҳам баҳузур яшайверишади. Ҳақиқатнинг йўқлиги фақат бизнинг шўримиз халос!

— Чолларнинг гапига қараганда, Еремей бобо аввалги хўжайини вақтида ҳам нуқул Ҳақиқат қидириб ўтган экан. Ана шу Ҳақиқатни тополмай бояқиш чолнинг қадди камалакдек букилипти.

— Бурунги замонларда ҳам Ҳақиқатни жуда кўп қидиришган; албатта, турмуш оғир, кулфат кўп бўлгандан кейин шўринг қургур чолларга алам қилади-да! Бир солиқнинг ўзи қанчадан-қанча одамнинг ястўғини қуритади-ю! Далага чиқсанг ҳам — ўлимга учрайсан, уйда ўтирсанг ҳам — ўлим ёқангдан олади, ҳамма ерда аҳвол шу... Бу деҳқон деганинг байрам кунлари черковга кел-

загина деворнинг ҳаммаёғига битиб юборилган Ҳақиқатни кўради. Лекин ана шу Ҳақиқатни девордан сра тушириб бўлмайди.

— Бу гипинг ҳақиқат. Тўғри айтдинг, деворда осифлик тураверади, лекин пастга ҳеч тушмайди. Тўғри-да, деҳқон нима деган нарса? Қараб-қараб қўяберади, лекин хузурини кўрмайди. Биз жаҳолатда қолган бебахт одамлармиз: уҳ тортамиз, оҳ урамиз, йиғлаб-йиғлаб қўяверамиз: „Э парвардигор, марҳаматингни дариг тутма!“ деймиз-у, яна тақдиримизга кўникиб кетаверамиз. Ибодат деган нарсани ҳам мундоқ ўринлатаолмаймиз.

— Бурун замонларда юртдан-юртга айланиб юрадиган одамлар бўлар экан. Улар халқ ғамини, эл ғамини ейишар, шу йўлда азоб чекишар экан. Ана шундақалар Петрбургга келиб қолгудай бўлса, дарров тутиб олишиб, сибир қилишар экан...

— Ҳарнечук, бурун Ҳақиқат масаласи анча тузук эди дейишади. Чоллар, қари-қартанглар: ҳой, ҳақиқатсизлик бизнинг қаддимизпи букди, шўримизни қуритди, Ҳақиқатни қидиринглар деб васият қилишар экан. Отам: Еремей бобонинг юрак-бағри Ҳақиқат қидириб эзилди, деяр эди. Мана энди у шўринг қургур майиб бўлиб, печка устида чўзилиб ётибди; ўзи не аҳволла ю, кўнгли нуқул Ҳақиқатни қумсайди! Энди унинг дардига ҳечким қулоқ солмай қўйди.

— Албатта солмайди-да! Нимага десанг, ҳозир замон яхши бўлиб қолди дейишади. Ҳозир эли-куйда ҳам, майхоналарга ҳам ма'мурчилик эмиш...

— Бурунги замонларда хўжайинлар одамни тилка-пора қилпб юборишаверар экан, энди-чи, мўмин, қобил бўлиб қолишган эмиш. Бундақа мўмин бандалар ҳамма қишлоқда бор. Улар яланг одам боласини оёқ-ости қилишади.

— Масалан, Василий Игнатьични олайлик. У мен художўман деб ўзига каттакон бино солиб олди. Бундай қарасанг, томининг қизил туникаси худди бир чақиримдан кўринади. Уйининг бир томони дўкон; ўзи эшиги олдида туриб олиб, қорнини нуқул кесакига суртиб қашинади.

— Ҳамма уни ҳурмат қилади тағин. Оқсоқол келса ҳам тўғри ўшаникига тушади. Оғиз ўпишиб фириб қилишади, ҳукуматга бўлган қарзини халойиқ устига сочишади, ҳаммани хонавайрон қилишади.

— Мингбоши келса ҳам ўшаникига тушади. Бойнинг қозонида мою-гўшт, дастурхонида арақ. Бурноғи ёз Питердан бир ёш бойвачча келди. Келасолиб нима дейди дегин?— Василий Игнатьични чақириб беринглар!— дейди... Бойни кўриб:— Хўш, Василий Игнатьич, аҳволингиз қалай? Соғи-саломатлигингиз қалай? Савдосотиқ ишларингиз қалай? Қани ўтиринг, чой ичайлик... Сиз, ахир, яхши рус деҳқонисиз! Ўз ғамингизни ейсиз, бошқаларга ибрат бўласиз... Агар бирон муҳтожлик бўлса дарҳол менга, Петрбургга хат ёзинг,— дейди.

— Данғиллама ҳавли олди... дун'ёнинг машаққатларидан қутилиб, ўзига хон, ўзига бек бўлиб юрибди.

— Жамоат унинг оёғига бош қўйиб, ҳурмат-эҳтиром қилади, қарз сўрайди, экинларини ҳашар қилиб ўриб беради, янчигини ҳам ҳашар блан битиришади...

— Мазза ўшаники-да! Ҳой, менга айт, оғайни, бу Ҳақиқат деган нарса қаерда ахир-а?

— Чамамда, худонинг қўлида бўлса керак дейман-ов! Худо уни осмонга олиб чиқиб кетгану, ҳеч ерга туширмайди-да.

Ҳамроҳлар яна жим бўлишди, яна чуқур уҳ тортишди. Лекин Фёдор дунёда Ҳақиқатнинг йўқлиғига ҳеч ишонаолмас ва ўртоғининг бу нарсага шу қадар енгил қарашига рози бўлолмас эди.

— Йўқ, мен қидириб кўраман,— деди у.— Уйга бораман-у, ўша заҳоти Еремей бобонинг олдига югураман. Ҳамма гапни сўраб оламан. У Ҳақиқатни қандай қидирганини айтиб беради.

— Ҳа, айтиб беради! Орқасини яланғочлаб қамчиланганларини, Сибирьга ҳайдалишга тос қолганини, уни хўжайини ўрмон қоравули қилиб олиб қолганини айтиб беради. Бояқиш чол бойнинг ўрмонини кўз қорачўғидай асради, қоронғи кулбада ғариб бўлиб яшади, унинг олдига ҳечкимни киргизмадилар. Йўқ, сен бу фикрингдан қаят, Еремей бобони ҳавас қилма!

— Асло қайтиб бўлмайди. Нимага десанг, мана, масалан, Дунькани ол. Уйга бордим дегунча хотин бояқиш бор гапни олдимга дастурхон қилиб солади... Нима, мен унинг олдида устундай серрайиб турабераманми? Йўқ, бундай пайтларда ўлим ҳам кўзга кўринмайди. Ўша оч арвоқ итнинг қорнини ёриб, ичак-чавақларини суғариб оламан.

— Оббо, сен-ей! Гапни Ҳақиқатдан бошладинг-у, бойнинг ичагини суғариб олиш блан тамом қилдинг-а! Шу ҳам Ҳақиқатми? Биласанми, мана шундай Ҳақиқат учун сени нима қилишади?

— Нима қилишса қилишаберсин. Бўлмаса нима, сенингча, шу аҳволда ўтиб кетаверайликми? Нима: „Егор Петрович, бош устига, келаверинг, менинг Дунькам ҳар келганингизда кўнглингизни олаберади“, деб айтайми?! Йўқ, бу хўрликларни тамом қилиш керак! Ҳақиқатни топаман, қаерда бўлса ҳам топаман, топмай қўймайман!

Иван гапни бошқаёққа буриб юбориш учун:

— Оббо, сен-ей, шунақа ужарман дегин! Қўй энди,— деди.— Ҳадемай қишлоқ келади; нима, ўша ерга бориб дам оламизми, ё шу далада ётиб биров ҳордиқ чиқарамизми?

Лекин Фёдор ҳеч тинчийолмас, ҳамон: „Ҳақиқатни топаман, қаерда бўлса ҳам топаман, топмай қўймайман!“ дейишини қўймас эди.

— Менингча, сен ҳеч нарсани топаолмайсан. Сабаби шуки, Ҳақиқат биз учун туғилган эмас; кўриб турибсан-ку, ҳозир Ҳақиқат қидирадиган вақтми?— деди Иван.— Ундан кўра, янги ҳосилга етиб олгунча кунимизни қандай ўтказиш, дон-дун сотиб олиш учун қаердан пул топиш кераклигини ўйла.

— Ҳали қараб тур: Василий Игнатьич олдига ҳам борамиз, оёғига бош қўйиб таъзим ҳам қиламиз!— деди Фёдор дўнғиллаб.

— Ҳа, буни ҳам қилиш керак бўлади. Бизни шунча кутгани учун бир десатин ердаги ғалласини ўриб ҳам берамиз! Ҳали отанг ҳам: хотинингга рўмол ва майда-чуйда сотиб оламан деб беш танганинг бошига сув қуйгунча, овқат ғамини есанг бўлмасмиди, деб таъзирингни ҳам беради.

— Совуққа ҳам, очликка ҳам бардош қилиб келганмиз; ҳар йил: мана энди яхши бўлар деб интизор бўламиз... Ахир қачон яхши бўлади? Астафуролло, тўғри-да. Ҳақиқат деган нарса чиндан ҳам йўқ! Одамлар шунчаки ўзларини юпатиш учун: Ҳақиқат, Ҳақиқат... дейишади халос. Ахир қани уша Ҳақиқат?!

— Москвада бир киши менга: Ҳақиқат — бизнинг юрагимизда деб айтди; Ҳақиқатни кўз ўнгингиздан қочирмай яшасангиз, — ўзингизга ҳам яхши бўлади, ҳаммага ҳам яхши бўлади, деди.

— Назаримда, у ўзига тўқ одам бўлса керак, сени майна қилибди.

— Эҳтимол, у бирон бойнинг арзандасидир. Ўзи одмигина кўринади-ю, ана шундай аломат гапларни қилади. Унга нима, қорни тўқнинг қорни оч блан иши йўқ. Бировнинг дарди бировнинг бошини оғритибдими?

Энди ҳамроҳлар ярмигача чириб кетган чақирим стунига етдилар. Стунга Москвадан — 18, Рудаки станциясидан — 3 чақирим деб ёзилган. Ёзув ҳам аранг-аранг кўринади.

— Нима қилайлик, шу далада пича дам-пам олиб олайликми? — деб сўради Иван. — Хў анави ерда ғарам бор экан.

— Албатта, далада дам оламиз-да, бўлмаса қаерда дам олардик? Қишлоққа кирганимиз блан бекорга чиқимдор бўламиз.

Ҳамроҳлар йўлдан бурилиб ғарам томонга кетдилар. Улар эскириб, қийшайиб қолган ғарам остига бориб ўтирдилар.

Иван чоригини еча туриб:

— Хўп одамлар бор-да, буни қара, эски ғарами ҳали ҳам турибди-я! — деди. — Биз баҳорда томдаги поҳолимизни ҳам олиб сигирга берамиз!

Ўтиришиб овқат қилабошладилар, сув келтирдилар, халтала-ридан нон чиқардилар, — мана шундай қилиб қулинг ўргулсин деган дастурхон тузадилар. Кейин ғарамдан бир қучоқ бир қучоқ паҳол олиб, остиларига солиб ётдилар.

Иван ётиб ва эснаб туриб;

— Буни қара, — деди, — теварагингга бир кўз ташла, кўзинг етган жойгача қара! Ҳаммага жой етгулигу, бизга...

М. КАЛОН
таржимаси.

СУЛАЙМОН СТАЛЬСКИЙНИНГ ТУҒИЛГАНИГА 80 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН

Доғистоннинг отоқли халқ шоири Сулаймон Стальскийнинг номи Совет Иттифоқининг ҳамма халқларига маълум ва машҳурдир. Ўзбек китобхонлари ҳам бу улуғ шоирнинг мазмундор, халқчил, гўзал шеър ва дostonлариши ҳурмат блан севиб ўқийдилар.

Сулаймон Стальский 1869-нчи йил, 18-нчи майда Аша-Сталь деган лезгин овулида туғилди. Унинг Буюк Октябрь революциясига қадар босиб ўтган ҳаёт йўли, оғир эксплуатация остида яшаган барча меҳнат-кашларники сингари, азоб-уқубатлар блан тўладир. У, шафқатсиз равишда таланган, эзилган овулида турулмай, Россия шаҳарларида «бахт излаб» бирнеча йиллар давомида дарбадар юрди. Уша йиллари Сулаймон Стальский Урта Осиёга ҳам келиб, Самарқанд депосида ва Сирдарё кўприги қурилишида бир йилдан ортиқроқ ишлади.

Буюк Октябрь революцияси, Ленин—Сталин партиясининг раҳбарлиги ва буюк рус халқининг қардошлик кўмаги блан чор Россиясидаги барча халқлар қаторида Доғистон халқлари ҳам ўзларининг озодлик ва мустақилликларига эришдилар. Шоир ўзининг талантини фақат совет давридагина бутун бўйи-рост намойиш этдираолди ва машҳур шоир бўлиб танилди. У, совет ҳукумати даврида ўз бахтини топган Кавказ тоғ халқларининг хурсандчилигини, миннатдорчилигини баланд овоз блан куйлай бошлади. Сулаймон Стальский гениаль рус ёзувчиси А. М. Горькийнинг яқин дўсти эди ва унинг ёрдамидан гамхўрлигидан жуда баҳраманд бўлди. Сулаймон Стальский ўзининг бутун ижодини халқ ишига, Ленин — Сталин партиясининг ишига бағишлади. Унинг Ленинга, Сталинга, большевиклар партиясига, Совет Армиясига, далаларда юқори ҳосил етиштираётган колхозчиларга, озод ва қаҳрамон совет хотин-қизларига бағишланган шеърлари, айниқса «Ленин вафотига», «Мен большевикларни куйлайман», «Уртоқ Сталин ҳақида қўшиқ», «Пушкин», «Ҳосил», «Стахановчи қизларга» каби шеърлари за «Сергей Оржоникидзе ҳақида дoston» каби бирқанча асарлари совет ўқучилари томонидан севиб ўқилиб келади. Биз унинг «Пушкин», «Стахановчи қизларга» шеърларини ўзбек тилида босамиз.

СУЛАЙМОН СТАЛЬСКИЙ

ПУШКИН

Шимолдан то Жанубка қадар,
Бутун юртлар уни биларди.
Гўзал шеърини марваридлари
Дилмизни нурдай безарди.

Қадрдон дўст у бизга чиндан,
Фикр, меҳнат, ҳаёти блан,
Уша йиллар, юлдуз каби шан—
Қора тунда нурын сепарди.

Талпинганди чорлаб баҳорни,
Яшнатсин, деб, она диёрни.
Аммо юртни—асиру зорни
Зулм, қуллик қаттиқ азарди.

У ёшлиқдан бўлди исёнкор,
Халққа яқин, ҳамдард, мададкор.
Подшоларга қўрқинч, ғазабкор,
Шуниг-чун шоҳ жаллод юборди.

Улуғ Пушкин, фикринг, ше'рийгни,
Юракларга солиб меҳрингни,
Туғишгандай севдик ўзингни,
Сен халқимиз азиз фарзанди.

Юртга баҳор келди, жонажон,
Бу кунларни қилгандинг армон,
Халқлар сени севади ҳамон,
Замондошсан, яқин, дилбанди.

Қушигингдан—завқли эл баҳри,
Фикринг қайнар чашма сингари.
Лезгин, қалмиқ, аварец—бари
Ундан ичар—соф баҳраманди.

II

Оғир, қора кунда яшадинг,
Улуғ халқнинг ўғли, қадрдон.
Ҳақиқатни фақат сўйладинг,
Эркинликни куйладинг, ўғлов.

Тўғри, одил, ҳақ бўлганингни,
Кишонлардан дод урганингни,
Шоҳга ла'нат ёғдирганингни
Халқдан шумлар тутдилар пинҳон.

Аммо сўзинг гўёки бир нур,
Юракларга бахш этди сурур,
Сен бизники, қиламиз гурур,
Эллар сенга жондан меҳрибон.

Асрларнинг шон-шуҳратисан,
Бизнинг кунда яна нурлисан,
Қабул айла, лезгин халқидан—
Салом!—дейди сенга Сулаймон.

СТАХАНОВЧИ ҚИЗЛАРГА

Хурсандлик хабари келди овулга,
Олқишлабди сизни улуғ Москва,
Шодлик, қувончларга тўлди қир, ува.
Сизнинг ишингиздан, қаҳрамон қизлар.

Ватанда порлади ажойиб замон:
Ултирасиз доҳи блан ёнма-ён,
Сиз озод меҳнатда мағрур, қаҳрамон,
Ҳаётингиз улуғ бир дoston, қизлар.

Тоғлар, водиларнинг эркин қизлари,
Ғамдан мангу озод шўх юлдузлари,
Қайга боқмай илғор; ширмон юзлари—
Терга ботиб ишлар бу полвон қизлар.

Ўн икки ой тўлса—бир йил бўлади,
Ҳа демай серҳосил куз ҳам келади.
Хирмон бўлиб ҳосил чош уюлади,
Ўлкани олтинга қилинг кон, қизлар.

Жасоратга тўла ўткир кўзингиз,
Мақтов, мукофотга лойиқ ўзингиз.
Сизни ботир қилган улуғ доҳингиз,
Яшанг, яшанг доим, э бўстон қизлар.

Қуёшдай бахтингиз, ҳурматингиз бор,
Сизда сталинча қудрат, улугвор,
Яна юксакларга элтар бахтиёр,
Қучоқ очган бахт—даврон, қизлар.

Кеча бироз сиқди мени хасталик,
Бугунги шодликдан соғалдим, шердек,
Қайга қочди бирдан дарду дилгирлик,
Тополмайсиз зарра бир нишон, қизлар.

Сулаймон соғайди яна қайтадан,
Демченко қизига айтар юракдан:
«Сен—докторларнинг энг асили экан!»
Унинг йўли тўтинг, жонажон қизлар.

А. СОФРОНОВ

МОСКВАЛИЛАР ХАРАКТЕРИ

4 парда, 7 кўринишли пьеса¹

ИШТИРОК ЭТУЧИЛАР

Алексей Кирьянич ПОТАПОВ — станоксозлик заводининг директори.

Ирина Фёдоровна ГРИНЁВА — унинг хотини, тўқимачилик комбинати фаб-
комининг раиси.

Фёдор Степанович ГРИНЁВ — тўқимачилик комбинатининг мастери.

Виктор ГРИНЁВ — Москва Давлат университети тарих факультетининг
студенти.

Нива Ивановна ПОЛОЗОВА — ВКП(б) райкомининг секретари.

Анна Сергеевна КРУЖКОВА — тўқимачи, РСФСР Олий Советининг де-
путати.

Ольга Ивановна СЕВЕРОВА — тўқимачилик комбинатининг директори.

Игнат Степанович КРИВОШЕИН — станоксозлик заводининг бош техно-
логи.

Сергей Сергеевич ЗАЙЦЕВ — станоксозлик заводи план бўлимининг бошлиғи.

СВИРИДОВ — ҳарбий хизматдан бўшаган офицер.

ДРУЖИНИН — станоксозлик заводи парткомининг секретари.

ШУРА — Потаповнинг секретари.

МАША — райкомнинг техникский ходими.

Райком бюросининг а'золари.

Воқиа шу кунларда, Москвада бўлади.

¹ Ленин орденли Академик Малий театр сахнасида қўйилган варианты,
Иззат СУЛТОН таржимаси.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Ставоксозлик заводи директорининг кабинети. Баланд шиплик хона. Оқиш мебель. Кичик столча устида — станок модельлари, бронза деталлар. Чаштоҳ мадал. Ёз. Деразалар очиқ. Ойналардан Москва манзаралари кўринади. Потапов телефонда гаплашмоқда. Ёшгина қиз — Шура, қизил ва қора иплик катта диаграмма олдида туриб, қизил ипни диаграмманинг энг баланд стунига қараб тортимоқда.

Потапов (*телефон трубкасига*). Қулоғим сувда, Павел Николаевич. Раҳмат... Табригингиз учун миннатдорман, лекин, менинча, бундан ошириб юбориш ҳам қўлимиздан келади... Служим трудовому народу. Албатта бораман. Хайр, саломат бўлинг. (*Трубкини жойига қўйди.*)

Шура. Алексей Кирьянич, буёғини энди нима қиламиз?

Потапов. Рассом қурғур калтабинлик қилибди-да, Шура.. Юз йигирмадан ошмайди деб ўйлабди, биз бўлсак — бир юз ўттиз тўрт қилиб қўйибмиз.

Шура. Ё бошқатдан қил деб қайтариб берайми?

Потапов. Керак эмас, Шура, керак эмас... Ўзимиз тўғрилаймиз. Ўзимиз рассомингизнинг устунидан баландга миҳчани бундоқ қоқиб, ипни бундоқ тортиб қўйсак, иш тамом, вассалом. (*Қизил ипни баланд тортиб, туғноғич блан маҳкамлаб қўяди. Кейин, орқага сал тистарилиб, диаграммага ҳавас блан тикилиб қолади. Шура унинг олдига келади.*) Айвазовскийнинг суратларига ўхшаб кетдим, а, Шура?

Шура. Жуда чиройли бўлди, Алексей Кирьянич!

Потапов. Қотирамиз-да. (*Секин мингиллаб қуйлайди.*) „Бабушка козлика очень любила, вот как, вот как, очень любила“.

Телефон жиринглайди. Шура трубкини олади.

Шура. Директор секретари эшитади. Ҳозир. Алексей Кирьянич, хотинингиз... (*Потаповга трубкини беради.*)

Потапов. Хўш, Ирина Фёдоровна? (*Секин мингиллаб қуйлайди.*) „Вот как, вот как, очень любила“... ҳа, кайфим чоғ! Ие, мен хурсанд бўлмай ким хурсанд бўлсин? Йўқ, кечроқ қайтаман. Главкага бораман. Сен ҳам кеч қайтасанми? Яна иш чиқиб қолди дегин? Профсоюз активи. Ҳа, ҳа, албатта, албатта. Президиумга ҳам сайлашар сени? Жойида, жойида... Айтгандек, ўртоқ профсоюз активи, сенга бир илтимос бор, мендан илгари қайтсанг, чой қўйиб қўй. Жуда саз. Менинг олдимга келмоқчимми? Келсин, келсин. Қабул этаман, албатта. Ҳатто бенавбат қабул қиламан. Муҳим масала? Қизиқ, сизларда қанақа муҳим масала бўлиши мумкин? Ҳунаринглар чит босиш-ку... Яхши, яхши. Хўб, чой қўйишни унитма. (*Трубкини қўйди. Шурага.*) Шурочка, хотини профсоюз активи бўлган кишининг шўри қурир экан. Хотини жамоат овқатининг гамини ейди-ю, ёри ўз ризқини кўчадан териб ейишга мажбур. Эрга тегадиган бўлсангиз, шу ёғини ўйлаб тегинг.

Шура. Хўб бўлади, Алексей Кирьянич.

Потапов. Баракалла, шундай қилсангиз тўғри бўлади. Ҳа, Шура, менинг олдимга тўқимачилик комбинатининг директори Северова келади, дарров киргизасиз.

Шура. Хуб, Алексей Кирьянич.

Потапов. Кривошеинни чақиринг.

Шура. Ҳозир. *(Чиқади ва кириб келаётган Зайцевга туртиниб кетишга сал қолади.)*

Зайцев. Алексей Кирьянич, министр талефон қоқдимиз?

Потапов. Ҳа-ҳа, Сергей Сергеич, бизни министр шахсан ўзи табрик қилди. Жойидами?

Зайцев. Бир тарафи, бундай табриклар биз учун янгилик эмас, албатта. Аммо, иккинчи тарафдан олганда, ёқимли гап...

Потапов. Сергей Сергеич, мен сизга айтсам, бу ишларнинг сиви қайда? Бизда ишлабчиқариш, корхона йўлга қўйилган. Бутун Совет Иттифоқини биз станоклар блан та'мин этамиз. Отпускаи олганингизда, бирданига, масалан, Қозоғистонга бориб қолсангиз...

Зайцев. Қозоғистонда нима қиламан?..

Потапов. Ёки, масалан, Волга бўйига...

Зайцев. Отпускаида Клязьмага бориб, балиқ ови қилмоқчиман.

Потапов. А-ҳа, „ҳам саёҳат, ҳам тижорат“ денг?

Зайцев. Ҳазилкашлигингизни ҳеч қўймас экансиз-да, Алексей Кирьянич.

Потапов. Биз ҳазил қилмасдан ким қилсин? Ҳаққимиз бор. *(Куйлайди.)* „Бабушка козлика очень любила, вот как, вот как“.

Зайцев *(Потаповга эргашиб)*. Она из него мыло варила, вот как, вот как...

Кривошеин киради.

Кривошеин. Алексей Кирьянич, бирор гап борми?

Потапов. Гап бор, ўртоқ технолог, гап бор, Игнат Степанич! Сергей Сергеич, бунга воқиадан хабардор қил.

Зайцев. Министр телефон қоқди.

Кривошеин. А-а...

Зайцев. Вўй, тепса тебранмас-ей! Министр табрик қилди, деяпман сенга!

Кривошеин. Табриклаган бўлса бўпти, ишимиз ўзи яхши-да.

Зайцев. Министр телефон қоқди, деяпмиз, министр!

Кривошеин. Қизиқ, нега бунча ҳовлиқасан?

Потапов. Сен ҳам қизиқсан, Игнат Степанич, министр телефон қоқса, хурсанд бўласан-да ки ши... Демак, сен блан бизга ихлослари баланд экан-да. Мана икк инчи заказни ҳам олдик. Бутун йилга етиб ошарлик иш.

Кривошеин. Мана буниси яхши бўпти.

Потапов. Айни муддао. *(Яна диаграмма олдига боради, Зайцев блан Кривошеин ҳам етиб келади)*. Игнат Степанич, ўтган ойи плани 134 процент бажарган бўлсак, демак, бешйиллик планимиз бажарилар экан-да?

Зайцев. Бўлмасамчи!

Потапов (Зайцевга). Шошма. (Кривошеинга.) Бажариладими?

Кривошеин. Албата, ҳатто илгарироқ ҳам бажарилади.

Потапов. Қанча илгари?

Кривошеин. Менингча, тўрт йилда бажарамиз...

Потапов. Тўрт йилда? Йўқ, Игнат Степанич, уч ярим йилда бажаришимиз керак! Тўрт йилда эмиш! Тўрт йилда ҳамма ҳам бажаради. Бу мардлик эмас.

Кривошеин. Бу мардлик бўлмаса...

Потапов. Яхши, яхши, бу мардлик... Аммо биз учун мардлик битта ўзи оз. Биз ҳечким қилмаган ишни қилишимиз керак. Биз ҳамманинг олдида бўлишимиз керак.. Янгича, поток блан ишлашга киришибмизми... Ҳой, Игнат Степанич, қани ўзинг уйлаб кўриб, бир нарса деб юбор.

Зайцев. Уч йилда бажарсак нима дейсиз?

Потапов (Зайцевга). Шошма... Уч йилда бажарсак, ёмон бўлмас эди-я, албатта, аммо эплайлмаймиз. Игнат Степанич, сенга топшириқ шу: бутун технологиянни уч ярим йилга мўлжаллаб ишлаб чиқасан. Эплаймизми?

Кривошеин. Ҳаракат қилиб кўраман. Менингча, бунинг иложи бор.

Зайцев. Ёмон ҳам тепса-тебраиммассан-да, Кривошеин, „Ҳаракат қилиб кўраман“, „Менингча..“ деб чўзиб ўтирасанми? „Эплаймиз“ де-қўй!

Кривошеин. Сен-ку ҳарнарсани эплаб юбораберасан-а!

Потапов. Ҳаммамизнинг фикр-хаёлимиз шу бўлади энди. Ишимизнинг муқаддас асоси шу. (Кривошеинга.) Айтгандек, янги уйнинг зиёфатини қачон еймиз?

Кривошеин. Зиёфатдан қочмайман. Бироз орқа-олдымни йиғиштириб олай...

Потапов. Тўйинг-чи? Тўй қачон?

Кривошеин (Зайцевга қараб олиб). Менда бошқа ишингиз йўқми, Алексей Керьянич?

Потапов (Зайцевга). Сергей Сергеич, тайёр маҳсулот оморига чоп. У ерда транспорт масаласида чатоқлик чиққан эмиш.

Зайцев (телефон трубкасини олмоқчи бўлиб). Ҳозир кўрсатма бераман.

Потапов. Кўрсатма берма, ўзинг бор, шахсан текшир.

Зайцев (хоҳишсиз чиқиб кетаётиб). Майли, ўзим бораман.

Потапов. Бор, бор. (Кривошеинга.) Нима гап, Игнат Степанич?

Кривошеин. Нима айтмоқчисиз?

Потапов. Уйни-ку бердик. Уйланарсан деб ўйлаган эдик...

Кривошеин. Берган уйингизни бўшатиб қўйишим мумкин.

Потапов (самимий). Зардапазликни қўй, Игнат Степанич, гапим беғараз. Сиррингни билиб олиб, масхара қилиб юрмоқчи эмасман. Кўлдан бери сўрамоқчи бўлиб юриб эдим... Сен йигитчасига, тортинмасдан айтабер.

Кривошеин. Тортинишга ҳожат йўқ. Хато қилиб қўйиб, мазасини тортаяпман.

Потапов. Нима хато қилдинг?

Кривошеин. Кружковани ўзимдан совутиб қўйдим.

Потапов. Бу хатони тузатиш қийин эмас...

Кривошеин. Афсуски, қийин, мумкин эмас.

Потапов. Бу гаплар қачон ўтди?

Кривошеин. Бир неча ой бўлди.

Потапов. Нега индамай юрабердинг?

Кривошеин. Бу хурсанд бўлиб гапириб юраберадиган гап эмас-да ахир.

Потапов. Нима гап ўзи? Нима нома'қулчилик қилиб қўйдинг?

Кривошеин. Мен сизга айтсам, Алексей Кирьянич.. Кружкова оддий ишчи. Оиламизда тотувлик бўлмайдиганга ўхшаб қолди... Нима десам тушунар экансиз? Муомила қилиш йўлини билмадим. Хуллас калом, муросамиз чиқмай қолди-да...

Потапов. Нега муросангиз чиқмайди?

Кривошеин (*бирданига қизишиб*). Мен унинг савиясини кўтармоқчи, ҳамма камчиликлардан биратўла қутилтирмоқчи бўлдим... Кўзи очилсин, дун'ёни танисин дедим... Музейлар, театрлар, китоблар, лекциялар ҳечбири қолмади... Қарасам, бу нарсалар ҳаммаси увга оғирлик қилиб қолипти.

Потапов. Бўлмасамчи... Дўстим, у ахир кечки мактабда ўқийди.

Кривошеин. Ёрдам қилай деб эдим...

Потапов. Бунақа ёрдам икки кунда одамни гўрга олиб бориб қўяди... Ишқу-муҳаббатдан ҳам гапирдингми?

Кривошеин. Сал-пал.

Потапов (*дўстона эрмак қилиб*). Сал-пал... Яна инженерман деб юрибсан-а...

Кривошеин. Хуллас, у менга қарамай қўйди.

Потапов. Ишни нимадан бошлашни билмабсан. Муҳаббатдан бошлаш керак эди, муҳаббатдан. Ана ундан кейин хотин киши деган музейга эмас, балога бошласанг ҳам кетверади.

Кривошеин. Шунақа денг...

Потапов. Яхши бўлмабди, ҳа... Ҳозир эса бу қиз Олий Совет депутаты... Дун'ёда мана мунақа оддий ишчилар бўлади! Севасанми?

Кривошеин. Севганим кўриниб турибди-ку?

Потапов. Мендан сенга маслаҳат: депутатдан қабул этишни сўра, дардингни айт. У ҳам сени севадиган бўлса, дарров опоқ-чапоқ бўлиб кетасизлар.

Кривошеин. Йўғе! Энди ҳеч иложи йўқ.

Потапов. Афсус, афсус, уч хонали уйдан ажраб қоласан-да! Бир иложини қилиб бўлмасмикин-а? Мана, масалан, Ирина блан мени олсанг, биз иккаламиз ҳам ўжармиз, аммо муроса қиламиз... Худо урсин, муросамиз ёмон эмас. Ба'зан атайин, кўнгли учун, нима деса „сизники ма'қул“, деб тураман. Хурсанд, „гаҳ“ десам қўлимга қўнади. Сенянг ҳолинг оғирроқ бўлади, албатта. Кимсан — депутат. Айтганини қилмай кўрчи? А? Қиласан. Ё қилмайсанми?

Кривошеин. Қиламан-да, албатта... Сиздан катта илтимос, Алексей Кирьянич, бу тўғрида энди сра оғиз очманг.

Шура киради.

Шура. Ўртоқ Северова келди.

Потапов. Кирсин. (*Шура чиқди. Северова кирди.*) Тўқимачилик саноатининг қадамларига хасанот. Салом, Ольга Ивановна. Танишинглар. Бош технологимиз Игнат Степанич Кривошеин.

Северова. Северова. (*Танишдилар.*)

Потапов. Ольга Ивановна — тўқимачилик комбинатининг директори.

Кривошеин. Биламан. (*Потаповга.*) Менда бошқа ишингиз йўқми?

Потапов. Ҳозирча йўқ. (*Кривошеин, бош эгиб, Северова билан хайрлашиб чиқди. Северова унга хўмрайиб қараб қолди.*) Мунча унга тикилмасанг, Ольга Ивановна? Ё ёқиб қолдимми? Хотин киши ҳечқачон хотин кишилигини қўймайди-да.

Северова. Бўлмаса нима, хотин кишилигини ташлаб эркак бўлсинми? Унингсиз ҳам эркаклар тўлиб ётибди.

Потапов. Ундай дема, ҳозир эркакларнинг бозори чаққон.

Северова. Биронтаси шу бема'ни гапни алжигану, сен буни рўқач қилиб юрасан.

Потапов. Аммо, сен унга суқланиб тикилдинг. Бақувват эркак жинсининг паҳлавон вакили-да, шундай эмасми? Дурустроқ назар солиб кўр. Бўйдоқ. Сенга боп куёв.

Северова. Қўй бу гапларингни, Потапов. Сенинг олдингга куёв сўраб келганим йўқ.

Потапов. Хўш, бўлмаса нима сўраб келдинг, қўшни?

Северова. Ёрдам сўраб келдим... бир қўшнилик қилиб юбор.

Потапов. Қандай ёрдам берай?

Северова. Корхона—корхонага ёрдам бериши керак.

Потапов. Ольга Ивановна, корхоналаримизнинг ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари бирхил эмас-ку?

Северова. Маҳсулотлари бирхил бўлмаса, мақсадлари бир-хил.

Потапов. Сизлар ўн саккизинчи аср техникаси билан сурупчит босасизлар, биз эса станок чиқарамиз. Ихтиёр менда бўлса, мен сизларни ўша қадимги ашқал-дашқалларингиз билан Москвадан четроққа чиқариб юборар эдим: Владимир шаҳригами ё Муромгами...

Северова. Мунча яқинга? Нарироғи йўқмиди?..

Потапов. Хоҳласанглар нарироғи ҳам топилади. Ольга Васильевна, Москва аллақачон чит-сурип шаҳарлигидан чиқиб, индустрия шаҳрига айланган.

Северова. Шoir тили билан гаплашадиган бўлиб қолибсанми?

Потапов. Майли, сўкишмайлик... Нима иш билан келдинг?

Северова. Алексей Кирьянич, сўзларимга жиддий қулоқ сол. Сенинг қайнотанг билан инженер Горбенко янги станок ўйлаб чиқарганлигидан хабаринг бўлса керак.

Потапов. Чоли тушмагур доймо бир нарса ўйлаб чиқариб юргани-юрган.

Северова. Энди читга босиладиган нақшни электромеханика йўли блан ўйиш йўлини топибди. Шундай бир нақшни ўйишга ҳозир бизда уч ҳафтадан икки ойгача вақт кетади, унинг янги станогни бўлса бу нақшни икки кунда ўяди. Икки кунда-я, тушундингми? Энди читга соладиган гулларимизнинг хили сонсиз-са-ноқсиз бўлади... Ҳозир биз бир йилда ўрта ҳисоб блан тўқсон хил суратли чит чиқарамиз. Янги станокни ишга солсак, саккиз юз хил сурат блан чиқароламиз. Саккиз юз-а, Потапов, саккиз юз!

Потапов. Ахир, сизлар нима: суратхонамисизлар?

Северова. Бўлмасамчи! Янги станок газмолларимизни яхшилайди, кўркам қилади. Нақшларни кўпайтирганимиздан кейин газмолни ҳам яна кўпроқ чиқаришга қодир бўламиз.

Потапов. Ростдан-а?

Северова. Инсоияят бу орада қанча олға кетди. Овоздан ҳам тез учадиган бўлди. Атом қуввати сирликдан чиқди.

Потапов. Гапларинг тўғри.

Северова. Газмолни эса ўша-ўша эски йўл блан чиқариб келаяпмиз.

Потапов. Қолоқ соҳасизлар, Ольга Ивановна.

Северова. Шундай экан, биз тўқимачилик саноатида революция қилмоқчимиз!

Потапов. Ў-ҳў!

Северова. Бизга уруш халақит бериб қолди.

Потапов. Пайтава чиқариб турдингларми?

Северова. Парашют ипаги ҳам чиқардик.

Потапов. Энди дераза пардаси чиқарамиз, дегин?

Северова. Пардалар ҳам чиқарамиз...

Потапов. Бордию шу пардаларни чиқармасак нима бўлади? Одамларни офтобдан маҳрум қилмасанглар яхшироқ бўлмасмикин? Умуман, одамлар тўғрисида кўпроқ ўйлаш керак. Станоклар чиқариш керак, Ольга Ивановна! Сен бўлсанг читу-сурип деб юрибсан!

Северова. Мен ҳам станок деб келдим. Заказимизни қабул қил.

Потапов. Белкурак қилиб бер, дединглар, қилиб бердик, энди нима, ёрдамчи хўжаликларингизга челақ ҳам қилиб берайликми?

Северова. Станок заказ қилмоқчимиз, нақш қиладиган янги станок!

Потапов (кулади). Мана, хотин тойяфаси ҳаммаси шунақа! Ўйламай-нетмай аравани қуруқ олиб қочаверишади.

Северова. Қўлингдан келса, сен аравани қуруқ олиб қочдирма. (Портфелини очиб, жуда чиройли чит парчасини олади ва кенг ёйиб стол устига ташлайди.) Ёқадими? Кўриб қўй?

Потапов (ушлаб кўради). Комиссионнийдан олгандирсан. Неча пул бўлди?

Северова. Потапов! Ўзимизнинг фабрикамизда қилдик. Дастлабки нусха. Ёрдам бер. Ўжарлик қилма. Сен рози бўлсанг — министрлик ҳам рухсат беради.

Потапов. Минг қилса ҳам хотия сизлар-да, хотия сизлар! Хайронман, қандай қилиб ҳукумат сизларни мамлакат идорасига аралаштиради? Дўстим, бизга нон керак, галла керак. Марказ-комнинг қарорини ўқидингми? Ўртоқ Андреевнинг докладыни-чи? Мен қишлоқ хўжалик машиналари чиқариб берадиган станоклар қилаяпман.

Северова. Мен ҳам у станокларни йиғиштириб қўй деяётганим йўқ. Сен иккала заказни ҳам бажараоласан. Иккалавини ҳам эплайсан. Заводингнинг қувватини яхши биламан.

Потапов. Менинг заводимнинг қувватини-я? Ҳовлиқма.

Северова. Алексей, районимиз Ватанга нималар берганини бир эсингга ол! Янги станок бизнинг районда барпо қилинган экан, уни кўплаб ишлабчиқариш ҳам бизнинг районимизда йўлга қўйилсин.

Потапов. Бешйиллик планни ўқиганмисан ўзинг?

Северова. Ҳаммасини ўқиганман. Бордию бирар янги нарса пайдо бўлиб қолса, сенингча, келаси бешйилликни кутиб ўтиришимиз керакми? Ҳар сафар дафтарга қараб, графада борми-йўқми деб ўтирасизми?

Потапов. Ахир менга қара. Ольга Ивановна, ўзинг ҳам директорсан. Янги заказни қабул қилиш нима эканини яхши билсанг керак? Бу бирнеча йилдан бери тер тўкиб, зўрға йўлга солинган ишлабчиқаришни издан чиқариш деган сўз. Сенга тушинтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳамма графиклар, ҳамма процентлар ер блан яксон бўлади деябер. Аммо бизнинг процентларимиз ҳозир чакана эмас. (*Диаграммани кўрсатиб.*) Қара, ҳатто рассом ўйлаганидан ҳам ошириб юборибмиз. Мўлжалларимизни, планларимизни сра сўрама! Бешйилликни уч ярим йилда бажараман, деб турибман. Сен бўлсанг читингни орага суқасан.

Северова. Мен ҳам ақалли тўрт йилда бажараман деб турибман...

Потапов. Худо мададкоринг бўлсин...

Северова. Сен худо бўлмасанг ҳам, мен сендан мадад тилаб келдим.

Потапов. Бекорга ҳовлиқиб юрибсан, Ольга Ивановна. Бу ерда хотинкишилигингга бориб енгилтаклик қилаяпсан.

Северова. Фикринг шуми ҳали?

Потапов. Шу, албатта.

Северова. Демак, қабул қилмайсан?

Потапов. Қабул қилмайман?

Северова. Мажбур қилсалар-чи?

Потапов. Мажбур қилишаолмайди. Бекорга овора бўлиб юрибсан. Станокларингни одатдагича йўл блан бошқа жойга бераберинглар.

Северова. Гапларинг қизиқ, Потапов. Майли, майли, лекин билиб қўй: бизнинг характеримизни Москвадилар характери дейдилар. Биз халқ учун фойдали бир иш қилишга бел боғлар эканмиз, ҳарқанча қийин бўлса ҳам қиламиз. Эҳтиёт бўл! Сенинг заводинг учун курашамиз!

Потапов. Муваффақият тилайман. Сен аввал ўз фабрикаг ҳақида бош қотирсанг яхшироқ бўлар эди, ишларингнинг мазаси ҳалигидайроқ...

Северова (*читни портфелига солиб*). Ўзимиз эплаб оламиз. Потапов. Куёв топиб олсанг, захаринг бироз камаярмидикин... Жуда захар бўлиб кетибсан.

Северова. Захар бўлсам ўзимга тав. Эсингда бўлсин: сенинг заводинг учун кураш бошлаганмиз. Хайр. (*Кетди.*)

Потапов (*столни бармоқлари блан чертиб қараб қолади*). Москвалилар характери эмиш? Бизнинг характеримиз қанақа характер экан? Бразилиялилар характерими? Шу хотинларни давлат ишига ким чиқарди ўзи? Давлат ишларига ҳеч кўзлари етмайди-ю!

Зайцев киради.

Зайцев (*Потаповга пакетни бературиб*). Мана, главкадан хат.

Потапов (*пакетни очиб*). Қани, главка нималарни ёзибдикин?

Зайцев. Ташаккур э'лон қилишгандир. Ё эҳтимол, мукофотдир.

Потапов (*ўқийди. Хатнинг мазмуни блан ошна бўлган сари унинг юзидаги табассум йўқола боради*). Шундай дегин, иҳмм, шундай дегин... Бошлабдилар. Буни қара-я, Сергей Сергеич, бошлабдилар! Йўқ, ўртоқ хотинлар, ҳам курашиб кўрамиз сизлар блан. Сизлар ўжар бўлсангиз, биз ҳам латта эмасмиз. Фикринг қалай?

Зайцев. Хотинларни айтасизми? Ҳаммаси ярамас.

Потапов. Хотинлар сўзини ўтказиб кетаберадилар. Биз индамай қолаберармидик? Иззатини билмаганлар, ўзидан ўпка қилсин. Менга қара, Сергей Сергеич, дарров Кривошеинни чақир. Йўқ тўхта! Кривошеинни кейин чақирасан. (*Қогозни олиб портфельга солиб қўйди.*) Улар главкага ёзган бўлишса, мен министрга ёзаман. Ҳа! Йиғув цехига буюр, ишни жадаллатишсин. Модельчилар ҳам тайёр турсин! Уқдингми?

Зайцев. Уқдим, Алексей Кирьянич... Лекин воқиага тушинмаяпман.

Потапов. Мен уларга шундай нақш қўйиб, шундай суратлар солиб берайки, сра эсларидан чиқмайдиган бўлсин...

Зайцев. Клубга керакли суратларни айтаяпсизми?

Потапов. Э-э, Зайцев... Министрликдан қайтиб келай, бутун воқияни айтиб бераман. Кривошеинга айт: мени кутиб турсин. Ишларни бўшаштирма!

Зайцев. Қачон қайтасиз?

Потапов. Билмадим. (*Чиқди.*)

Зайцев. Қанақа сурат?.. Қанақа нақш... Қизиқ одам! (*Потаповнинг ўрнига ўтирди, трубкини олди.*) Диспетчер керек! Диспетчер! Йиғув цехига айт, станокни йиғишни тезлатишсин, Алексей Кирьяничнинг буйруғи шу. Дарров 140 бўлдими? Яхши. Яна қандай кўрсатмалар бор дейсанми? Бунинг аҳамияти йўқ. Кўрсатмалар бўлади, албатта бўлади. Қандай кўрсатма дейсанми? Бунинг аҳамияти йўқ. Қанақа кўрсатма бўлса ҳам, ишқилиб бўлади, шуниси муҳим!

Парда

Поталов ва Гринёва уйнинг овқатхонаси. Кенг, ёруғ хона. Уй бинонинг бешинчи ва ё олтинчи қабатида. Биз буни балконнинг очиқ эшигидан бошқа уйлارнинг юзлаб чироглари ёниб турганидан сезамиз. Овқатхонада ёни хоналарга чиқилган икки эшик. Москванинг ёзги оқшомларидан бири. Ташқарида ҳали унча қоронғи тушган эмас. Парда очилиши билан уйга Гринёва ва Кружкова киради. Гринёванинг қўлида ҳозиргина почта яшигидан олинган газета ва хатлар бор. Кружкова балконнинг остонасига бориб тўхтади. Гринёва чирогни ёқди.

Кружкова. Ирина Фёдоровна, чирогни нега ёқдингиз? Ҳали ёруғ-ку.

Гринёва. Гира-ширани ёмон кўраман. Бўлса ё қоронғи бўлсин, ё ёп-ёруғ. Ўтир, Ана-я. Овқатланайлик. *(Буфетдан кичик чойнак олади.)* Алексей билан мен чойни жуда яхши кўрамыз. *(Кетади ва қайтади.)* Актив жуда чўзилиб кетди.

Кружкова. Ирина Фёдоровна, сиз жуда яхши гапирдингиз.

Гринёва. Ҳаёт ўзи ўргатади... Иннайкейин, бурро гапириш унча қийин эмас.

Кружкова. Қийин... Мана менинг олдимга ҳархил одамлар келади. Ба'зилари ўқимишли, ба'зилари кам савод, ба'зилари қани нима дер экан деб синамоқчи бўлиб оғзимга қараб туради; нималарни билмаслигимни билиб олмоқчи бўлади. Мен эсам ҳам кўп нарсани билмайман. „Шунга ёрдам беринг“, „уни ҳам айтиб беринг“, „бунга аралашинг“ деб илтимос қилишади. Ўзим ёрдамга муҳтож бўлсам нима дейсан?

Гринёва. Гапинг тўғри. Хато қилиш депутатга эн эмас.

Кружкова. Менинг ҳам шуниси бошимни қотиради-да... Мана, масалан, Свиридова масаласини олинг...

Гринёва. Ўзимизнинг Свиридсвами?

Кружкова. Худди ўзи... Олдимга келди, йиғлайди: „Қаёққа боришимни билмайман: сизга келиш керакми, парткомгами, бошқа жойгами; тушунмайман. Ўзимизнинг ишчилар орасидан чиққан депутат, дардимга даво топар деб, таваккал қилиб сизнинг олдингизга келабердим“, дейди. Эри армиядан қайтибди. Слесарьлигида кетиб, капитан бўлиб келибди. Хотинига: „Сен мевдан орқада қолибсан. Энди тотув яшашимиз қийин. Кўп нарсага фаҳминг етмайди ва умуман маданият масаласида мазанг йўқ. Сен энди менинг тенгим эмассан. Ажрашайлик, газетага э'лон бер“, дер эмиш. Хотин бечора йиғлайди: „Икки болам билан мен нега э'лон берар эканман? Болалар ҳам майли-я! Болаларимни шу вақтгача эплаб келдим. Яна эплаб кетаман. Лекин мен уни яхши кўраман — бу ёғи нима бўлади?“ дейди. „Нима масалада мен орқада қолибман, кимдан орқада қолибман? Менинг номим доим фаҳрий тахтада. Урушнинг бошидан бошлаб кеча-кундуз ишладим. Ҳозир ҳам шу. Ажралишни истамайман“, дейди. Ҳўнг-ҳўнг йиғлайди. „Анна Сергеевна, ёрдам бер, сен депутатсан. Ҳар нарса кўлингдан келади“, дейди. Қандай ёрдам берай? Раҳмим келиб кетди. Ўзим ҳам йиғлаб юбордим. Иккаламиз ўтириб олиб тоза йиғлашдик.

Гринёва. Неча соат йигладияглар?

Кружкова. Соатга қараганим йўқ... „Эрингни чақириб, гаплашиб кўрай“, дедим. Эрига энди нима дейман? Тоза сўкаман. Гапимга кирмаса нима қиламан? Эҳтимол, сўкиш қўлимдан келмас. Бир эркак блан гаплашиб турсам хаёлимга доимо бошқа эркак келиб туради.

Гринёва. Кривошеинми?

Кружкова. Топдинг.

Гринёва. Ўзинг ташлаб кетибсан-ку!

Кружкова. Мен кетдим, ишқ мендан кетмади. Бу ўзи жуда ақлли бўлса ҳам, лекин мен ёш боладек оғзинга қараб туришни истамадим. Ҳадеб ҳарнарсани тушинтирабериб жонимга тегди... Унинг касби шунақа лақма касби, билмадим. Яхши технолог, дейдилар.

Гринёва. Технологияси қуриб кетсин! Станокни яхши билди-ю, одамларни билмайди. Менга қара, Анна, бундай масалаларда маслаҳатчи бўлиш қийин, лекин мен сен бўлсам Кривошеинни тамом кўнгилдан чиқариб ташлаган бўлардим. Инженерми?! Мен Алексейга текканимда нима билар эдим. Мен оддий тўқучи эдим, у бўлса инженер. Мана, ўн икки йил бўлди, орамиздан қил ўтмайди.

Кружкова. Ҳечам хафалашганларинг йўқми?

Гринёва. Ростини айтсам, муросамиз чиқишмаган маҳаллар жуда камдан-кам бўлади.

Кружкова. Доимо шунақа тотувмиз дегин?

Гринёва. Тотув эдик, аммо... Ҳа, айтгандек, Кривошеинни ушандан бери кўрганинг йўқми?

Кружкова. Ўзи бир келиб эди, апрель ойида. Сайлов ўтгандан кейин... „Нега сайловдан аввал, декабрьда келмадингиз?“ деб сўрасам, турди-ю чиқиб кетди... Бир марта кўчада учратсам, кучанинг нариги бетига ўтиб олди. Ростини айтсам, Ирина Фёдоровна бирёққа бошимни олиб кетсам деб турибман. Ивановгами ё Орехово-Зуевогами...

Гринёва. Кетса у кетсин, сенга нима...

Кружкова. Мен хато қилмадиммикан? Ўз бахтимни ўзим ҳайлаб юбормадиммикан?

Гринёва. Айтгандек, Свиридованинг эрига нима демоқчисан?

Кружкова. Судлик қўлимдан келмас, ўзимнинг аҳволим у хотинниқидан бадтар. „Хотинингиз қолоқ бўлса, ёрдам беринг“, демоқчиман.

Гринёва. Кривошеин сенга ёрдам бермади-ку?

Кружкова. Ёрдам бермоқчи бўлди-ю, ишнинг кўзини билмади.

Виктор киради.

Гринёва. Ҳорм, студент!

Виктор. Студентликдан чиқишимга ҳам жиндек қолди. (Китобларни столга ташлади.) Охирги имтиҳонни топширдим.

Гринёва. Табриклайман.

Виктор. Ҳали диплом дегая гаплар бор, Ирина!
Гринёва. Олдинда нотаниш қиз ўтирибди-ю, салом берай ҳам демайсан.

Виктор. Биз танишмиз. Виктор Гринёв. Мен сизни яхши танийман. Сизни сайлаш маҳалида ишончлик вакилингиз бўлганман.
Гринёва (*қўрқиб*). Чойнак тамом бўлди десангизчи! (*Чиқди.*)

Виктор бля Кружкова гап тополмай бироз жим қоладилар.

Кружкова. Дипломингиз қандай мавзу'да?

Виктор „Бугунги ва келажакдаги Москва“.

Кружкова. Чиройли мавзу'.

Виктор. Ажойиб мавзу'... Анна Сергеевна, менинг тушамга ҳам яланг шу кирадиган бўлиб қолди.

Кружкова. Ким?

Виктор. Москва... Порлоқ, гўзал, олтин Москва.

Кружкова. Бахтлисиз, Виктор, институтни тамом қилибсиз

Виктор. Мен бахтлими? Сиз-чи?

Кружкова. Мен бир ой бурун фақат кечки мактабнинг тўқ-қизинчи синфини тамомладим халос ..

Виктор. Мен бошқа нарсани айтмоқчи эдим...

Кружкова. Яна нимани?

Қўнғироқ овози. Виктор эшик очгани чиқади. Фёдор Степанович Гринёв бля бирга қайтади. Ошхонадан Гринёва чиқади.

Гринёв. Бир меҳмон бўлиб чиқай деб келдим, қизим. Алексей уйдаими?

Гринёва. Келгани йўқ ҳали. Ўтир, ота чой ичамиз.

Гринёв. Баданни тузукроқ қизитадиганидан йўқми?..

Гринёва. Бугун иш куни, ота.

Гринёв. Тўғри, иш куни. (*Викторга.*) Ҳа, дипломат, ишлар қалай?

Виктор. „Дипломат“ эмас, „дипломант“.

Гринёв. Ҳеч фарқи йўқ. Ассамблеяларда ҳам дипломатлик, районда ҳам дипломатлик. Ҳаммаси фақат сапсата сотишнигина билади.

Гринёва. Нимадан нолияпсан, ота?

Гринёв. Ҳали билмайман дегин, фабком раиси? Нега станогимиз ишга туширилмади бўлмаса?

Гринёва. Бекорга койима. Жиндай сабр қил.

Гринёв. Ҳамма жойда кутиб ўтирабериб тоқатим тоқ бўлди. Жондан туйдим... (*Кружковага.*) Сенга ариза ёзиб берсам чорасини кўрасанми?

Кружкова. Ёзиб беринг, ҳаракат қилиб кўрамиз.

Гринёв. Ҳамма ҳаракат қилибди-ю, иш жойидан жилмаяпти. (*Гринёвага.*) Алексей қаерда?

Гринёва. Главкада ёки министрликдадир.

Гринёв. Яна мажлисбозлик, дегин? Навбатдаги ишларга яна фурсати йўқ, дегин?

Гринёва. Ҳадеб тунғиллай берма, ота... Ундан кўра Викторни табрикласангчи, ҳамма имтиҳонлардан қутилибди. Тарихчи бўлади.

Гринёв. Қадим-қадим замонларни кавлаштириб ётаман, дегин? Йўқ бошқаларга ўхшаб илм-техникадан мутахассис бўлганинг яхши. Майли, табриклайман. Уруғимизда тарихчи йўқ эди, яхши бўпти. Балки менинг тарихимни ёзарсан?

Виктор. Москва тарихини ёзаяпман.

Гринёв. Москва тарихини ёзсанг, мени тилга олмасдан иложинг йўқ. Москва бўлмаса, мен бўлмагандек, мен бўлмасам Москва ҳам бўлмаган. Биз бир-биримизга шунақа қадрдонимиз. Нималарни ёзмоқчисан?

Виктор. Москва бугун қанақа-ю, эртага қанақа бўлади, ана шунини ёзмоқчиман.

Гринёв. Эртага қанақа бўлишини сен қаёқдан биласан?

Виктор. Биламан-да.

Гринёв. Ёшлар доимо ҳовлиққани-ҳовлиққан.

Виктор. Тверская кўчасини ҳозироқ таниб бўлмай қолдику! Сал ўтмай у шундай ўзгариб кетадики, Қизил майдондан бошлаб 9 километрлик узун кўчанинг иккала юзига улугвор бинолар солинади. Янги Арбат Можайское Шоссени тикка кесиб ўтади.

Гринёв. Тикка кесиб ўтади?

Виктор. Тикка!

Гринёв. Тикка бўлса тикка кесабер.

Виктор. Бир неча йилдан сўнг, худди шу, тагимизда турган ер, пойтахтнинг зўр сайлгоҳига айланади.

Гринёв. Гапингда мантиқ йўқ.

Виктор. Нега?

Гринёв. „Сайлгоҳ“ эмиш. Атайин сайлчилар учун...

Виктор. Ота, сен ҳам битта сўзга осилиб олма... Тушун, кўз олдингга келтир: баҳор, илиқ бир кеча. Дар'ё буйидаги дарахтларнинг баргларини шаббода ўйнатиб турибди. Худди баҳор гулзорларига ўхшаш кўркам кўйлақларни кийиб олиб қизлар сайр этиб юрибди...

Гринёв. Кўйлақни қайдан олишади?

Виктор. Қайдан олишар эди, топишади-да.

Гринёв. Топишаолмайди. Сен айтган қизлар чертёжлардан кўйлақ кийиб чертёж қоғозларидан рўмол бойласа бойларки, лекин кўркам кўйлақлар кийишолмайди. Нақш станогимизни ҳечким қилмаяпти-ку! Станокни тузлаб қўйишди. Станок сариф бодринг эмас, туз кўтармайди. Алексей қани? Унга гапим бор.

Гринёва. Алексейнинг сенга фойдаси тегмайди. Унинг буйнида давлат закази бор.

Гринёв. Мен нима, якка хужалик, кустар учун ҳаракат қилаяпманми? (Викторга имо қилиб.) Мана бу дипломат янги Москва қурялишидан гапириб берди. Бинокорлар Можайкада уйлар солишяпти. Темирчилар Яуза дар'ёсида кўприк тузатишяпти. Мен-чи? Мен ҳам қўлимдан келган хизматни қилгим келади.

шов-шув кўтариб босиб кетмоқчисизлар. Қанақасига дегин: ставкни биз қиламиз-у, роҳатини сизлар кўрасизлар!

Гринёва. Алексей, нома'қул гапларни гапираяпсан, менга ёқмади...

Потапов. Сизларнинг ишингиз ҳам менга ёқмайди. Етти ёт кишилар келар эмиш-да, менинг заводим учун курашар эмиш! Йўқ, бу бўлмаган гап! Ўз фабрикасининг ша'ни уёқда қолиб, менинг заводимнинг ша'ни учун курашар эмиш! Менинг заводим учун курашар эмиш! Кечирасиз, заводда мен хўжайин эканман, мен директор эканман, одамлар менга бўйсунар экан, мен...

Гринёва. Алёша, нега ҳадеб: „Менинг заводим“... „мен директор“... „мен хўжайин“ деяверасан?.. Алёша, сен хўжалик ходимсан, хўжайин эса — давлат, халқ.

Потапов. Ирина, бу ерда профсоюз мажлиси бўлаётгани йўқ. Ақл ўргатмасанг ҳам бўлади.

Гринёва. Ақл ўргатмоқчи эмасман, эсингга солиб қўйяпман.

Потапов. Гапимнинг бирор қинғир жойи борми? Ростдан ҳам директорман-да. Директор бўлганимда ҳам ёмон директорлардан эмасман! Шу гапим ҳам хатоми?

Гринёва. Гапинг тўғри, яхши директорсан. Сен заводга ҳақиқатан ҳам яхши раҳбарлик қиласан. Лекин, Алексей менингча, сен ўз характерингга бир фазилатни аста-секин йўқотиб бораёсан.

Потапов. Қандай фазилатни?

Гринёва. Янгиликни сезиш фазилатини...

Потапов (*жуда ҳайратда*). Нима-нима?!

Гринёва. Янгиликни сезиш фазилатини.

Потапов. Ҳа-ҳа! Мана бу гап ҳақиқатан ҳам фазилатли гап бўлди! Сен яхши профсоюз ходими булолмапсан! Сўзингга исбот топаолмасанг, шпор ишлатиб қутиладиган бупсан.

Гринёва. Сенинг фикрингча, профсоюзнинг вазифаси а'зо-лвк ҳақи йиғишу, болалар ясласига қараш халосми?

Потапов. Йўқ, оммани ҳам тарбиялашларинг керак...

Гринёва. Худди шундай... Аммо фақат омманинггина эмас, балки айрим профсоюз а'золарини ҳам...

Потапов. Тушинилди; мен ҳам профсоюз а'зосиман, бинобарин...

Гринёва. Уларни ўз корхонасини севдириш руҳида тарбиялашимиз керак...

Потапов. Балли, ўз корхонасини севдириш руҳида, дегин!

Гринёва. Худди шундай! Ўз районини, ўз шаҳрини севдириш руҳида!

Потапов. Хўш нима учун ҳамма ишни менинг заводим қилиши керак? Нега бу заказни Москвадаги, Уралдаги, ёки Сибирьдаги бошқа бирор завод бажармайди, нега деяпман?

Гринёва. Сенинг заводинг ҳам ёрдам бераолади-ку!

Потапов. Менинг заводимми? Ёрдам бераолмайди!

Гринёва. Шу коммунистнинг гапими?

Потапов. Хотин киши ҳеч енгилтаклигини қўймас экан-да.
Гринёва. Яна хато қиласан. Мамлакатимиздаги катта кучни кўрмайпсан.

Потапов. Қандай кучни?

Гринёва. Хотин-қизларни.

Потапов. Йўғал! Мен хотин-қизларни доимо яхши кўраман!

Гринёва. Қўпол ҳазилни қўй.

Потапов. Сен ҳам беисбот гапирма.

Гринёва. Белкураклар эсингдами?

Потапов. Белкурак ишлабчиқариш планимни районда ҳаммадан олдин бажарганман.

Гринёва. Аммо бажаришдан аввал қанча ўжарлик қилдинг? Белкурак ишлаш асосий планни бажаришимга халақит беради, деб оёқ тираб олмадингми? Райкомга, главкага неча марта югурдинг? Ушанда ҳам икки-уч юз белкурак ишчилар таъминотини яхшилашга катта ёрдами тегинини тушинишни ястамадинг... Планни сен биринчи бажарганинг, бу масалада тўқимачилардан ўзиб кетганинг ҳатто райком бюросининг қароридан ҳам махталганинг эсимда. Менга қолса, мен сени махтамас эдим, чунки бунга ҳечқандай асос йўқ эди! Бажарганингга сабаб—виговор олишдан қўрқдинг. Бу бир. Иннайкейи, бу виговор обрўйингни туширар эди — бу икки. Иннайкейин, сени бирор жойда, бирор тантанали мажлис бўлиб қолганда президиумга сайламай қўйишар эди — бу уч. Менингча, сен кейинги маҳалда президиумга сайлаишга ортиқча ҳаваскор бўлиб қолдинг. Доимо мажлисларда раяснинг чап биқинида ўтиришга учасан!

Потапов. Тилларинг жуда бурро-ку! Эрта-индин бирор жойда доклад қиладиганга ўхшайсан!

Гринёва. Ҳа, доклад қиламан... Сенга нима куйгилик?

Потапов. Сезиб турибман... Менинг устимда машқ қиляпман дегин?

Гринёва. Гапингдан латта ҳиди келади.

Потапов. Раҳмат.

Гринёва. Марҳамат.

Потапов. Доклад тамом бўлдимиз?

Гринёва. Ҳа!

Потапов. Энди музокарага чиқиш мумкинми?

Гринёва. Йўқ!

Потапов. Мен сўз талаб қиламан!

Гринёва. Нима дейишингни яхши биламан.

Потапов. Айни муддао! Қулоқ сол. Яхши қулоқ сол. Яхши-лаб уқиб ол. Северовангнинг ҳам қулоғига қўрғошиндай қўйиб қўй: менинг ўз планим бор! Ўз заводим бор! Равон бораётган ишим бор! Узгаларнинг аралашувига йўл қўймайман. Тушундингми?

Гринёва. Сўзимнинг тўғрилигига яна бир карра тушундим!

Потапов. Жуда соз... Қани энди... чойни келтир!

Гринёва. Чойнак ошхонада, ўзинг олиб чиқ.

Потапов. Сен-чи?

Виктор (*опасига*). Отам рост айтади. Тушунаолмай қолдим! Шундай яхши ишга маҳкам ёпишиб олишлари керак эди. Нега Алексей отамга ёрдамлашмайди? Бироз қизиқса ҳам гўрга эди.

Гринёва. Ақлинг етмайдиган ишга аралашма.

Виктор. Сен ҳам бюрократ бўлиб кетибсан!

Гринёв. Бу ишнинг аҳамиятини тушунишаяпти. Агар ўртоқ Сталин хабардор бўлиб қолса, Горбенко блан Гринёв уйлаб чиқарган нарсани дарров амалга оширишга шахсан буйруқ берар эди. (*Кружковага*.) Нега куласан? Лауреат унвонини берар эди. Аниқ гап! Сен бўлсанг, депутат бўла туриб, индамай ўтирибсан! Хукуматга маълум қил.

Кружкова. Маълум қиламан!

Гринёв (*Гринёвага*). Бу гапларнинг ҳаммасини Алексейга айт.

Гринёва. Ота, тушун, сен унга қариндошсан. Бундай ишларни қариндошлик йўли блан ҳал этиш ярамайди.

Гринёв. Ана халос, нима деяпти бу?! Демак, қариндошлик йўли блан бюрократлик, бепарволик қилинса бўлади? Бунга йўл бор? Лекин давлат ишини битиришга йўл йўқ, шундайми! Қариндошлик эмиш! Ҳозир бутун мамлакатимиз халқи бир-бирига қариндош. Фабком раиси, шунга ақлинг етмабди! (*Кетмакчи бўлиб*.) Майли, мен кетдим. Лекин сен (*Гринёвага*), сен ҳам (*Кружковага*) шундай ишни ер блан яксон қилар экансизлар, Ирина, сенинг тўғрингда ҳам, халқ хизматкори, сенинг тўғрингда ҳам бутун район бошлиқлари тўғрисида ҳам, ўртоқ Сталинга ароз қиламан. Ана шунда менга ким қариндошу, ким қариндош эмаслигини билиб оламан. Сухбатларингиз учун раҳмат (*хайрлашмасдан чиқиб кетди*.)

Виктор. Тоза жаҳлини чиқардинг-да! Қиз деган ҳам шунақа бўладими!

Гринёва. Сен жим ўтирсанг бўлмайдимиз энди!

Виктор. Отамнинг гаплари тўғри-да.

Гринёва. Сапсата сотиб ўтиргандан кўра югур орқасидан. Отамнинг жаҳли чиққанида нима бўлишини биласанку. Постда турган битта-яримта милиционерни туртиб йиқитиб юбормасин тагин.

Виктор. Рост айтдинг. Мен кетдим. (*Кружковага*.) Ҳозирча хайр... Асли бирга кетганимизда яхши бўлар эди-я... йўлимиз бир эмасми?

Гринёва. Анва бизда меҳмон бўлмоқчи.

Кружкова. Менинг кетадиган маҳалим бўлиб қолди. Эртага биринчи сменага чиқишим керак. Юринг, Виктор.

Гринёва блан хайрлашиб тез чиқиб кетади. Гринёва балконга чиқади: Пастга қарайди. Қайтиб стол ёнига келяди. Бўш чойнакнинг оғзини очиб қарайди. Чойнакни олиб ошхонага кириб кетади. Қайтиб киради. Стол ёнига ўтириб, газета ўқийбошлайди. Эшик очилиб, Потапов киради. Гринёва пайқамайди. Потапов Гринёва олдига келиб, чеккасидан ўпади. Гринёва ўриндаи турди.

Гринёва. Алёшенька!

Потапов. Чўчитиб юбордимми?

Гринёва. Хаёлим газетада эди...

Потапов. Ётсанг бўлмасмиди... Чарчагандирсан?

Гринёва. Сени кутиб ўтириб эдим.

Потапов. Ие, соғиндингми?

Гринёва. Сени доимо соғинганим-соғинган, Алёша.

Потапов. Мен ҳам, Ирина...

Гринёва. Ҳозир чой қайнайди... Утир, чамадонингни менга бер.

Потаповнинг портфелини олиб қўяди. Потапов пиджак ва галстугини ечади. Буларни Гринёва бошқа хонага олиб кириб қўяди. Потапов газетани ёзиб, диванга ётади.

Потапов. Меҳмон келиб эдимиз?

Гринёва. Ҳа... Кружкова билан отам келишувди. Виктор ҳам келиб кетди... (*Диванга, Потапов ёнига ўтиради.*) Бугун қаерларда бўлдинг? Гапир.

Потапов. Министрнинг олдига кирдим. (*Сал кутарилиб.*) Сизларнинг оилавий ишларингизни гаплашдим.

Гринёва. Ҳеч ҳазилингни қўймайсан.

Потапов. Ҳазил эмас, чин... Отангинг галвасидаи зўрға қутилдим.

Гринёва. Алёша, мен киноларингни доимо кам тушинаман.

Потапов. Камтарлик қилма... Яхши тушинасан... Северова менинг олдимга нима иш билан келганини билган бўлсанг керак?

Гринёва. Билар эдим.

Потапов. Северованинг министрға хат ёзганини ҳам билар-мидинг?

Гринёва. Йўқ.

Потапов. Демак, профсоюз раҳбарига маслаҳат солмасданоқ ёзберишган экан-да. (*Диванга ўтирди.*) Шундай қилиб, бир галвадан қутилдим. Министр менга заводимга пландан ташқари заказни бажариш имкониятлари ҳақида доклад хати ёзишни топширди. Бунга имкон йўқлиги аниқ, шунинг учун мен хотиржамман. Кривошеин бир-икки кун ишлаб докладни тайёрласа бас. Заводимнинг қувватини Кривошеин яхши билади.

Гринёва. Сен-чи?

Потапов. Қизиқ савол...

Гринёва. Алёша, аҳтимол, бизнинг заказимизнинг ҳам удасидан чиқарсан?

Потапов. Удасидан чиқаман-а, лекин асосий ишга халақит бермасдан иложи йўқ. Иннайкикин, Ирина, янги заказнинг доимо галваси кўл бўлади.

Гринёва. Халақит берса нима бўпти, Алёша, янги иш доимо қийин бўлади. Доимо нимагадир халақит бермасдан иложи йўқ.. Шундай эмасми?

Потапов. Шундай, шундай, лекин, очингни айтсам, менинг жаҳлимни чиқарган нарса — сенинг Северованингнинг сурбетлиги бўлди. Бировнинг заводига бурнини тикади. Ўз заводига қараса бўлмайдами! Худога шукур, менинг процентим ўтган ойи 134 бўлди. Сизларники-чи 98? 2 процентга қолганда мадоринглар қурибди... Энди планинг бажарилмаганини янги станок тўғрисида

Свиридов. Мен ҳали ажралишганим йўқ...

Кружкова. Ундай бўлса яна яхши. „Қолоқ“ эмиш, „тенгим эмас“ эмиш... Ундан кўра хотинингизнинг ишларига назар солсангизчи. Зина ҳарқанча ҳурматга арзийдиган хотин. Кўп далил келтириб ўлтиришга ҳожат йўқ. (*Стахановчилар сурати осилган витрина олдига боради.*) Танияпсизми? (*Свиридов яқин келди.*) Ҳўшайдимми?

Свиридов. Худди ўзи!

Кружкова. Яқинда қиладиган ишларидан хабарингиз борми? (*Чиройли материални кўрсатиб.*) Яқинда янги станокда „москвичка“ деган янги чакан тўқий бошлаймиз. Биринчи станокни кимга ишониб топшираёпмиз деи? Сизнинг хотинингизга. Бола ларингиз ўқияптими?

Свиридов. Каттаси яқинчи классга ўтди... Кичиги бир йилдан кейин мактабга боради.

Кружкова. Болаларингиз кўпроқ кимга ўхшайди. Сизгами ё онасига?

Свиридов. Менга! Айниқса ўғлим.

Кружкова. Ишқилиб, бошқа жиҳатлардан отасига ўхшашмасин-да.

Свиридов. Пичинг қилманг... Айбимга иқрорман.

Кружкова. Сизни чақиритдан мақсадим ҳам шу эди...

Гринёва киради.

Гринёва. Салом!

Кружкова. Салом, Ирина Фёдоровна. Танишинг: Свиридованинг эри.

Гринёва (*қўл чўзатуриб*). Свиридованинг? Зина Свиридованингми? Танишганимизга жуда хурсандман.

Свиридов (*Гринёванинг қўлини сиқар экан, ҳайрон бўлиб*). Хурсанд бўлишингизга сабаб...

Гринёва. Зина—бизнинг фахримиз! Биз у блан фахрланамиз, сиз-чи?

Свиридов. Мен... мен ҳам... фахрланаман...

Кружкова. Ирина Фёдоровна, мен ҳозир ўртоқ Свиридовга хотини тўқийдиган чакани гапириб бердим.

Гринёва (*материалларни кўрсатиб*). Қалай? Ёқадими?

Свиридов (*ушлаб кўриб*). Чет элликдан минг чандон яхши. Уёқдаги газмолнинг мазгиси йўқ... Хотинимга бир кўйлаклик олиб келган эдим, сал ўтмай тўкилди-қолди. Чирик латта. (*Жимлик. Кружкова кўрғазмадан нари кетади. Гринёва ўз жойига ўтиради. Гап тамом бўлганини сезган Свиридов кетмоқчи, лекин гапи тугамагандек иккиланиб туради.*)

Кружкова. Менингча, энди ҳамма гапни тушунган бўлсангиз керак, а ўртоқ Свиридов?

Свиридов. Бўлмасамчи! Жуда яхши тушундим. Кетсам бўладими, ўртоқ депутат?

Кружкова. Албатта... Гапларимни яхши тушунган бўлсангиз керак?

Свиридов. Булмасамчи, ўртоқ депутат. Жуда яхши тушундим. Хайр булмасам. (*Кетди.*)

Гринёва. Масалаларни ҳал этишга жуда уста бўлиб кетибсан-ку! Кривошеинни ҳам бир олдингга чақиртирсанг қанақа бўлар экан?

Кружкова. Йўқ, Ирина Фёдоровна, Кривошеиннинг йўруғи бошқа. (*Диванга ўтирди.*) Ростини айтганда, ўзи ёмон одам эмас...

Гринёва. Ким? Кривошеинми?

Кружкова. Қўйсангизчи, Ирина Фёдоровна; Свиридовни айтаяпман... Аввал атаин қўполлик қилди, мардлик кўрсатмоқчи бўлди, кейин... қани энди у ҳам масалани шундай тушинса...

Гринёва (*тиқилиб*). Ким? Свиридовми?

Кружкова. Йўғе, Ирина Фёдоровна! Кривошеинни айтаяпман... Энди унга қийин... Йўли тўсиқ...

Гринёва. Мевингча, ҳали йўлнинг бир чеккаси очиқ. Депутат ўз сайловчиларининг ҳаёти блан танишмоғи лозим...

Кружкова. Қўйсангизчи. Кривошеин фаҳмламайди.

Гринёва. Фаҳмламайди? У олий маълумотли киши-ку?

Кружкова. Лекин бу соҳа бошқа...

Полозова блан Северова киради. Гринёва блан Кружкова ўрипларидап туриб бориб кўришадилар.

Полозова. Салом, Аня. Салом, Ирина.

Кружкова. Салом, Нина Ивановна. (*Кўришади.*)

Полозова (*янги газмоллар олдига бориб*). Яхши нарса! Кийиниб олиб, эркакларни бир куйдирайлик! Нима дейсизлар, а? Ажойиб нарса! Буёқча кел, Аня! (*Кружкова келади. Полозова тажрибали тўқимачига хос эпчиллик блан материални Кружкованинг эгнига ташлайди.*) Очилиб кетдинг! Келинчак бўлса ана бундай бўлсин! Тўйингга шундай кўйлак тиктиргин!

Северова. Бундан кўйлак тиктирадиган вақтлар келгунча келинимиз қариб қолмасмикин.

Полозова. Нега?

Северова. Айтдям-ку.

Полозова (*Гриневага қўққисдан*). Аҳволинг оғир. Бирёқдан эринг, иккинчи ёқдан корхона манфаати. Масалани қандай ҳал этмоқчисан?

Северова. Сендан маслаҳат сўрамоқчиман.

Полозова. Ўзинг-чи?

Гринёва (*саволга жавоб беришдан қочиб*). Кўрарсан...

Полозова (*Гринёванинг ўрнига ўтириб. Ҳаммага*). Балки Потаповнинг фикри тўғридир? У ҳар ҳолда хўжалик ишларни яхши билади! Биздан кўра тажрибалироқ. Фикринг қалай, Ольга?

Северова (*Гринёвага қарайди*). Мен сенга айтсам... Унинг бир катта камчилиги бор... Яна билмадим, вэқтимол мен янглишаётгандирман...

Полозова. Тўхта, сен ҳам тўппа-тўғри гапиришдан қочма... Ирина ёш бола эмас. Фикрингни очиқ айтабер!

Гринёва. Мен чойни ичиб, ҳузурини кўриб бўлдим! (Балхонга чиқиб кетди... Виктор кирди.)

Виктор. Салом, Алексей!

Потапов (хаёл тарқоқ). А, сенми, кел, ўтир, чой ичамиз.

Виктор. Ниманинг ҳиди келади? Бир нарса куйяптими?

Потапов. Қани? Ҳа-ҳа, куйяпти! Куйяпти! Ҳ, чойнакдан ажралдик, десангчи! (Ошхонага югуриб кириб кетди. Виктор эрхотинининг мунозараси вақтида ерга тушган газеталарни йиғиб олади. Куйиб қизариб кетган, тутуни буруқсаб турган чойнакни кўтариб Потапов киради.)

Виктор. Тамом эриб кетибдими?

Потапов. Нега куласан? Эриб кетиш ҳам гапми! Бу станогги қурғур бизни тоза куйдирадиган бўлди, Виктор!

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Тўқимачилик комбинати фабкомининг раиси Ирина Гринёванинг кабинети. У эски бинодаги катта хона бирнеча марта капитал ремонтдан ўтган бўлса ҳам эски машифактураининг излари ҳали ҳам бор. Пар блан иситиш батареялари блан бир қаторда кафель, печининг чўян эшиги кўришиб турибди. Шипда катта мис вентилятор айланмоқда. Кабинетнинг ўртасида 1^а ҳарфига ўхшатиб қўйилган ва устига кўк мовуг ёпилган стол. Столда комбинат ишлаган газмол намуналарининг катта альбоми. Деворларда ҳархил паннолар ва елпигичга ўхшатиб ёсиб қўйилган газмол намуналари. Улар кабинетга хушчокчоқлик бериб, уни ҳатто базознинг дўконига ўхшатиб қўйган. Ленивнинг ипак блан тикилган портрети остида сахмалга ҳал блан ёзилган шиор. „Профсоюзлар—коммунизм мактаби“. Шиор остива жуда чиройли газмоллардан қилинган безак. Стол орақасида, Гринёва ўрнида—Анна Кружкова, унинг олдида демоблизация қилинган офицер Свиридов ўтирибди. Свиридов—кительда; орденлари ўрнига ленталарни таққан, лекин лагонсиз.

Свиридов. Ҳим... Лекин, ўртоқ депутат, мени нима учун қақирганингизни тушунмай турибман. Мен, депутатимизнинг э'тиборига сазовор бўлганимдан, депутат блан танишганимдан хурсандман, албатта... Аммо уй-жой масаласида сизга арзим йўқ; шукур, уйим туппа-тузик. Ишга ҳам жойлашганман. Бу масалада ҳам ҳечким менга тўсқинлик қилмайди. Умуман, районимизда армиядан қайтганларга муомала ёмон эмас... Шундай бўлгандан кейин...

Кружкова. Ўртоқ Свиридов, нега хотинингизни ташламоқчисиз?

Свиридов. Саволингизнинг ма'нисига тушинолмадим, ўртоқ депутат!

Кружкова. Саволим очик савол эмасми?

Свиридов. Очик савол... Жуда ҳам дангал савол... Хотиним арз қилдими?

Кружкова. Қилди.

Свиридов (*ўрнидан туради ва яна ўтиради*). Ўртоқ депутат, афсуски, менинг вақтим йўқ... Учрашиб, танишганимиздан жуда хурсандман. Мен сиз учун овоз бермаган бўлсам ҳам, танишганимиз ҳарҳолда...

Кружкова. Сиз ким учун овоз бергансиз?

Свиридов. Совет зонасида, Совет Иттифоқининг икки бор Қахрамони генерал-полковник учун...

Кружкова. Сиз у кишини ҳурмат қилармидингиз?

Свиридов. Албатта.

Кружкова. Агар у киши сиз блан шу масалада гаплашса, унга ҳам ҳозиргидек муомала қилармидингиз ёки унинг гапига қулоқ солиб, тушунишга ҳаракат этармидингиз?

Свиридов (*заҳарханда қилиб*). У киши ахир генерал-полковник.

Кружкова. Пагонларга одатланиб қолибсиз-да?

Свиридов. Беш йил ичида одатланиб қолган бўлсам ажаб эмас.

Кружкова. Менинчга, ўртоқ Свиридов, сиз на пагонларга ва на ўзингизнинг офицерлик ша'нингизга одатланибсиз.

Свиридов. Мен ҳозир ҳам запас офицерман.

Кружкова. Бу запасингиз узоққа етмас, дейман.

Свиридов (*ўрнидан туриб*). Кўрамиз-да...

Кружкова (*столга муштлайди, ўрнидан туради*). Ўтиринг, Свиридов! „Кўрамиз“ эмиш! (*Свиридов ўтиради*.) Армиядан ҳеч-нарсга юқмапти сизга. Қаерда, қайси армияда сизни ўз хотинингизни ҳақорат қилишга, икки боласи блан ташлаб кетишга ўргатди...

Свиридов. Ташлаб кетганим йўқ ҳали... Мен маданий йул блан, газета орқали...

Кружкова. Хотинингиз сиздан орқада қолибдими? Йўқ сиз орқада қолгансиз! Комбинатимизда хотинингиз энг яхши стахановчилардан бири.

Свиридов. Мен ёмон деяётганим, қолоқ деяётганим йўқ. Энг яхшиларидан бири... Ҳар жиҳатдан яхши. У қолоқ бўлса-ю, мен ташлаб кетсам, уят эди. Мен яхши хотиндан ажралмоқчиман. Мен унинг тирноғига ҳам арзимамайман.

Кружкова. Ҳа, тирноғига ҳам арзимайсиз.

Свиридов. Мен ҳам шуни айтаяпман-да... Арзимамайман. Бўлди! Гапим тамом! Умуман айтганда, бу бизнинг шахсий ишимиз хоҳласам чиқаману-кетаман. Сиз мени нима қилаолар эдингиз?

Кружкова. Яхши... кетиб кўринг, генералингизга бир хат ёзиб юборайки...

Свиридов (*безавта бўлиб*). Йўқ-йўқ, генерални безавта қилманг. Генерал менга ўз қўли блан иккита орден берган. „Қўш орденга муносиб йигитсан“ деган... Уни безавта қилишга ҳожат йўқ. Бу бизнинг ишимиз, оилавий иш... Бугун ажралишсак, — эртага апоқ-чапоқ бўлиб кетаверамиз... Табиат диалектикаси шунақа, ўртоқ депутат!

Кружкова. Диалектикани ўртага суқманг. Мендан сизга маслаҳат: хотинингиз блан ярашинг.

Зайцев. Кечирасизлар, халақит бермадимми?

Гринёва. Ҳа-а, Зайцев...

Зайцев. Салом, Ирина Фёдоровна. (*Северовага.*) Салом, ўртоқ Северова. Мен сизни ахтариб юрибман. „Фабкомда“ дейишди. Ўртоқ Потаповнинг топшириғи блан келиб эдим. (*Катта портфелидан пакет олади.*) Мана, биз заказингизни қабул этишга розимиз.

Гринёв. Розисизлар?

Зайцев. Бўлмасамчи? Жонимиз блан... Қўлимиздан келганча...

Северова (*пакетни ўқиб чиқиб*). Потаповга айтинг, бизга бундақа ёрдами керак эмас.

Гринёва. Керак эмас, дейсанми?

Северова. Керак эмас. (*Полозовага.*) Мен улардан ёрдамчи хўжалигимиз учун юзтача белкурак қилиб беришни сўраб эдим. Ўзимиз эплаймиз, куракни ўзимиз қиламиз, ўртоқ Зайцев.

Гринёва. Станоклар масаласи-чи?

Северова. Бу ҳақда чурқ этмабди.

Полозова. Демак, ўртоқ Зайцев, масалани ўша юзта курак блан кураб ташламоқчи бўлиб сизлар-да?

Зайцев. Кечирасиз, мен сизни танимайроқ турибман.

Северова. Ўртоқ Полозова — райком секретари.

Зайцев (*шошиб қолди*). Ўртоқ Полозова сизмисиз? Нина Ивановна-я? Сиз блан танишганим учун жуда миннатдорман.

Полозова. Ўртоқ Зайцев, сиз заводда қачондан бери ишлайсиз?

Зайцев. Тўққиз йил бўлди.

Полозова. Ишингиздан хурсандмисиз?

Зайцев. Жуда.

Полозова. Директорингиз-чи? У ҳам сизнинг ишингиздан хурсандми?

Зайцев. Жуда хурсанд, Нина Ивановна.

Полозова. Демак, сиз ўз заводингизни яхши биласиз?

Зайцев. Жуда яхши биламан!

Полозова. Фикрингиз қалай, ўртоқ Зайцев, сизнинг заводингизда яширин имкониятлар куп эмасми?

Зайцев. Жуда куп. (*Хато гапираётганини бирданга фаҳмлаб.*) Йўғе, ҳа, нима дедингиз? Ҳа, яширин имкониятларми? Бўлмаса керак... Балки йўқ ҳам.

Полозова. Жуда купми ёки йўқми?

Зайцев. Жуда... Йўғе, асло йўқ. Инвайкейин, Нина Ивановна, менинг ақлим етмайдиган нарсаларни мендан сўрамасангиз ёкан. Мен бир кичкина одам бўлсам. Кўрсатмани ўртоқ директор беради.

Полозова. Сиз план бўлимнинг бошлиғисиз-ку?

Зайцев. Мен фақат планлашни биламан...

Полозова. Фақат биров (*Қўли блан чизиб кўрсатиб.*) чизиб қўйган план блан иш қиламан дег!

Зайцев. Ҳа-ҳа! Бопладингиз, Нина Ивановна, бопладингиз! Бу — ҳазидингизми?

Полозова. Ҳазилга қўймасдан нима иложим бор?

Северова. Демак, сизларда яширин имкониятлар йўқ?

Зайцев. Ольга Ивановна, бу ҳаммага равшан гап.

Гринёва. Албатта. Масала равшан. Ольга Ивановна, заказни бажаришолмайди. Уларнинг ўз плани бор.

Зайцев (Полозовага). Мана кўринг: Ирина Фёдоровна масалага тушунади. Алексей Кирьянич, шубҳасиз, ўз фикрини айтган бўлсалар керак.

Гринёва. Гапингиз тўғри. У менга кўрсатма берган!

Зайцев. Айтмадимми... Алексей Кирьянич инженер Кривошеин блан масалани ҳам кўндалангига, ҳам чуқурига текшираётдилар...

Кружкова. Кўндалангига деганингиз нимаси?

Зайцев. Шунини ҳам тушунмайсизми? Кечирасиз, танимайроқ турибман.

Гринёва. Эсингизнинг мазаси йўқроқ экан, ўртоқ Зайцев.

Зайцев. Йўғе, йўғе...

Гринёва. Олий Совет депутаты Анна Сергеевна Кружкова-ку!

Зайцев. Шунақами! Вой, эсим қурсин... Ўзимнинг ҳам қариган маймундек эсим паст бўлибди-да. Эсимга тушди, эсимга тушди: овоз берганман, бутун қалбимдан овоз берганман... танишганимиз учун кўп хурсандман. Жуда, жуда ҳам!

Кружкова. Кўндалангига дегани нима эканини тушунтириб бермадингиз-ку?

Зайцев. Кўндалангига дегани, масалан, ҳам у томонидан, ҳам бу томонидан...

Северова. Нина Ивановна, эшитаяпсанми?

Полозова. Тушундик, ўртоқ Зайцев... Бордию, масалани чуқурига текширсак... Чунончи... Кечирасиз, исмингиз блан отангизнинг исмини билмайман.

Зайцев (чўчиброқ). Сергей Сергеич...

Полозова. Ўзаро бир гап, Сергей Сергеич... Биз бу ерда бору-йўғи тўрт хотинмиз...

Зайцев (ух тортиб). Ҳа, бору-йўғи тўртта!

Полозова. Балли. Эркак блан гаплашгандек гаплашайлик. (Зайцевнинг пинжигига кириб.) Заказни олсанглар бўладими-йўқми?

Зайцев. Оламиз дедик-ку...

Полозова. Белкуракни қўйиб туринг... Станокни айтаяпман. Фикрингизни айтинг.

Зайцев (ўзини четга тортиб). Қўйинг, Нина Ивановна. Завод директори номидан гапиришга ҳақим йўқ..

Северова. Сергей Сергеич, дилингиздаги гапни яширманг. Яхши эмас.

Зайцев. Ольга Ивановна, ҳақим йўқ...

Кружкова. Ўртоқ Зайцев, ҳеч бўлмаса гражданлик ҳуқуқингиз...

Зайцев. Ўртоқ депутат, бу яхши эмас, яхши эмас. Мен сизга шундай қиларсиз деб овоз берган эмасидим. Ирина Фёдоровна, сизнинг олдингизда, эрингизнинг юзига оёқ босиб, шундай гап-

Северова. Фикримни тушунтириб бериш осон эмас. Потапов фақат хўжалик ходими бўлиб қолапти. Коммунистлик хусусиятларни йўқотиб қўйяпти. Калтабин бўлиб қолапти. Думоги баланд бўлиб кетаяпти.

Полозова (*Уиланиб қолди*). Шундай денг... 134 процент. Бирқанча стахановчилари борки, тоғни урса талқон қилишади...

Северова. Потапов шунинг учун ҳовлиқади-да.

Гринёва (*аввал бошлаган сўзини давом этдираётгандек*). Мен сизларга айтсам, менинча... унга бир бало бўлди, у ўзига эп келмайдиган зарарли йўлга кириб кетаяпти.

Полозова. Қани-қани... Гапир, эшитайлик. (*Креслога баҳазур ўтириб.*) Сен у блан бу ҳақда гаплашдингми?

Гринёва. Биз эру-хотин одамлар... Шундай бўлса ҳам гаплашдим. Кеча қаттиқ койишиб қолдик. Умримизда биринчи марта шундай койишганмиз.

Полозова. Хотиржамлик касали юқибди. Асли айб ўзимизда. Лекин, иккинчи томондан олганда планни жуда яхшилаб бажараяпти!

Северова. У хусусий мулкчи бўлиб кетибди.

Полозова. Қўйсангчи, Ольга!.. Нега хусусий мулкчи дейсан? Бундақалар қанча кўп бўлса давлатга шунча яхши.

Северова. Қолоқ одам, консерватор...

Полозова. Сўккинг келганда сен уни яна лейборист ҳам дерсан... Аммо, иккинчи томондан олганда, районда, ҳатто бутун Москвада сизнинг заказингизни тез эплай оладиган бошқа завод йўқ. Потаповнинг технологи биларманд одам... У блан маслаҳатлашиб кўриш керак. А? Нима дейсизлар? Райкомга чақириб кўрайликми?

Северова. Овора бўлманг, технолог Потаповнинг чизиб қўйган чизигидан чиқмайди.

Полозова. Буниси ҳам ёмон эмас... Ишлари тузук...

Гринёва. Потаповнинг сўзига қараганда, Кривошеин директорнинг топшириғига биноан министрликка доклад ёзар эмиш.

Северова. Технолог нима деб ёзиши мумкин?

Гринёва. Албатта, агар Алексей хоҳламаса..

Северова. Директорнинг йўли нотўғри бўлса ҳам, технолог, барибир, унинг айтганини қилади, директор блан алоқасини бузишни истамайди. Шундай эмасми?

Полозова. Депутатимизнинг фикри қалай?

Кружкова. Сайловчиларнинг фикри қанақа бўлса, депутатники ҳам шу.

Полозова (*Северовага ишора қилиб*). Айрим сайловчилар хато қилишлари ҳам мумкин.

Кружкова. Тўғри. Менинча, ўртоқ Кривошеин масаласида удар хато қилишяпти. Кривошеин — софдил одам.

Полозова. Шундай дейишга асосинг борми?

Кружкова. Бор.

Полозова. Ўртоқ Кружкова, бу масалага жиддийроқ кириш.

Северова. Биз ёрдамлашамиз.

Полозова. Бу масалани уртоқ Кружкова сиздан ёрдамсиз, ўзи мустақил ҳал этиши керак. Давлат нуқтаи назаридан туриб гапирсин. Ҳукумат а'зоси. Тушундингми, Кружкова, бу ерда менинг фабрикам, сенинг заводинг, деган гап бўлмаслиги керак.

Кружкова. Мен бунга яхши биламан.

Полозова. Қани, бу сўзлардан хулоса чиқарайлик... Демак: даставвал Потаповнинг докладини ўқиб чиқиш керак.

Северова (*эрмак блан ҳуштак чалиб*). „Уёғи—унақаю, буёғи бунақа“, хулласи-калом, заказ қабул этилмайди. Мана, кўрасизлар: айтганим бўлади!

Полозова. Заводда партия ва профсоюз ташкилотлари бор.

Северова. Улар ҳам Потапов чизиб қўйган чизиқдан чиқмайди.

Полозова. Бордию, Потаповнинг чизиги тўғри чизиқ бўлса нима дейсан?

Гринёва (*кинояли*). Тўғри бўлса тўғридир... Нина Ивановна, сиз бу масалага етарли аҳамият беришингиз керак.

Полозова. Албатта, албатта. Сизлар бир коммунистия жуда қаттиқ айблайсизлар, кўрмасак бўлмайди. (*Гринёвага*.) Ирина, бу гапларинг эру-хотини ўртасидаги совуқчиликнинг натижаси бўлмасин тагин?

Гринёва. Менинг билишимча, Алексей менга қилчалик ҳам совиган эмас.

Полозова. Хўш, энди буёғига келайлик: сен ўзинг Северова чизиб қўйган чизиқдан чиқмайдиган бўлиб қолмадингмикин?

Гринёва. Чизиқ тўғри бўлгандан кейин—чиқмайман-да... Хўш, Нина Ивановна, қачондан бери сиз бунчалик эҳтиётчи бўлиб қолдингиз?

Полозова. Бу ердан райкомга ўтгандан бери эҳтиётчи бўлиб қолибсан, демакчисан-да, а?

Северова. Ирина, бас...

Гринёва. Тухтаб тур! Нима мен Потаповнинг хотини бўлиб туриб, шахсий ғараз блан ундан ўч олмоқчи бўлаяпманми? Агар шахсий ғаразим бўлмасачи? Фикрингизни тушундим. (*Полозовага*.) Потаповга қарши чиқишимга ҳайронсан. Потаповнинг хотини бўлсам, нима? Аслини олганда, сизлардан кўра менга оғир. Наҳотки шуни ҳам тушунмасанглар? Сизлар Потаповга ёт одамларсизлар, учрашсанглар—саломлашасизлар, бўлмаса—йўқ. Мен бўлса—хотиниман. Хотини бўла туриб шундай қилаяпманми—демак, билиб қилаяпман, ўйлаб қилаяпман. Сенингча, Нина, нима қилишим керак: у коммунистлик қиёфасини йўқотабошлаган экан, индамай тураберишим керакми? Ольганинг сўзлари тўғри. Қанча оғир бўлса ҳам, мен Ольганинг фикрига қўшиламан.

Полозова (*Северовага*). Аптечканг борми?

Северова. Бор.

Полозова (*Гринёвага ишора қилиб*). Валерьянкадан бер.

Гринёв. Дори ичиш одатим йўқ.

Жимлик. Полозова папиросини ёндириб, ойна елига кетди. Кружкова альбомни варақлай бошлайди. Гринёва ерга қараб, жим ўтирибди. Северова ҳам папиросини тутатиб Полозованинг олдига боради. Зайцев киради.

Гринёв (*глобусни айлантириб*). Бунисвидан-чи?
Кривошеин. Қийинроқ, лекин, барибир, ўзиб кетамиз.

Гринёв. Сиз ҳам шуни ўйлайсизми?

Кривошеин. Албатта...

Гринёв. Биз ҳам! Ёрдам беришни истайсизми?

Кривошеин (*илжайиб*). Очиқроқ гапираверинг.

Гринёв. Ҳа, балли. Инженер Владимир Николаевич Горби-
кони танийсизми? Бизда ишлайди.

Кривошеин. Эшитиб эдим.

Гринёв. У блан мен станок ўйлаб чиқарганмиз. Нақш ста-
ноги, тўқимачилик учун... Буюк Британияни ҳам, (*глобусни кур-
сатиб*.) ана бунни ҳам орқада қолдириб кетдик.

Кривошеин (*трубкани тортиб*). Шундай денг?

Гринёв. Балли. Ёрдам берасизми?

Кривошеин (*трубкани қўлига олиб*). Я'ни?

Гринёв. Заказни қабул қиласизми?

Кривошеин. Ўртоқ Гринёв, айтдимку сизга керакли уй
бошқа деб.

Гринёв. Йўқ, худди шу... Менга қаранг... Юринг, станокни
кўрсатаман. Машина кираси мендан.

Кривошеин. Бекорга пул сарф этиб нима қиласиз? (*Чер-
тёжларга имо қилиб*.) Бизнинг тайёр заказимиз бор.

Гринёв. Заказ устига заказ бўлсачи?

Кривошеин. Бу масалани сиз блан биз ҳал қилаолмаймиз.

Гринёв. Икки заказни бажараолмайсизларми?

Кривошеин. Бажараоламиз, лекин ҳозирги пайтда эмас...
Бешйилликни уч ярим йилда бажарадиган бўлиб турибмиз... Шу-
нинг йўлини ахтаряпман... Мана...

Гринёв (*глобусни қўлига олиб*). Агар мана бунни ҳам э'ти-
борга олиб, ҳар икки заказни ҳам барабар ишласангларчи?

Кривошеин. Қийин.

Гринёв. Бола ҳам қийинчилик блан туғилади, лекин ўлмай-
ди, ўсиб катта одам бўлади. Нима дейсиз?

Кривошеин. Хоҳласангиз ўзингизни директор блан таниш-
тириб қўяман.

Гринёв. Раҳмат, аллақачон танишмиз...

Кривошеин. Ундай бўлса яна яхши экан...

Гринёв. Яна яхши эмас-да, Игнат Степанич... (*глобусни кур-
сатиб*.) Бу глобус сизга хотирами ёки қурол?

Кривошеин. Ёрдамчи қўлланма...

Гринёв. Сиз уни қурол қилинг. Улар (*ойнакка томон қўл
силтаб*) бизга қарши нималар тайёрлашяпти... Нега энди биз...

Кривошеин. Ахир сиз тўқимачилик саноати... нақш станок-
ни ғамини қилаяпсизу...

Гринёв. Бизда ҳамма нарса — қурол... Газмол ҳам — қурол,
ғалла ҳам — қурол.

Кривошеин. Агитатор экансиз...

Гринёв. Қанақа агитатор? Ҳа, айтгандек, нима дейсиз?

Кривошеин. Иложи йўқ. Расмий йўл блан ҳаракат қилинг.

Гринёв. Албатта... Лекин иттифоқчилар керак.
Кривошеин. Ҳарқандай иттифоқчига ҳам ишонавериш ярамайди.

Гринёв. Сизга ишонса бўлади. Заводингиздаги ишларингиздан хабарим бор. Сиздан яхшироқ иттифоқчи йўқ. Хўш, нима дейсиз?

Кривошеин. Иложим йўқ.

Гринёв. Йўқ? Яхши. *(Ташқарига.)* Виктор! *(Виктор чертёжлар ўрамини кўтариб киради.)* Қани, очабер!

Кривошеин. Ие, бу қанақа гап ахир...

Гринёв. Буёғини кейин гаплашамиз... Очабер!

Виктор чертёжларини очиб, кнопкалар билан маҳкамлайди. Кривошеин кулиб Гринёвга қарайди.

Кривошеин. Хўш?

Гринёв. Қаранг: ёқмаса дарров йиғиштириб оламан.

Шу вақт Виктор гулга тегади, қўлига тикон санчилади, чўчиб қўлини тортиб олади.

Кривошеин. Эҳтиёт бўлинг. Кнопка саячилдими?

Виктор. Йўқ, бошқа нарса. *(Бармоғини кўздан кечиради.)*
Тикан. *(Тиши билан чиқаради.)*

Кривошеин *(бироз ажабланиб)*. Ўлгудек ужар ёкансиз.

Гринёв. Ужар булсам ҳам, қўл-оёғим боғлиқ.

Кривошеин. Ким боғлади?

Гринёв. Қариндошларим! Яхши йигит, мана бунга бир қаранг!

Кривошеин. Характерингизга қойилман! *(Чертёжларини кўздан кечиради. Виктор отасини бир четга тортади.)*

Гринёв. Нима гап?

Виктор. Бу одам сенга қизиқ-қизиқ қараб қўйяпти.

Гринёв. Кивваси кирмайди. Халақит берма.

Виктор ҳайрон бўлиб, елка қисиб, четга кетди. Плакатга кўзи тушди.

Виктор. Кружковами?

Кривошеин *(чертёждан бош кўтариб)*. Нима? Ҳа, ҳа!

Гринёв *(Викторга)*. Тек ўтирсангчи! Ё ҳайдаб чиқарайми?

Виктор. Товба! *(Нари кетиб, қўлига кирган тиккани тиши билан чиқармоқчи бўлади.)*

Кривошеин *(чертёждан бош кўтариб)*. Ҳақиқатан ҳам, ажойиб нарса.

Гринёв. Сиз нима деб ўйлаб эдингиз?

Кривошеин. Мен... Сиз мени кечирарсиз?

Гринёв. Албатта.

Кривошеин. Мен бирор бема'ни нарсадир деб ўйлаган эдим...

Гринёв. Бема'ни? Шунақа ма'ниликки...

Кривошеин. Лекин мен батафсил танишиб чиқишим керак.

Гринёв. Айни муддао...

ларни қилиб утирганларига ҳайронман... Алексей Кирьянич хафа бўладилар.

Гринёва. Сергей Сергеич, менинг қўлимдан нима келар эди. Булар менинг бошлиқларим! Булар қўйган саволга биргаллашиб жавоб бермасак бўлмайдиганга ўхшайди. Бу ғайри расмий гап. Бу гап останадан нарига чиқмайди. Сиз очигини айтсангиз бас; бу гапдан сизга сра зарар етказдирмаймиз. Шундай эмасми?

Северова. Албатта! Бўлмасамчи!

Гринёва. Сергей Сергеич, ростини айтинг.

Зайцев. Ирина Фёдоровна!

Гринёва. Сергей Сергеич, дўстлигимиз ҳақи...

Зайцев. Ирина Фёдоровна! Мен сиздан бундай гапларни сра кутмаган эдим! Мен кетмасам бўлмайди. Умуман, бу гаплар ҳаммаси бема'нигарчилик. *(Эшик томонга тисарилади, портфели стол устида қолади.)* Нина Ивановна, кечиринг, бу гаплардан сра хабарим йўқ. Бу ҳақда ҳечқандай кўрсатма ҳам олганим йўқ. *(Кетди.)*

Полозова. Потапов гаҳ деса қўлига қўнадиган қилиб олибди.

Северова. Сўзларимга яққол далил...

Полозова. Яхши! Текшириб кўрамиз.

Гринёва. Кўндалангига-ю, чуқурига, шунақами, Нина Ивановна?

Кружкова *(Гринёвага)*. Мен бир иш қилай, Ирина Фёдоровна. Мен унинг олдига бораман!

Полозова. Кимнинг олдига?

Гринёва. Унинг битта таниш инженерери бор.

Шошиб, ҳавсираб Зайцев киради.

Зайцев. Портфелимни, портфелимни олмамман.

Полозова. Мен, бошингизга янги фикрлар келибди-ю, бизга айтгани қайтибсиз деб ўйлабман.

Зайцев. Менинг ҳечқандай фикрим йўқ, менинг фақат директорим бор! *(Портфелини олади.)* Алвидо, ўртоқлар!

Полозова. Видо'лашманг, яқинда кўришамиз.

Зайцев *(остонадан)*. А, ростданми?

Полозова. Албатта кўришамиз, ўртоқ Зайцев! *(Зайцев қўл силтаб чиқиб кетди. Хотинлар куладилар. Полозова уёқдан-буёққа бироз юриб ўйлагандан кейин.)* Бу масалани райком бюросига қўямиз! Бюрога!

Парда

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Кривошеянинг уйи: Балконга чиқилдиган эшиги ва деразалари катта кабинет. Деразалар ва балконга парда тўсилган. Ёзув столининг усти китоблар, дафтарлар, чертёжлар блан тула. Стол устида катта глобус ҳам турибди. Стол ёнида эски чарм кресло ва биттаю-битта стул. Деворлар бўйлаб ярим бўш, очиқ китоб такчалари. Стол устида плакат осибди. Диққат блан қаралса, унинг сайлов вақтида чиқарилган ва Кружкова сурати солинган плакат экани били-

надн. Деворларга шу плакатдан бошқа ҳечнарсга осилмаган. Шипдаги лампочканинг абажури йўқ, лекин лампочканинг ўзи ҳам ҳозир ўчиқ. Фақат стол устидаги лампагина хира нур сочиб турибди. Кривошеин стол ёнида ўтирибди. У ёзмоқда: қоғоз-чертёжларга қарайди, тамаки трубкасини бурқситиб тортади. Кейин, бирнима эсига тушгандек, туриб ташқарига чиқадида, кифир шишасига қўйилган бирнеча қизил гулли кўтариб киради. Гулли столга, плакатнинг тагига қўяди.

Кривошеин. Ҳа, сиқилиб қолибсизлар-да? (*Бармоғига кирган тиканни тиши блан чиқаради.*) Хафа қилдими? Умуман олганда, бу қилигинлар жойида, албатта. (*Тиканни олиб, ёруққа солиб кўради.*) Уҳў, жиндак тикану, аччиғи шунчами? (*Гулли плакатга яқинроқ қўйди.*) Бу ерда турсанглар ярашади. (*Қўнғироқ чалинади.*)

Кривошеин эшикни очшга чиқади. Эшик орқасида овоз: Гринёв. Ўртоқ Кривошеин, сизмисиз? Кривошеин. Ҳа, менман Гринёв. Сизда ишим бор, Кривошеин. Марҳамат, кининг. Гринёв. Бу менинг ўғлим. Кривошеин. Кабинетга кирайлик. Гринёв. Виктор, шу ерда кутатур. — Кабинетга Гринёв блан Кривошеин киради.

Кривошеин (*останада*). Қани, бу ёққа..

Гринёв. (*Кривошеинни тўхтатиб*). Хавотир бўлмаг, яхши бола, ўзи студент..

Кривошеин. Хавотир бўлаётганим йўқ.

Гринёв (*танишиб*). Гринёв бўламан. Фёдор Степанич Гринёв. Тўқимачилик комбинатининг мастери. Эшитгандирсиз?

Кривошеин (*ҳайрон бўлиб, елка қисади*). Кечирасиз, эшитмаганман.

Гринёв. Бўлмаса энди эшитасиз. (*Уйни кўздан кечириб*). Бўйдоқмисиз?

Кривошеин. Топдингиз.

Гринёв. Топиш қийин эмас. Ёлғиз зеркмайсизми?

Кривошеин. Ўрганиб қолганман,

Гринёв. Ҳаркимнинг ичида битта сабр косаси бўлади, эшитганмисиз?

Кривошеин. Анатолия илмида бунақа гап йўқ эди шекилли.

Гринёв. Анатолия ҳали бу масаланинг фаҳмига етган эмас.

Кривошеин. Эҳтимол.

Гринёв. Менинг ана шу сабр косам тўлди. Олдингизга келдим.

Кривошеин. Доктор биздан бир қават баланддаги уйда туради.

Гринёв Мен ўзимга керакли уйни тўғри топиб келганман. (*Глобуснинг олдига боради.*) Географияни ўрганаёпсизми?

Кривошеин. Ўрганишга тўғри келаяпти.

Гринёв (*глобусни айлантириб*). Мана бу мамлакатни биларсиз?

Кривошеин. Улуғ Британия.

Гринёв. Балли. Ундан ўзиб кетаяпмиз!

Кривошеин. Қайси масалада?

Гринёв. Техника масаласида.

Кривошеин. Ҳа, ўзиб кетаяпмиз!

Кривошеин. Лекин ҳечқандай ва'да бераолмайман...

Гринёв. Ихтиёрингиз, Игнат Степанич...

Кривошеин. Кутганингиз бўлмаса хафа бўлмайсиз. (*Қўнғи-роқ чалинади.*) Ҳозир! (*Эшик очгани чиқади.*)

Виктор. Жўнайлик, ота! Вақт кетди.

Гринёв. Энди кетсак ҳам бўлади. У бизни рўпарадан ол-дирмади, биз чапдан келиб олдик. Стратегия!

Виктор. Потаповнинг адабини берамиз!

Эшикдан икки кишининг гапи эшитилади: Кривошеин. Марҳамат. Анна Сергеевна. Кружкова. Уйингиз жуда соз экан-ку.

Виктор. Кружковами?

Гринёв. Ўз сайловчиларининг маиший аҳволи блан танишиб юрибди.

Виктор. (*плакатни кўрсатиб*). Бу нимаси?

Гринёв. Дипломант!

Кривошеин (*остонада*). Анна Сергеевна, меҳмонлар бор. (*Кружкова блан кабинетга киради.*)

Кружкова. Фёдор Степанич! Салом, Виктор!

Виктор. Салом, Анна Сергеевна!

Кривошеин. Биз бу ерда бир масала блан машғул эдик...

Гринёв. Шундай. (*Кружковага.*) Буёғи сенга қолди. Виктор, кетдик. Хайр, депутат.

Кружкова. Хайр, Фёдор Степанич.

Гринёв Кривошеин блан чиқади.

Виктор. Мен сизни бу ерда кўраман деб ҳеч ўйламаган эдим.

Кружкова. Мен ҳам шундай.

Виктор. Нега бўлмаса бу ерга келдингиз

Кружкова. Керак-да, Виктор.

Виктор. Иш блан келганмисиз? Иш блан, а?

Кружкова. Албатта, Виктор, муҳим иш блан.

Виктор. Сизни кутиб турайки? Бу ерда эмас, пастда.

Кружкова. Ишим тез битмас.

Виктор. Майли... Айланиб тураман... Скомейкада ўтириб тураман.

Кружкова. Кутиб овора бўлманг, Виктор.

Виктор. Овора бўлманг?

Кружкова. Қўйинг.

Виктор. Хўб.

Гринёв (*остонада*). Шошилиб туриб эдинг-ку? Қайтайлик, тезроқ бўл! (*Кетади.*)

Виктор. Ҳа энди кетсак ҳам бўлади... Хайр, Анна Сергеевна.

Кружкова. Хайр, Виктор!

Виктор кетади. Кружкова ҳайрон бўлиб плакатга араб қолади. Гул турган нишани қўлга олади, шишага ёпиштирилган қоғозга қарайди ва ўрнига қўяди. Кривошеин кириб, остонада тўхтаб қолади.

Кривошеин. Ўтиринг Анна Сергеевна.

Кружкова. Майли, тикка турсам ҳам бўлаверади.
Кривошеин. Қўққисдан келиб қолдингиз.
Кружкова (*плакатга ишора қилиб*). Уйингизда агитпункт очиб юборибсизми?

Кривошеин. Янги уй... деворлари буш.

Кружкова. Яхши қилибсиз... Уйда кўп ўтирасизми?

Кривошеин. Утираман.

Кружкова. Ишлайсизми?

Кривошеин. Албатта...

Кружкова. Қандай ишлайсиз?

Кривошеин. Гапингизга тушинмадим...

Кружкова. Шу стол орқасида ўтириб ишлайсизми?..

Кривошеин. Бўлмаса қандай ишлайман?

Кружкова. Қани кўрсатингчи, қандай ўтирасиз.

Кривошеин. Нима кераги бор?

Кружкова. Менга керак... рост гап.

Кривошеин (*стол ёнига ўтириб*). Мана, марҳамат.

Кружкова. Хаёл сурган маҳалларингизда қайси томонга қарайсиз?

Кривошеин. Билмадим.

Кружкова. Таржимаий ҳолимни яхши ўрганиб олдингизми?

Кривошеин (*ўрнидан туриб*). Ҳим... Яرمىсигача. Хафа бўлманг, яқинда олиб ташлайман. Деворни безашга дурустроқ бир нарса топилмай турибди.

Кружкова. Шошилинг.

Кривошеин. Нега энди?

Кружкова. Таржимаий ҳолимнинг иккинчи ярми яна эсингизга тушиб қолмасин. (*Столдан нари кетиб, шипдаги чирокни ёқди*.) Абажур йўқ экан-да? Яхши эмас.

Кривошеин. Тўғри. Уйимнинг камчилиги кўп ҳали.

Кружкова (*чирокни ўчирди*). Битта лампа ўзи яхши. Уйингиз ҳувилламайроқ туради.

Кривошеин. Аня, келишингиздан мақсадингиз нима?

Кружкова (*гулни ҳидлаб*). Шундай яхши гулни қатиқ шитасига солиб қўйибсиз-а?

Кривошеин. Кўчган маҳалимда гул идиш синиб қолиб эди.

Кружкова. Қатиқни нимага соласиз?

Кривошеин. Яна битта шиша бор.

Кружкова. Саранжомлик киши экансиз.

Кривошеин. Аня, келишингиздан мақсад нима?

Кружкова. Уйингиз ҳувиллаганроқ бўлса ҳам, тоза. Уйингизга ким қарайди?

Кривошеин. Кўчиб келмоқчимисиз, нима бало?

Кружкова (*қат'ий*). Асло! (*Чертёжларга кўзи тушди*.) Комбинатимизнинг маркаси буёқда нима қилиб юрибди?

Кривошеин. Ўртоқ Гриёва нақш станогни ўйлаб чиқарибди.

Кружкова (*атайин ҳайрон бўлиб*). Ростми?

Кривошеин. Рост.

Кружкова (*қизиқмагандай кўринишга тиришиб*). Қалай, яхшими?

Кривошейн. Ҳозирча аниқ айтаолмайман; ёмон эмас шекилли. Танишиб кўраман... Бу масала сизни қизиқтирадими?

Кружкова (*чўчигандек*). Меними? Йўғе, мен техникада ҳечнарса тушунмайман.

Кривошейн. Гапингиздан жиндак қизиқадиғанга ўхшаяпсиз.

Кружкова. Станокками?

Кривошейн. Станокка. Ё йўқми? Ундай бўлса нега келдингиз, Аня?

Кружкова. Меҳмон дўстлигингизга қойилман! Эҳтимолки, мен музейга бормоқчидирман...

Кривошейн. Анна Сергеевна, нега масхара қиласиз? Яхши эмас, ўзингиз биласиз мен...

Кружкова. Мен ҳечнарса билмайман... Асло!

Кривошейн. Аня, келинг дун'ёнинг нариги бурчига кета-қолайлик...

Кружкова. Мунча узоққа? Яқинроқ жойлар ҳам бор... Игнат Степанович, илтимос қиламан, бу плакатни олиб қўйинг.

Кривошейн. Менда бошқа суратингиз йўқ.

Кружкова. Балки сизга керак эмасдир?

Кривошейн. Керак эмасдир?

Кружкова. Ҳарҳолда менга шундай кўринади...

Кривошейн. Яхши. (*Плакатни олиб, ўраб қўяди. Кружковага юз ўгириб.*) Бошқа илтимосингиз йўқми?

Кружкова. Йўқ.

Кривошейн. Мен сизни шундай чиқариб юбормайман. Менинг сизга айтадиган гапим бор... Бас энди!

Кружкова. Қани, айтинг ахир гапингиз бўлса, айтинг. (*Кўнғироқ чалинади.*) Бунча кеч ким келди экан?

Кривошейн. Эшикни очмайман. (*Кўнғироқ.*)

Кружкова. Йўқ, очинг.

Кривошейн. Очишни истамайман. (*Узоқ кўнғироқ овози.*)

Кружкова (*хотинларча рашки келабошлаб*). Мен очаман.

Кривошейн. Ундай бўлса, қўятуринг, мен ўзим очаман! (*Очгани кетди.*)

Кружкова ҳам ўша ҳамони унинг орқасидан бориб, ташқаридаги гапга қулоқ солади. Зайцевнинг овозини эшитиб, енгиллик тортади ва „ух“ деб вшиқдан нари кетади. Зайцев блан Кривошейн овози эшитилади. Зайцев. Ҳайрият, уйда экансиз. Мени Потапов юборди. Кривошейн. Ичкари кириг. Зайцев. Уиланш баҳонаси блан уйнинг пошшахонини ўмарибсану! Кривошейн. (*Аччиғи келиб.*) Бу қандэй бемаза гап? — Зайцев блан Кривошейн кабинетга кирадилар.

Зайцев. Эй, меҳмон бор экану! Ўртоқ Кружкова, шундай асоишта жойларда кўришганимизга жуда хурсандман.

Кружкова. Хафа бўлманг, меҳмон ҳозир кетади, ўртоқ Зайцев. Хайр. Игнат Степанович, мени кузатиб қўйинг. (*Зайцев блан бош қимирлатиб хайрлашиб чиқди, унинг орқасидан Кривошейн кетди.*)

Зайцев столни сурбетларча тинтиклайди, гулни искайди, кейин чертёж устида ётган плакатни олиб очади.

Зайцев. Ўхў! (Ўқийди.) „Анна Сергеевна Кружкова. 1922-нчи йилда Москвада қадимий тўқимачи оиласидан туғилди... 14 ёшида у... (Кривошеин киради, Зайцев уни кўрмасдан ўқишда давом этади)... тўқимачилик комбинатининг ФЗОсига киради ва...“

Кривошеин. Уни 39-нчи йилда тамом этади. Шувча кеч нима иш блан келдиянг?

Зайцев. Халақит бердимми?

Кривошеин. Жуда.

Зайцев (плакатни кўрсатиб). Тушундим, дидинг ёмон эмас. Тўрт йилгача обрўинг баланд бўлади. „Хў анави ўтиб кетаётган ким?“—Кривошеин. „Қайси Кривошеин?“—Олий Совет депутатининг эри. (Плакатни бирёққа қўйди.) Умуман айтганда—чакки эмас!

Кривошеин. Сот-и сафсатани! Нега келдинг?

Зайцев. Потапов, доклад албатта эртага тайёр бўлсин, деди. Министр талаб қилапти. Ў! Ишлар чатоқ. Тўқимачиларни қара-я! Дабдабалари оламини тутади. Ана у Северовани айтмайсанми-а? Бу гапларга нима дейсан? Бу хотинларинг бало чиқди. Яқинда мен улар блан бир гаплашиб қолиб зўрға гапимга киргиздим...

Кривошеин. Сенинг гапингга киришдимми?

Зайцев. Кирди деса ҳам бўлади.

Кривошеин. Ростдан-а?

Зайцев. Рост: зўрға қочиб қутилдым. (Қақ-қақлаб кулади.) Райкомга ҳам, главкага ҳам, министрликка ҳам тинчлик беришмаяпти...

Кривошеин. Райком ҳам аралашдимми?

Зайцев. Булмачаси! Эртага бюро мажлиси. Лекин Потатов сенга ишонади. „Кривошеин боплайди уларни“, дейди. Ўз оғзи блан „боплайди“ деб айтди. Мана технология—сенинг қўлингда! „Тўпла-тўғри бюрога келсин“, деди. (Плакатга кўзи тушиб.) Бу хотин сенинг олдинга шу иш блан келганмиди?

Кривошеин. Йўқ-йўқ!

Зайцев. Нега келибди бўлмаса?

Кривошеин. Мен сенга бунни ҳам айтиб беришим керакми?

Зайцев. Айёрсан, айёр! Хотинларнинг ҳаммаси шунақа: бир ёпишиб олгандан кейин қутилиш мушкул!

Кривошеин. Ўйлаб кўриш керак...

Зайцев. Нимани ўйлайсан? Алексей Кирьянич бир нарса дегандан кейин, бизнинг вазифамиз—унинг айтганини рақамлар блан, технология блан исбот этиш. Тушундингми? Рақамларни тайёрлашмаяпти, мен кўрсатма берганман.

Кривошеин. Сенингча, Потаповнинг фикри тўғрими?

Зайцев. Қизиқ экансан-ку! Бўлмасамчи? Директор айтгандан кейин тўғри-да! Хайр, мен кетдим. (Чертёжларга кўзи тушиди.) Бу қанақа чертёж?

Кривошеин. Узимники. (*Чертёжнинг устига плакати ёлиб қўяди.*)

Зайцев. Ишлар чатоқлашиб кетаяпти, оғайни! Потаповнинг жони чиқиб юрибди. Қовоғидан қор ёғади. Хотини блан уришиб келибди. Ишлар чатоқ! Бу тўқимачилар бошга бало бўлди-да Мен кетдим! Хайр!

Кривошеин. Хайр...

Зайцев. Демак, тўғри бюрога борасан. Ҳуш'ёр бўл, чатоғимизни чиқарма.

Кривошеин. Хотиржам бўл!

Зайцев. Оғайни, уйланиш баҳонаси блан уйнинг пошшахонини ўмарибсан-да! (*Кетади.*)

Кривошеин қайтиб киради. Пардаларни кўтаради. Плакати эски жойига қоқиб, гуллик шишани унинг тагига жилдириб қўяди. Гринёвнинг чертёжини олиб очади.

Кривошеин (*стол ёнига ўтиради, трубкасини тортади, чертёж устига энгашади, кейин яна қаддини кўтаради.*) Бу қиз нима учун келди экан-а?

Парда

(Охири келаси сонда).

ҲАМИД ҒУЛОМ

ПАХТА

ПАХТАКОР ДЎСТИМГА

Сен ерга бир чигит тиккан чоғингда,
Ҳаёт гулшанини тасаввур этдим.
Тоза меҳринг блан обод боғингда
Иқбол куртагини кўролган эдим.

Олий истак блан, машаққат блан
Очилур чаманда биринчи гунча;
Сендан миннатдордир доҳи, халқ, Ватая,
Омон бўл, азизим, олам тургунча!

Гарчанд ер ёқалаб ўтиб кетаман,
Гарчанд ҳашарчиман мен бир неча кун.
Дўстим, шаҳар блан қишлоқнинг бир тан-
Бир жон бўлмоғлиги — зафарга якун.

Агар тракторинг бир он тўхтаса,
Томирим бир нафас урмаган каби.
Улуғ меҳнатингга қўшаман ҳисса,
Бажарилсин бу йил Ватая талаби!

Сарбаланд Кремль юлдузи янглиғ
Кўэларинг чақнасин, бахтинг яшнасин.
Фақат ҳалол меҳнат, пахтакор тонги
Янги зафарларга сени бошласин!

Мен дар'ё бўйида узоқ ўлтириб,
Сувлар жилвасига боқсам не фойда?
Ҳаёт шаробига коса тўлдириб,
Бир томчи тер тўкай сен бўлган жойда!

Жангу-жадалларда ҳамиша енгдик,
Мардлик — одамзоднинг бахтига асос.
Ғарчанд олтинимиз юмшоқ момикдек,
Аскарга қуролу, халқларга либос.

Эгатлар оралаб узоқ тикилдинг
Соғинган фарзандин кутган онадек,
Ғузалар қаддини кўтарди тетик,
Сен шам атрофида бир парвонадек —

Боқасан, тўймайсан, шодлигинг — денгиз,
Денгизда қайиқдек узоқ сузасан.
Ҳаёт диёрида орзулар сўнгсиз,
Улуғ келажакка режа тузасан.

Водида кезади меҳнат яллasi,
Инсонлар ғайратда, турмуш фаровон,
Эй, ўз диёрида меҳнат эгаси,
Қуёшдек юксак бўл, доим бўл омон!

Асака, апрель.

ПАХТАЗОР СЕВГИСИ

Пахтазорга чиққанмисан, дўстим, тонг чоғи —
Эркин қушлар қўшиғига тўлганда жаҳон?
Яшнаганда биз яратган бу ҳаёт боғи,
Кетмонларнинг кўзгусида акс этганда жон!

Мен Олмосда минг булоққа узоқ тикилдим,
Чаноқларда кулиб турган олтиндай порлоқ.
Чин ҳаётни кўрар бўлсанг, азизим, жоним,
Тонг чоғида пахтазорнинг чаманига боқ!

Эгатларнинг тизмасида улуғ интизом,
Ғузаларнинг қаторида — ғолиблар сафи.
Юрагимда мавж уради сўнгсиз ихтиром,
Чеҳраларга тизилганда терлар садафи.

Чексиз води... Қатор-қатор тут дарахтлари,
Ариқларда лойқа сувлар тўлиб ўшқирар.
Узоқларда НАТИ худди арслон сингари,
Кенг водини тўлқинлатиб мағрур пишқирар.

Табиатнинг тилсимоти маҳкуму таслим,
Инсонларнинг иқтидори қаршисида ром.
Меҳнат ҳаёт асосидир, жоним, азизим,
Меҳнат — қўшиқ, рўзгор, сафо, саодат, ором.

Юлдуз каби сочилибди адирга одам,
Сен қўшинга қўмондондай, қизлар олдида,
Сочларингни чамбар қилиб, бор сурур блан
Ишлайсан ҳеч толмай, кузги зафар қастида.

Мен водида халқнинг улуғ саодатини,
Сўнгсиз ижод ғайратини кўрдим, қувондим.
Ше'рий илҳом жўшишидек, халқ ғайратини
Кўрган чоғим пахтазорнинг ишқида ёндим.

Ошиқ қалбим мафтун этди ямяшил води,
Шоналарнинг саногига ета олмадим.
Асло толмай ишлар эди мардлар авлоди,
Ше'р ёздим, ше'р ёздим, асло толмадим.

Асака, Сталин номли колхоз.

ҲАБИБИЙ

ИККИ МИЛЛИОН

Ватан кон бўлди—конга-кон қўшилди,
Оқ олтин унгали майдон қўшилди.
Ададсиз боғ била бўстон қўшилди,
Бу йил имконга зўр имкон қўшилди.
Келиб сув чўлга я'ни жон қўшилди.

Неча чўлни қилиб сув бирла ишғол,
Тамомин пахтага кон қилдик алҳол.
Юз очди икки миллион бахту-иқбол.
Бу иқбол ичра йўқдир зарра ишқал.
Шарафли шонимизга шон қўшилди.

Очилгай чим-чатир монанди юлдуз,
Тивик нур бирла қилгай тунни кундуз.
Ўтар, албатта, юздан, оқланур юз,
Тўлиқ совға бўлур доҳийга бу куз,
Ҳақвақий аҳд ила паймон қўшилди.

Ҳабибияй, куйла энди шодиёна,
Яшаб гулгул очилди, кулди шона.
Қилиб ҳар лаҳза кулгини баҳона,
Чиқарди икки миллиондан нишона,
Бу кулгига кулиб деҳқон қўшилди.

ЎРТОҚ ЛИ ЕНСОН

Социалистик Меҳват Қаҳрамони

Дала улкан, кўм-кўк ва жямжит,
 Осмон каби беҳад, бетўсув.
 Уфқ бўйлаб ўтади Чирчиқ,
 Пайкалларга ташлаб тиниқ сув.
 Қуёш қизир. Дала оловли,
 Елка куяр, қизарар бармоқ.
 Тиззадан сув кечар ўртоқ Ли,
 Бошда сариг варанка қалпоқ.
 Тўпиағидан ботар у лойга,
 Сонларини тилади барди...
 Лекин, ишдан қайтмас у, чунки
 Қалб юрт ишқи блан ёнарди.
 Қош корайгач, салқин чўқади,
 Учиб келар Чирчиқдан еллар.
 Файзли дала совлат тўқади,
 Ли танидан кўчади терлар.
 Барра ўтлар силкинар елда,
 Дала яшнар, гуркирар шоли.
 Ўйнар шоликорлик устида
 Беқарор, шўх Чирчиқ шамоли.
 Бу ерларнинг ўтмушин сўраманг...
 Бу ер кимса кўрмаган у вақт.
 Бу ерларда на Чирчиқ еллари,—
 Бу ерларда ўйнарди гирват.
 Ли зап деҳқон чиқди, баракалла!
 Баракалла сенга, ўртоқ Ли!
 Меҳнатингга қойил қолди бу юрт,
 Шоликорсан, Ли сан—отоқли.
 Ли ишлайди шоли ичида
 Кўкрагида Олтин Юлдузи.
 Обод қилди,
 Ҳосил берди қоплаб,
 Қаҳрамонлик мана шу ўзи!
 Ли зап деҳқон чиқди, баракалла!
 Шоликорсан, мардсан отоқли.
 Меҳнатингга қойил қолди ватан,
 Баракалла сенга, ўртоқ Ли!

„Полярная Звезда“ колхозни
 Июнь, 1949 йил.

М. БОБОЕВ

МЕҲНАТ ТОНГИ

Баҳор тонги.
Осмон беғубор.
Ҳилпирайли майин шаббода.
Қушчалари гўзал водининг —
Қувнашади сайраб ҳавода.
Яшил кокилларин силкитиб,
Ўйноқлайди толлар шўх ва шан.
Ўрикзорлар кумуш тошқинда,
Касб этмишди води бир чаман.
Кенг далада азимкор садо,
Ерлар бағрин ёради „НАТИ“.
Майдон,

майдон,

туташ қарталар,

Пахтазорнинг йўқ ниҳояти.
Ғайратига сиғмайди ҳар жон,
Ер ҳайдашар,

чопар,

экишар.

Ҳар томонда қизлар қўшиғи,
Меҳнат завқи диллардан тошар.
Машиналар тинмайди бир зум,
Аравалар гумбурлар илдам.
Бири чигит ташир,

биттаси ўғит,

Бригадирлар тинмайди бирдам.
Билишади улуғ Ватанга
Пахта керак!

Пахта — шараф-шон.

Мамлакатнинг қудрати ортар,
Ҳаёт бўлар яна фаровон.
Шу ниятда тўкишади тер
Бу водининг пахтакорлари.
Бу йил белни маҳкам боғлаган
Ўлканинг бу қаҳрамонлари.

1949 йил, апрель
Наманган

К. ФЁДОРОВ

ЧЎПОН

Ясси тепаларни айланиб, сойдав
Топдим мен чўпонни гулхан ёнида.
Оловнинг сочлари—тун шамолидан
Енгил силкинарди жимжит яйловда.
— Итга қара, Саттор! Дея ошиқиб,
Юрди менга томон илдам чўпон-чол.
Гулхан ёруғида кўкатлар босиб—
Келди, қучоқлашдик; сўрашдик аҳвол...
Гулхан томон юрдик. Кўзлари ёниб—
Кузатарди бизни чўпон кўпшаги.
Даврага тизилиб чой ичдик қониб,
Қизиди чўпонлар суҳбати-гапи...
Қўзилар ётипти, силап-сийпайман,
Ширин қарашади милт-милт кўзлари.
Ранг-баранг, жингалак, ипакдай майин,
Тунда ёниб ётар олтин сурлари.
Юлдузлар чароқлар. Яйлов, тоғ, буюк—
Чуққилар кўксида шивирлар баҳор.
— Чўпон иши—фахр, соф қаҳрамонлик,
Сўзла ҳикоянгни, давом эт, Саттор!
Семиз бўрдоқилар, олтин барралар,
Ҳалол меҳнатингдан ма'мур Ватанинг.
Колхозчи дўстларинг сени табриклар.
Шоирлар ше'рида баланд махтавинг".
Бойлик тошар ўлка водиларида,
Пахта, Бугдой, Нефть—халқ хазинаси.
Мана бу бепоён яйлов, қирида
Қўйлар сурисининг йўқ ниҳояси.
Тонг ёриди. Қизарди уфқнинг лаби,
Сўнгра найза бўлиб отилди нурлар.
Гулхан ўчди. Ерда чарас бошлари—
Каби ётар эди қора кўмирлар.
Кўм-кўк ўтлоқларда, паст тепаларда—
Бутун яйлов тўлди қўй, қўзиларга.
Колхоз почталиони ёлпар, бўз отда
Узатарди янги газетлар бизга.

М. БОБОЕВ
таржимаси.

Ҳ. НАЗИР

ТЎҚУЧИ ДОСТОНИ

Очерк

I

Бир куни шоир дўстим ҳовлиққанича келди-да, „Ҳеч гапдан хабаринг борми?“ деб қўлимга битта журнал тутқизди. Бу, Москвада чиқадиган рангдор журналлардан бўлиб, ҳали тахти бузилмаган, янги бўёқ ислари думоққа ёқимли урилиб турарди. Шундоқ қарасам, биринчи саҳифадаги катта сурат кўзимга иссиқ кўринди. Йўғон соч ўримларини бошига чамбар қилиб олган, атлас кўйлакли, стараси иссиққина, қорақош қизнинг содда чеҳрасидан салобат ва ғурур акс этиб турарди.

Сурат остида бу сўзларни ўқидим:

„Янги бешйиллик стахановчиси. Ўзбекистон ССР, Марғилон ипакчилик комбинатининг донгдор тўқучиси-Шарофат Қодирова“.

Суратга тикилар эканман, бундан олти-етти йил бурув дўстим блан ўша комбинатга борганим ёдимга тушиб кетди. Ушанда янги ўрнатилган ажойиб дастгоҳлар атрофида парвона бўлиб шоҳи тўқишни ўрганабошлаган шогирдлар қаторида шу қизни ҳам кўрган эдик. У сочига қизил лента бойлаган ва кўкрагига комсомол значоги таққан ўн беш-ўн олти ёшлардаги нозиккина қизча эди. Кўринишда тенгдошларидан ортиқча фарқ қилмаса ҳам, жовдироқ, тийрак кўзларидан зеҳн, фаросат ва ғайрат учқунларини пайқаш мумкин эди. Болаларча енгил ҳаракатларидан хилагина ўйинқароқлиги сезилиб турарди.

— „Янги бешйиллик стахановчиси!“ — дўстим салмоқлаб қайтараркан, завқланиб кетди. — Қойилмисан, одамда қанчалик ўзгарिश бўлар экан! У вақтда, шу оддий қизни ким назарига илибди. Бир кун келиб, халққа машҳур бўлади-ю, Москвагача доврўғи кетади, деб ўйлаганмидик!..

Шундан кейин дўстим асли муддаосига кўчди: у яқинлашиб келаётган улуғ байрамга тухфа қилиб пешқадам хотин-қизларимиздан Шарофат ҳақида дoston ёзмақни ният қилибди.

— Достонга муносиб қаҳрамон бўлаолади-а?— деди у яна ўз фикрини қувватлаб.

— Муносибликка—муносиб!— дедим мен.— Уёғини сўрасанг ҳозирда достон қилишга арзийдиганлар ҳамма ерда бор. Тўқув дастгоҳи ёнидан дейсанми, пахта даласидан дейсанми, машина-созлик заводи ёки илмий лабораториядан дейсанми, истаган жойдан топиш мумкин. Қайси бирини танлаш шоирнинг ўз ихтиёрида, албатта.

— Тўғри! Менинг қаҳрамоним Шарофат ҳам ана шу янги одамларнинг энг сараларидан бўлади...

Дўстим ўз юрак илҳомини кўзгатган сеvimли қаҳрамони блан ипакчилик комбинати цехида учрашмоқ учун Марғилон сафарига отланди. Мен ҳам у блан бирга жўнашга шошилдим...

* * *

Ба'зая киши кайфи бузуқроқ пайтдагина эмас, одатдан ташқари вақтичоғлик дақиқаларида ҳам, бирон жиддий машғулотга қўли бормай қолади. Анчагача ички ҳаяжонини босолмай, фикри сочилиб кетаверади.

Ҳозир Шарофат шундай ҳолатни кечираётган эди.

У, деразаси боққа қараган уйда танҳо ўтириб китоб ўқимоқда. Кўк муқовали қалин китоб саҳифаларига кўз югуртираркан, ундаги олам-олам мазмунни миясига жойлаб олишга қийналгандай, айрим сатрлар устида узоқ тўхталиб қоларди. Кейин дафтарни очар ва унга алланималарни ёзмоқчи бўлиб қизил елим ручкани сиёҳга ботирган ерида яна қайтариб қўярди... Мана у ручкани қўлида ўйнатган ва чап тирсагини столга тираган ҳолда, худди ажойиб саргузаштли кино-фильмни кўраётгандай боғ тарафга тикилиб қолди. Боғ ичи хўб хуш манзара бўлибдими! Яшил япроқлар ёзган, шиғаб гуллаган мевазор қўйнида баҳор ҳавоси кезиб, майин куй таратмоқда. Ҳў ана, дераза рўпарасидаги сада бўлиб ўсган анжир шафтолининг пушти ранг гуллари орасида са'ва учиб ўтиб, баланд ўрикка қўнди. У бир лаҳза чириллаб сайради-ю, яна пир этиб олма шохларига ўтди. Унинг овозига боғнинг нариёғидан қалдирғочлар жўр бўлди...

Шарофат бу манзарага маҳлиё бўлиб кетиб, қўлидаги ручкасини тушириб юборди. Шундан сўнггина ҳушёр тортди-да, „Вой улмасам, иш қолиб кетибди-ку“ деб яна ўқиш ва ёзишга тутинди.

Анва чақалоғини кўтариб кириб келганда, Шарофатнинг машғулоти жуда қизиб кетган эди.

— Ҳорма, ўртоқжон, тагин ўқучиликни қумсаб қолибсанми?

— Уқучиликни ташлаб бўлармиди!— Шарофат ўртоғини стулга таклиф этди.— Ҳўш аҳволларинг қалай? Боланг гапирай деяптими? Хабар олишга ҳам фурсатим бўлмай қолди. Бир ёқда иш, бир ёқда ўқиш дегандай...

— Сен хабар олмасанг ҳам ўзим ҳаммасидан хабардорман. Айниқса бугун эрталабки ахборотдан кейин уйимда туролмадим. Сени энди табрикласам бўлар-а?

Анна худди катта тўй блан муборакбод қилгандай Шарофатнинг қўлини қаттиқ қисиб, бетидан ўпди.

— Ноништадан кейин газета ўқиб ўтирган эдим. Бирдан комбинат воми эшитилиб қолди. Ирғиб туриб радиога яқинроқ бордим-у, қулоғимни тўтиб турсам, нима дейди дегин: „Область советининг депутаты тўқучи Шарофат Қодирова сайловчиларнинг ишончини оқлади, бешйилликни уч йилда бажариш тўғрисида берган ва’дасини муддатидан олдин адо этди...“ дейди.

Анна ҳаяжонланиб гапини давом этдирди:

— Эшитатуриб қанчалик қувонганимни билсанг эди! Эрталабдан бери уйим байрамдай. Қўлимни қаёққа ураримни билмайман. Узим неча кундан бери диққат эдим. Кўнглим ёзилиб кетди.

— Нега диққат бўласан? — Шарофатнинг қоши чимирилди.

— Нимага бўларди! Бекорчиликдан-де. Ҳисобласам, роса етти ҳафта дастгоҳ бетини кўрмабман-а! Тушларимга кириб чиқади. Одам гулдир-гулдирга ўрганиб қолгандан кейин, тинч туролмас экан. Шу етти ҳафта худди етти ойдай туюлиб кетди. Куня кеча сенинг сменангга бир кирай деб отланган жойимда эрим қайтарди, отпусканг битгани йўқ деб...

— Сени-ку, уйда юмишинг кўпайиб қолган, чақалоқ орасини зериктирмайди, — деди Шарофат кулиб. — Лекин мен қишда бир ҳафтача бюллетенга чиқдим-ку, ўшанда ёмон диққат бўлиб доктор блан жанжаллашиб қолганман. Ахир, иситмам тушди. Энди ишга чиқаверай десам, „Мен рухсат бермагунамча қамирламайсан“ деб пописа қилади... Ҳали-ҳали кўрса: „Ҳа ўжар кизим, энди касал бўлакўрма, уришиб қоламиз“ деб тегишади.

Анна ҳузур қилиб кулди:

— Эсимда бор. Ўшанда-чи, пехимиз ҳам ҳувиллаб қолгандай бўлди. Шогирдларингни айтмайсанми, Шарофат опам қачон чиқадилар, соғиниб кетаяпмиз, деб нақэнкя-тинкамни чиқаришган эди...

— Уни муни қўй, шерик! — Шарофат гапни бошқа ёққа бурди. — Янги мажбуриятимга нима дейсан? Шу қирқ саккизинчи йил охиригача йиллик планим устига яна ўн уч минг метр газлама бермоқчи бўлиб турибман.

— Уҳў, ҳимматни баланд қиворибсан-ку! Мен ўн мингни мўлжаллаб қўювдим.

— Шундай бўлмаса кўнгил тўладими ахир. Ўтган йили пландан ташқари ўн икки минг метр тўқиган эдим. Ундан бурунги йил эса, қанча эди?..

— Ўн ярим минг эди, шекилли.

— Ҳа. Мана шунақа қилиб йилига поғона ошиб бормаса бўладими! Москвали ҳамкасбимиз Мария Волкованинг қондаси шунақа. Бир маррада узоқ туришни ёмон кўради. Ўтган йили Москвада танишганимда бир гап айтган эди: „Сен блан биз, — дейди, — тоғ чўққисини кўзлаб кетаёғибмиз. Вазифамиз огир. Чўққи баланд. Йўлда тўхталиш ярамайди. Агар тўхтаб қолсанг, орқангга оғиб кетиш хавфи бор. Шунинг учун қийин бўлса ҳам қадамни тобора тетикроқ босиш керак...“ Мана шу сузалари ҳеч эсимдан чиқмайди.

— Ўзи ҳам кўп иш кўрган туқучи-да, тажрибасидан олиб гапирган.

— Тажрибаси зўрликка зўр. Сукно тўқишда тўрт дастгоҳ ўрнига ўн икки дастгоҳни бошқаради. Бир ўзи учта паранг тўқучига бас келади-я, барака топкур! Бунинг учун фақат тажрибанинг ўзи кифоямикин?— Шарофат ўйлаб туриб қўшиб қўйди. — Йўқ, бошқа нарсалар ҳам керакдир...

Шарофатнинг „Бошқа нарсалар“ деб нимани айтгани Аннага ҳам тушинарлик эди, аммо ифодалашга сўз тополмай турган эди. Ҳар иккала ҳамдастгоҳнинг шу дақиқадаги юрак тегишида ҳамоҳанглик бор эди. Улар стахановчи деб ном кўтарган танти, валлама одамларнинг қалбини маш'алдай ёритиб билагига куч бериб турган муқаддас нарса тўғрисида ўйламоқда эдилар...

Негадир бирдан Шарофатнинг бетлари жиддийлашди.

— Ба'зибир хотинларга ҳайронман, -- деди у ачиниб, — тажриба бўлса бор, куч бор. Мусобақага ҳам қўшилишади, ва'далар ҳам беришади-ю, кейин тагин бояги-бояги. Ва'даларини юзларига солсанг, пинакларини бузмайдилар. Ҳархил важ-корсон: „Тобим бўлмади, омад юришмади“, ё бўлмаса „Машина яхши ишламади“ ...Шунда шартта айтгинг келади: „Нега палончининг машинаси ҳам бузилмайди, тоби ҳам қочмайди, омади ҳам юришаверади?“ деб. Шунақанги бевурдларни кўрсам қовурғам қайишади. Тагин гап бермай одамни ғийбат қилгани ортиқча.

— Кимни айтаяпсан, ўзинг? — Анна дўстининг тўсатдан авзойи ўзгарилганига қизиқсиниб қолди.

— Ўзинг билган Саломат опамиз-да! — Шарофат зарда блан давом этди. — Туппа-тузук аёл, кекса тўқучи. Ҳаммамиз уста деб иззат қиламиз... Бир куни планни тўлдиролмай қолдилар, яна ишлари бракка чиқди, икки метрча газварнинг арқоғи чаккам-дуккам отилиб қопти. Шунини мажлисда гапириб қолмайманми, балого қўйдилар-да: қизим тенги бўлиб энди сендан ақл ўрганаманми, палон-паккун... Ҳаммадан ҳам: „Ман-манлигинг ўзингга“ деганлари алам қилади.

— Ҳали шунақа гаплар ҳам ўтдимиз?

— Ҳа... ўзинг ўйла ўртоқжон, наҳотки менда шунақа фе'л бўлса? Ё балки ўзимга билинмас...

— Нима деяпсан? — Аннанинг кулгиси қистади. Агар сенда шунақанги қилиқ бўлса, ўртоқ бўлармидим?

— Ҳалиги гапни эшитиб келган куним уйда кампирга „Ойи, қизингиз ман-манми?“ десам, кампир „Тўғри айтибди, болаликдан қолган фе'линг“ деб баттар жигимга тегдилар. Ана, ўзларидан сўрайқол...

Бошига ҳаворанг дуррани саллача қилиб танғиган пешонасини қалин ажин босган қотмагина, очиқ юзли хотин хурма кўтариб кириб қолди. Хурмани жавонга қўясолиб, гилдираб келиб Анна блан қучоқлашакетди.

— Э, э, Анна қизим, қачон келдинг? Чақалоқчанг катта бўлдимми? Чиллагуразон қилиб келдингми, гиргиттон! Ажаб кебсан-

да!.. Бирам соғинувдим... кунига сўрайман. Қани, қани, қизми — ўғилми? Кўрманаси қани энди, ҳали...

Кампир ойнали шкафнинг остки тортмасидан бир қаричгина келар-келмас кўйлакча олиб Аннага тутқизди.

— Шарофат опаси тўқиган шоҳидан.

— Қани, мундоқ ўтирингчи, ойи... — Шарофат кампирнинг енгидан тортди. — Битта айтингчи, ёшлигимда қанақа эдим?

— Нима, ҳозир катта бўлиб қопсанми? Сен ҳам шу чақалоқдай сержанжал эдинг-да... — Кампир қих-қихлаганича самовар кўтариб чиқиб кетар экан, орқасидан кулиб қолишди.

— Ойим шунақа тегажаклик қилаверадилар... Ёдимда бор. Болалик вақтимда ҳам гоҳо: „Сен қизгина тушмагур, тутганингни кесадиған чиқдинг“ деб кўярдилар. Мен тушинмасдан „Нега унақа дейсиз, аяжон. Айтганингни қилмаяпманми?“ десам, „Қиласан-ку, лекин ўз айтганингни ҳам қилдирмасдан кўймайсан-да“ дердилар.

Онанинг бу гапи бежиз эмас эди, албатта. Шарофат бўйнига қизил галстук тақиб папка қўлтиқлаб юрган кезларидаёқ кўпинча тенгқурларига сўзини ўтказиб юрар эди. Синфдами, кўчадами, дарс тайёрлаш ёки ўйин пайтидами, ўртоқлари унинг оғзига қараб туришарди. Шарофат айтдими, бўлди — бажариш керак. Нега у бефойда ишни таклиф қилсин! Буни каттадан-кичик билиб олган эди... Шарофат шу ўктамлигини уйда ҳам қилиб вақт-бемаҳал онасиға мактабга судраб қоларди. Онаси: „Ахир ҳозир сигир соғаман, овқат қиламан“ деса, „Кейин қиларсиз. Тез юринг, ота-оналар мажлиси бўлади, кондерт қўйиб берамиз“ деб кўярда-кўймай олиб кетарди. Онаси қизига тихирлик қилиш беҳуда эканини билиб зўрға унинг кетидан борса ҳам, кейин хурсанд бўлиб қайтар эди. Онасининг паранжисини бошидан тортқилайвериб йўқотган ҳам шу бўлди.

Шўхлик даврлари ўтиб, мактаб уни катта йўлга чиқариб қўйди. Энди қалам-дафтар тутган қўлларда тезотар мокинайчалар ўйнай-бошлади, тинч синф ўрнини гулдуросларга тўлган кенг цех ва баҳайбат дастгоҳлар эгаллади. Шарофатхон ўзи каби жажжи қизалоқлар блан бир нуқтага тикилиб муаллимдан сабоқ тинглаган соатларда ҳозирги кунларини ўйлаганмикин? Балки доно қиз ўзининг мактаби ҳаётга олиб чиқадиган катта йўл бўсоғаси эканини қалбидан сезгандир. Мана энди шу катта йўлдан мустақил одим ташлаш, кўзлаган манзилига ботроқ етиб олиш учун ҳамма ишчи сафдошлари каби унга ҳам тенгсиз эрк берилди...

Ватан урушининг иккинчи йили — таҳликаларга тўлган ўша кунлар... Бу кунлар Шарофат ва шериклари учун улкан корхона шароитига кўникиш, янги фабрика цехида севган касбни эгаллаш блан ўтди. У вақтда ҳали шоҳи тўқиш дастгоҳлари оз, тўқучилар ҳам бармоқ блан санарли эди. Уларнинг сафи кундан-кун ошмоқда эди.

Шарофат қийин, нозик ҳунарни танлади. Онаси: „Бошқа осонроқ иш йўқми? Қалин-қаттиқ юмиш қилиб пишмагансан. Уриний қоларсан“ деганда, у „Киройи ҳунар ўргангандан кейин қийиниб

ўрганиш керак-да, тўқиган шоҳим одамларга манзур бўлса, бундан ҳам ҳузур иш борми!" деб жавоб берган эди.

Шарофат биринчи даф'а цехга кирганда, дастгоҳлар унинг кўзига асов отдек ўжар, бошини тутқизмайдигандай кўринди. Кўз илгамас даражада ингичка ва саноқсиз толалардан тайёрланган тандадаги ипаклар эса, нур каби жимирлашиб кўзни қамаштиргудай. Шарофат ўзи шогирд тушган москвали тўқучи хотиннинг англашилмас ҳаракатларига разм солиб туриб ўйлади: „Бу дастгоҳларни кўлга ром қилиб бўлармикан-а? Ҳа, нима бўлипти, ахир шуни ҳам одамлар ўйлаб чиқарган-ку. Наҳотки одам қилган ишни одам қилаолмас!“

Шарофатдаги тараддуд жуда оз фурсатда, бирнеча ҳафтадаёқ ўтиб кетиб, бунинг ўрнини ишонч эгаллади. Тез орада, ўша ўжар кўринган дастгоҳ ўз жиловини ўзидан ҳам ўжар ва тиришқоқ кўлга буткул тутқизди...

...Анна чақалоғини ачомлаб, ўрнидан қўзғолди.

— Энди менга рухсат. Сенга ҳам кўп халақит бердим. Ўқишингни қил.

Шарофат уни ташқаригача кузатиб чиқаркан билагидаги ғишт нусха саотга қараб, деди:

— Сменага уч соатча қолибди, ҳозир дарсимиз бошланади. Бугун семинар. Тўртинчи бобдан доклад топширган. Ўтган сафар янглишиб шармандам чиққан эди. Партмажлисда уялтиришган. Ишқилиб, ўртоқ, бу сафар яхши чиқсин-да...

II

Хоҳ мажлисда, хоҳ тенгдошлари блан суҳбатда „Мен уядоқ қилдим, мен мундоқ қилдим“ деб писанда қилишни ёқтирмайдиган Шарофат вақти келиб ўзи ҳақида гапиришга мажбур бўлиб қолди...

Кейинги вақтларда, айниқса қирқ саккизинчи йилда унга жойлардан хатлар келабошлади. Москва, Тошкент, Бухоро каби катта-катта шаҳарлардан ҳамкасб дўстлар ортдирган эди. Ленинободдаги комбинатда ҳам қадрдонлари кўп. Мана бир куни шу қадрдонлардан саломнома келиб қолди. Улар Шарофатдан кўп дастгоҳда ишлаш тажрибасини ёзиб, иш устида тушган сурати блан қўшиб юборишини сўраганлар. Шарофат нима қилишини билмай неча кунгача ўйланиб юрди. Бир куни комбинат директори цехга кирганда буни айтиб қолган эди. Директор уни уялтирди.

— Сен, қизим, ўз иззатингни билишинг керак-да, — деди у, — Тожикистондай жойдан қардошлар нома ёзишсаю, жавоб беришга йманиб ўтирсанг. Ахир Ленинобод ипакчилари биз блан мусобақа бойлашганини биласан-ку. Бизда нимайки янгилик бўлса уларга билдириб турамиз. Улар ҳам шундай қилишади. Шунанга бўлсин, албатта хат ёз, сен ҳам уларнинг тажрибасини билиб ол!

Дастгоҳлар гулдирози тиниб, биринчи смена тугаши блан цехлардан ишчилар гуриллашиб чиқабошлади. Шарофат негадир улардан ажралиб ўз дастгоҳлари орасида хила вақт куйманиб қолди.

Бир сидра ярқиратиб тозаланган машиналарни яна кўздан кечирди. Ишлатилган ва қолган найчаларни қайта-қайта ҳисоблади, сўнг, иш вақтида тўзиб халал бермасин деб сочига бойлаган лентани ва партуғини ечабошлаганда, Анна кириб келди. Ҳали иккинчи смена бошланишига 45 минутча бор эди.

— Ҳорма, ўртоқ, иккинчи сменада ҳам қолмоқчимсан?— Анна ҳазиллашди.

— Ҳа... „Учинчи“ жуда эркалик қилиб юборди!— деди Шарофат ўртадаги дастгоҳга хўмрайиб. — Бугун мўлжалдан ортиқ тўхтаб, анча вақтни исроф қилди. Бу яқин ўртада қилмаган қилиғи!

Шарофат ранжиб, давом этди:

— Худди бир метрча ишим камайиб кетди-да. Буни процентга айлантиргин, қанча бўлади?.. Ўзим ҳам аччиғ устида поммастер блан уришиб қолаёзим. „Ахир касали бор экан, сменадан олдин даволаб қўйсанг бўлмасмиди“ десам, „Нима, мен врачманми, опажон!“ дейди. Кафилини олгандан кейин врач ҳам бўласанда.

— Тўғри айтибсан, Шарофат!— Деди Анна ма'қуллаб, —инженер Муҳамедовнинг ҳам доим тайинлайдиган гапи шу: ҳарким ўз дастгоҳининг фе'лини беш бармоқдай билсин. Бўлмаса бир кун эмас, бир кун панд еб қолади, дейди.

— Поммастердан шунинг учун диққат бўлдим-да. Эрталаб сменага киришаётганимда „Машиналар тахтми?“ деб сўрасам, „Худди эгарлоғлик отдай“ деб мени хотиржам қилди-я. Мен бу йигитдан шунақа бепарволик ўтади деб ҳеч ўйламаган эдим. Кейин ўзи ҳам уялиб, узир сўради. Қилғуликни қилиб қўйиб узир сўрашдан нима фойда-я!

Анна иш кийимларини кийиб дастгоҳлар ўртасига ўтгач, учинчи дастгоҳнинг уёқ-буёғини кўздан кечирабошлади.

— Энди эркалик қилмасмикин?

— Йўқ, поммастердан кейин ўзим ҳам текшириб чиқдим-ку. Сени хафа қилмайди.

Сменадошлар хайрлашаётган ерида, Анна хатдан гап очиб қолди. Шарофатнинг ҳали ҳам хатни ёзиб юбормаганини эшитиб, афсусланди.

— Нега бундай қилдинг? Ахир ҳурматсизлик бўлмайдами?

— Шундай-куя, аммо одам ўзи тўғрисида...

— Қизиқсан, ўртоқ. Нима, улар сендан қош-кўзинг қандай деб сўраяптиларми? Ишларингни кўрсатасан-да.

Улар шундай маслаҳатга келдилар: мусобақадосларни даставвал қизиқтирган нарса кўп дастгоҳга ўтиб ишлаши. Демак гапни шундан бошлаш керак.

— Хатингда менинг ҳам номимни кўрсат.

— Сени нима деб ёзай?

— Шогирдларинг қаторида-да. Ахир олти дастгоҳда ишлашни ўзингдан ўргандим-ку. Эсингда борми, неча кунлаб иккинчи сменада ҳам қолиб, менга иш ўргатган эдинг.

— Йўқ, сен шогирд эмассан. Ўртоғимсан, мусобақадосим, тенгдошимсан...

Шарофат цехдан чиқаркан, йул-йўлакай ўз ишларини ўйлаб кетди...

Шарофат ҳали ёш бўлса-да, бошидан кўп воқиаларни кечирди. Унинг ҳамма ишлари силлиқликча борди деб бўлмайди. Бир дастгоҳ қайда-ю, олти дастгоҳ қайда! Биринчиси гўё кўп қаватли иморатга қўйилган баланд шотининг остки поғонаси бўлса, олтинчиси энг устки поғона эди. Ба'зан шоти жуда тиклик қилиб оёғи тойилган ва туртинган пайтлар ҳам бўлди. Лекин тиришқоқлиги ва дадиллиги уни қўллаб, ҳар сафар ўзини тез ўнглаб олди.

Шарофат ўзининг бешинчи дастгоҳини „Ғалаба дастгоҳи“ деб атади. Чунки бунга ўтиш пайти биринчи Ғалаба байрамнинг шодиёна кунларига тўғри келган эди. Ушанда Шарофатнинг кетидан эргашган хотин-қизлар кўп бўлди. Фашистлар уясини совуриб ташлаган баҳодирларнинг зафари буларни яна ҳам руҳлантириб юборган эди.

Шарофатнинг дастгоҳлари ўрнашган участка гавжум бўлиб қолди. Оддий тўқучилардан тортиб, мастерлар, механиклар, инженерлар ва ҳатто тўқучиликка алоқаси бўлмаган ёш-яланглар ҳам тамошага қизиққандай бу ерда айланишиб қолдилар. Ҳамманинг кўзи—ипакларнинг бирон толасини ҳам кўздан қочирмай дастгоҳлар орасида моҳир кемачи сингари сузиб юрган чевар қизнинг абжир ҳаракатида эди. Ҳамма унга турли-туман саволлар ёғдириб эсанкиратиб ҳам қўйган эди.

...Шарофат боққа қараган дераза ёнида хат ёзиб ўлтирар экан, мана шуларнинг ҳаммасини бир-бир кўз ўнгига келтирди.

— „Шундай қилиб мен олти дастгоҳ эгаси бўлиб қолдим,—деб хатини давом этдирди у, шу кезларда ленинградлилар хати чиққан эди. Улар бешйилликни муддатидан олдин бажарайлик, деган шиор блан бутун мамлакатимиздаги ишчиларни мусобақага чақирган эдилар. Албатта биз ҳам бунга қўшилган, энг шимариб янгича ишлашга киришган эдик.

Цехимизга шоҳи буюмнинг асили бўлган крепдешин тўқиш топширилган эди. Бунинг нозик, қийин иш эканини биласиз. Лекин одам ўз касбига обдон ихлос қўйгандан кейин ҳарқанақа юмишдан ҳам чўчимас экан. Очигани айтсам, дастлабки кунлар анча ҳовлиқиб, шошиб қолдим. Ичимда, шунча машинани қандай эплайман, деб ба'зан юрагим така-пука бўлса ҳам, буни ҳечкимга билдирганим йўқ. Айтмоқчи, бир кишига билдирганман. У ҳам бўлса дўстим Анна Городкова. Мен ундан хурсандчилигимни ҳам, хафачилигимни ҳам асти яширмайман. Аввал бошда олти дастгоҳга ўтишимда ҳам, у блан маслаҳатлашган эдим. У, „Юрагингни дадил қилавер, удалайсан, ўзинг неча синовлардан ўтиб олдинг. Бу синовдан ҳам яхши ўтишингга ишонаман“ деб далда берган эди.

Биринчи ҳафтада, тўғриси, ишимнинг мазаси бўлмади. Кундалик топшириқни 100 процентга етказсам ҳам, ундан оширолмай юрдим. Шунча машинага кўз ўрганиб кетиши осон эмас эди. Тинимсиз гулдирос ичида ҳар минут олти дастгоҳнинг бунисидан-унисига ўтиб туришинг, олти ерда қўшалок мокиларнинг

бориб-келишига кўз-қулоқ бўлишинг, олти танданинг баравар, силлиқ тўқилиб боришини бир йўла кузатишинг керак. Ишлай-вергандан кейин дастгоҳларнинг овози қулоққа музикадай сингиб, ўрганиш бўлиб кетар экан. Ана, энг охирги дастгоҳнинг юриши бежо бўлиб қолди. Шу секундда ўша дастгоҳ тепасида пайдо бўласан: қарасанг, мокидаги найчалар бўшаб қолибди ёки машинанинг бирон детали нотекис айланабошлабди. Буни юргизиб юбораётган чоғингда нариги дастгоҳнинг ҳам ҳаракатини кўздан кечирмайсан...

Энди менга вақтнинг қадри шунақа билинадиган бўлдики... бир минутим беҳуда кетса ҳам хўб алам қилади, шуни қандай қилиб қайтариб олсам экан, деб ўйлайман. Сизлар ҳам тўқучи-сизку, менинг бу гапларимга тушинарсиз.

Тўғри эмасми, бизга ҳар лаҳза олтиндай, ўзимиз тўқийдиган асл буюмдай қиймат. Соат минутлардан туғилганидек, газламанинг тўплари ҳам сантиметрлардан юзага келади-да. Шунинг учун дастгоҳ мурувватини бураган чоғингдан бошлаб фикри-хаёлинг шунда бўлади: ҳуш'ёр бўл, чаққон қимирла, минутлар сени кетда қолдириб кетмасин...

Шу топда, ҳурматли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг ажойиб бир ше'ри ёдимга тушиб кетди. Қани, жавонимдан китобни олай. Мана, уни varaқлайман:

Ғунча очилгунча ўтган фурсатни,
Капалак умрига қиёс этгулик,
Ба'зида бир нафас олгулик муддат—
Минг юлдуз сўяшини учун етгулик.

Ярим соат ичида туғилиб, ўсиб,
Яшаб, умр кўриб ўткучилар бор;
Кўз очиб юмгунча ўтган дам—қиммат,
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Бир оянинг баҳосин ўлчамоқ учун
Олтиндан торозу, олмосдан тош оз.
Нурлар қалами-ла чопган секунднинг
Барини туюлмас айхоннос, овоз.

Машиналарнинг ҳам қадрига етиш керак. Қўлимиздаги шу ажойиб дастгоҳлар бунёдга келгунча қанча-қанча одам қимматли вақтини, ақлини сарф қилган, пешона тери тўккан. Энди улар бизнинг хизматимизга тайёр. Мен шундай деб қўйдимки, роса билиб муомила қилган одам машинадан ҳарқанча иш чиқарса бўлар экан. У, ўзига бепарво қаровчи, вақтини қадрламовчи ношуд кишиларни ёқтирмайди, бундай кишиларга буй бергиси келмайди. Тез-тез оқсаб қолиши ҳам ана шундан. Буни тушинмаган одамлар, машинам ёмон, деб нолийдилар. Шунда уларга: бекор айтибсиз, машина яхши, айб ўзингизда, дейман.

Мен энди олти дастгоҳни эплаб олган вақтимда, ҳалигидай кишилар гап қилиб қолишди. Нима дейишипти денг: „Шунча дастгоҳда ишлаб, планни ошириш осон бўптими. Шарофатни шогирд-

лари қўллаган“ эмиш. Эҳ, дўстлар, шу гап қулоғимга етганда қандай алам қилганини билсангиз эди! Бу гапнинг чиқиши ҳам бежиз эмас эди, албатта. Мен янгича ишга киришар эканман, ёнимда тамошабинлар кўпайиб қолган эди. Улар ўз сменаларидан бўш вақтда келиб ишимни кўраётган эдилар. Мен ҳам сра эринмасдан уларга қўлимдан келганча тажриба ўргатган эдим. Нима, шу ишим гуноҳ бўптими! Қайтага, шогирдларим ҳам кўп дастгоҳга ўтиб олишгандан бери мендан миннатдорку. Мен ўшанда хафа бўлиб, партия ташкилотига арз қилдим. (Комсомолдан партияга энди ўтган вақтим эди). Менинг илтимосим блан комбинатимиз раҳбарлари, мутахассислар бир неча кун цехга келиб роса ҳафсала блан ишимни кузатиб кўришди. Сўнг, ҳарқалай цех бошлигимиз мажлисда ёнимни олиб чиқди...”

Ўшанда цех бошлиғи бундай деган эди:

— Биз Шарофатни ҳозир кўриб турганимиз йўқ. Шарофат корхонамизнинг ишончли устунларидан бўлиб қолган. Ўзи ёш бўлса ҳам, катталарга ақл ўргатиш қўлидан келади. Унинг ғайратига, юрагига балли дейиш керак. Олти дастгоҳга ўтаман деб талаб қўйган вақтда, у бировнинг ташвиқотини кутиб ўтиргани йўқ. Мутахассислар ҳам ҳали шунча дастгоҳни эгаллаш мумкинми деган саволга аниқ жавоб бераолган эмас эдилар. Аммо Шарофат ўз сўзида қаттиқ туриб олди. Мана, кўриб турибмизки, унинг талаби шунчаки „хўжакўрсин“га эмас экан. Ундаги ишонч ҳарқандай шубҳалардан устун чиқди. Энди қизимизнинг қўли баланд. Унинг сафдошлари кундан-кун тагин кўпаябошлагани бунга яққол далил...

Шарофат бу сўзларни ўйлар экан, ўша мажлисда ўзига тикилб турган кўзлардан хижолат чеккандай, кулимсираб ён-верига қараб олди. Аммо хатга бу гапни ёзишни эп кўрмади. Хатининг давомини ўйлар экан, яна бир воқиа ёдига тушиб кетди. Бу — ҳаммани қизиқтирган „Стахановча сешанбалик“нинг ўтиши эди.

Бу, август кунларидан бирида бўлган эди. Кенг ёзлик клуб одамларга лиқ тўлган. Комбинатнинг неча юзлаб стахановчи эркак-аёлларидан ташқари атроф корхоналардан ҳам меҳмонлар келган эди. Ипакчилик ҳунарини янгигина эгаллаган ёш қизлар ва ўспирин йигитчалар, шоҳи-атлас тўқув блан кўзи пишган билармон кекса косиблар... Шарофатнинг давруғини эшитиб кўришга орзуманда бўлиб юрган кишилар борки, жам'и шу ерда ҳозир.

Ана тумонат одам ичидан нозиккина гавдали, ўткир кўзли, қора қош қиз жилмайган ҳолда, шахтам қадам босиб саҳнага кўтарилди. Ҳамма, тамоша бошланиши олдидан парда кўтарилиб артистларнинг пайдо бўлишини кутгандай қарсақ чалиб юборди. Халойиқнинг кўзи саҳнада. Бугун саҳна одатдагидан бошқача манзара олган. Унда тўқув дастгоҳи — ўша тўқув цехидаги эртаюкеч шовқин солиб турадиган азамат дастгоҳлардан бири ўрнатилган. Мана, Шарофат цехдагидай кўк партуғини кийган ва қизил лента блан қўнғир сочларини танғиб олган ҳолда дастгоҳ ёнига келди. Дастгоҳ гуриллаб айланиб кетди. Тўқучи қиз мо-

кига найча жойлаб чаққон-чаққон машина атрофида айланиб, тўқилаётган ялтироқ ипакларни кузатмоқда... Унинг бир қўлида узилган ипларни уловчи илгак, қайчи, иккинчи қўлида даста қоғоз... У, иш орасида қоғозга қараб-қараб олади-да, залдагиларга гап уқдиради. Меҳмонлар унинг ҳарбир сўзини илиб олиш учун нафасларини ичларига тушириб, қулоқларини саҳнага бурган ҳолда қотиб қолганлар. Шарофат даставвал ҳаяжонини босолмай пича ховлиққанини сездириб қўйган бўлса-да, кўп ўтмай ўзини тутиб олди. Агар шу тобда нотаниш бир киши кўққусдан залга кириб қолса, кенг аудитория олдида ўзини босиқ ва дадил тутиб бамайли хотир лекция ўқибётган тажрибали муаллимни кўз олдига келтирар эди...

Дастгоҳ тўхтади. Шарофат ҳам сўзини тамомлаб, тезгина пастга тушдию, четроқдаги курсига ўтириб олди. Шундан кейин тўқув фабрикасининг бош инженери Муҳамедов дастгоҳ ёнига келиб, тўқучи қизнинг ишларидан гапириб кетди. У, Шарофатнинг оддий шогирдликдан уста тўқучиликкача етиш йўлларини тасвирлар экан, гап орасида шундай бир мисолни келтирди: бир киши Шарофатдан: „Хунарни кимдан ўргандинг? деб сўраган экан, у „Икки хил одамдан ўргандим — ҳам яхши одамдан, ҳам қолоқ одамдан“ деб жавоб берипти. „Бу нима деганинг?“ деса, Шарофат! „Яхши одам менга яхши ишлашнинг фойдасини кўрсатди, қолоқ одам ёмон ишлашнинг зарарини кўрсатди“ деб тушинтирибди.

Бу гапдан залда хушчақчақ кулги гуриллаб кетди. Ҳозир одамларнинг назарида Шарофат пешқадам тўқучигина эмас, ўз сан'ати блан кишиларнинг юрагига завқ ва илҳом бағишловчи моҳир сан'аткордай кўриниб кетган эди...

III

Шарофатни Москвага чақириб қолдилар.

Цех бошлиғи унга министрдан келган телеграммани топшириб:

— Тагин пойтахтга саёҳат қиладиган бўлдингиз,— деди. — Иттифоқдаги мен-мен деган тўқучилар йиғилишар экан. Эртага жўнайсиз.

Цех бошлиғи бу хушxabардан Шарофат жуда қувониб кетар деб ўйлаган эди. Ахир неча минглаб киши ишлайдиган бутун бошли комбинат номидан Москвага вакил бўлиб бориш кимга ёқмасин!. Брок, Шарофат ортиқча парво қилмагандай қоғозни пальтосининг чўнтагига солиб қўйди-да, тўғри фабрика бош инженери кабинетига кириб кетди.

Орадан кўп ўтмай цех бошлиғи ҳам у ерга кириб борди. Бу вақт Шарофат бош инженерга худди бир нарсадан ранжигандай куйиб-пишиб гап уқдирмоқда эди.

— Мана, ўртоқ Бердиев айтсинлар, — деди цех бошлиғига қараб, — тайёрлав цехидагилар блан ҳар куни тортишамиз: тандалар нотекис, узўқлари учрайди, ба'зи ерлари чуволиб кетган

десак, қулоқ солишмайди. Ахир биз нуқул биринчи сорт берамиз деб ва'да қилиб қўйган бўлсак-ку, тагин...

— Шарофат койиганича бор, ўртоқ Муҳамедов, — деди унга қўшилишиб цех бошлиғи, — бракни йўқотиш фақат тўқучиларгагина боғлиқ эмас. Ўзингизга ма'лум, агар ўриш блан арқоқ сифатли бўлмаса, тўқучи минг уринсин, ип узилавериб иш кейинга сурилади, ҳам газламанинг сорти пасаяди.

— Тунов кун, — деб гап қўшди Шарофат, — бизнинг бригаддан Новикова диққат бўлиб менга ҳасрат қилди. Унинг бир кунлик ишидан икки-уч метри бракка ёзилиб, плани 105 процентда қолибди. Ўзи мен блан мусобақа қилиб 115 — 120 дан пастга тушмай юрган қиз. Нега ундай бўлди десам, тандасида кир жойлари бор экан. Тўқийбошлагандан сўнг билиб қолибди. Кейин тайёрлов цехидаги бир мастерга „Тандани тоза тутсанглар бўлмайми“ деса, „Кўп галва қилма, бор, ишингни тўқи“ деб уришиб берибди. Шу ҳам инсофданми! Ахир улар ҳам биз блан баъравар ва'да беришган-ку...

— Хабарим бор, ҳаммасидан хабарим бор. — Қоғозга бир нималар ёзиб жиддий тинглаб ўтирган инженер бошини кўтарди. — Ҳозирда ишимизга халақит бериб турган камчиликлар бугина эмас. Берган ва'дамизнинг ма'носига тушиниб етмаганлар ҳали бор. Ва'дамиз эса жуда катта: нуқул а'ло сифат! Александр Чутких кўнгилдагини топиб айтган. Мана бу рўйхатга қаранглар: ўнлаб бригада, юзлаб тўқучилар нуқул биринчи сорт бермоқчи. Бир томондан олганда, бу кишини қувонтиради. Одамларнинг ҳаракати, муомиласи ҳам шу кунларда анча ўзгаргандай. Кун кеча сизнинг шогирдингиз Мухиддиновнинг механик блан жанжаллашиб тургани устига бориб қолдим. Суриштирсам, механик дастгоҳни тузатиб туриб, озмоз бензинни тўкиб юборибди. Унга Мухиддинова: „Қанақа бесўнақай йигитсан, эпақанг борми“ дейди. Механик бўлса: „Нима қилибман, кийимингга теккани йўқ-ку“ деб қолди. Мухиддиновнинг яна ҳам жаҳли қистаб: „Кийимимга тегса сатқайи-сар, лекин ипагимга теккудай бўлса худди сени судга берардим“ деб роса болади. Лекин ҳамма тўқучиларимиз ҳам шунақа деб айтиб бўладими?

— Йўқ, — деди Шарофат, — ҳали ўз ишига бепарво қарайдиганлар бор. Бунақаларнинг танабини тортиб қўйилмаса бўлмайди. Аммо ба'зи вақтларда мастерлардан ҳам айб утади. Мана битта кичкина мисол. Бугун эрталаб бир тўқучи кечикиброқ келиб қўлини ювмасданоқ ишга уннаб кетди. Мастерга айтсам, „Бу менинг вазифам эмас“ деди. Кир қўл блан ипакни ушлаб, шохининг сифати бузилса, ўшанда ҳам мастер „Менинг вазифам эмас“ деб бир чеккада тураверадими!

— Ана! — деди инженер цех бошлиғига қараб, — ҳали сиз тайёрлав цехидагилардан гина қилдингиз. Агар суриштирилса, бунақа камчиликлар ўзингизда ҳам топилади. Шу икки-чакирлар ишга аллақанча ҳалал бераётир. Биз нуқул қўшнилариинг айбини кўришга ўрганиб қолмайлик. Аввал атрофимизга яхши бир

зиҳн солинг. Нима учун пехда бир қанча тўқучилар бракни йўқота-оладию, бошқаларда ҳали ҳам брак учрайди? Еки ёнма-ён турган дастгоҳлардан биттаси текис ишлайди - ю, иккинчиси хаёл ўтмай тўхтайверади?.. Шуларнинг сабаби чучуқуроқ текшириб кўрингчи...

Цех бошлиғи қўшнилardan яна бир қанча шикоят қилмоқчи эди, шу гап блан тилига калтак келиб индамай қўяқолди.

— Кечқурунги мажлисда шуларнинг ҳаммасини ўртага қўямиз... Сиз докладга тайёрмисиз?

Цех бошлиғи тайёр эканлигини билдириб, чиқиб кетди.

— Хўш, Шарофатхон, сафарга тайёрмисиз? — деди инженер алланималарни хаёл суриб ўтирган Шарофатга, — асли сиз ҳам бугун мажлисга қатнашсангиз бўларди. Бугун қирқ тўққизинчи йилнинг биринчи ой иш якунини тўплаймиз.

— Албатта қатнашаман. Ҳамма нарсани билиб олишим керак. Москвага борганимда сўраб қолишади. Тўқучиларимиз номидан уларга рапорт топшираман.

— У ерда Александр Чуткихни кўрасиз. Унга шундай деб айтинг: бизнинг Марғилон ипакчилари сиздан миннатдор. Сизнинг чақириғингиз биздагиларга жуда ма'қул тушди. Корхонамизда ўзгариш катта. Одамлар кўп ҳам соз буюм чиқариш пайига тушган. Мусобақа авжида. Ҳозир энди бизда газламанинг сифатини бузган киши қаттиқ уятга қолади. Корхонамизнинг ша'нига доғ туширмаймиз. Биз тўқиган буюмни кимки қўлга олса, „ҳунарингга қойилман, марғилончилар“ деб айтсин...

Эртаси кун эрталаб Шарофат узоқ сафарга отланиб чиқди.

Ғарчиллама амиркон этик, янги духоба пальто кийган, кулранг тивит рўмол ураган қиз, худди смена бошланган пайтда цехга кириб бораркан, у ерда қий-чув яна авжга минди. Дастгоҳлар тепасида парвона бўлган хотинлар, қизлар чекка-чеккадан унга чинқиришарди.

— Хайр, Шарофат қизим! Яхши боринг, Шарофатхон! Соғ бўлинг, опажон!.. Москвали дўстларимизга салом айтинг! Александр Чуткихга салом! Мария Волковага салом!..

Шарофатхон эгачилари, дугоналари блан қўл силкишиб хайрлашди-да, ўз дастгоҳлари ёнига келди. Анна бир кўзи машиналарда югираркан, бир кўзи дўстида эди.

— Хайр дўстим! — Шарофат унинг елкасига қоқди. — Менинг йўқлигимни билдирма; Дастгоҳларга яхши қара!

— Хайр, ой бориб омон қайт! — Аннанинг меҳр тўла кўзида табассум акс өтди. — Аввалги боришингга олти дастгоҳни бошлаб келган эдинг. Энди бизга қанлай янгилик олиб келасан?

— Қўявер, бу сафар саккиз дастгоҳни эгаллаб келаман!

Шарофат қўл силкиганича чиқиб борар экан, ҳар қадамда орқасига ўгирилиб ўз дастгоҳларига термулиб қўярди. Соат механизмидай, текис юриб турган гумбир машиналар унинг кўзига ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ кўриниб кетган эди. У эшикдан ташқарига қадам қўйганда, яна улкан цех бўйлаб гулдир-гулдир

ичидан қизларнинг кўнғироқдай жаранглаган овози бемалол қулоғига келиб етди.

— Александр Чуткихга салом айтинг!.

* * *

Биз Марғилон сафаридан қайтар эканмиз, бутун фикр-ҳисларимизни ажиб та'ассуротлар чулғаб олган эди. Олтин пиллалардан асл, нозик газворлар ҳосил қилаётган улкан корхонанинг жўшқин ҳаёти ранг-баранг жилва берган ҳолда кўз олдимизда гавдаланиб турарди. Ҳаммадан ҳам бизни мафтун этган нарса — одамлар, улардаги туганмас ғайрат — шижоат, булоқдай қайнаб ётган ижодий куч, интилиш эди.

— Очиғини айтсам, — деди дўстим, — шу чоққача ўз касбияга бунча ихлос қўйган, дастгоҳига бунчалик берилган кишилардан четда юрганимга афсусланаман. „Стахановчи“ ва „мусобақа“ деган сўзлар кўпдан таниш бўлса ҳам, аммо чин ма'носига энди тушиниб етдим десам бўлади.

Ипакчилик комбинатида шунақа чевар — лочин қизлар етишибдики, Шарофат тўғрисида ёзганда уларни қўшиб тилга олмасдан бўлмайди: Масалан, Шарофатнинг сменадоши Анна Городкова, Фахриддинова, Золотова, Ахтиёрова, Новикова, Валиуллина, Захарова, Шарофатнинг шогирдларидан Соттихон Мухиддинова, Ўлмасхон, Ёқубова... Эҳе... буларнинг саногига етиб бўлмайди! Улуғ бешйилликнинг азаматлари ана шулар бўлади. Шарофат ҳозирда 8-нчи йил плавни ҳисобидан ишлаётган бўлса, шериклари у блан кетма-кет бориб олтинчи-еттинчи йилга маҳсулот беришаётир.

Биз ҳурматли ўқучиларни фақат тўқув фабрикасининг ба'зи пешқадамлари блан таништирдик. Комбинатнинг бошқа фабрикаларига кирсангиз, уларда ҳам бунақа шаввозлар кўп! Биз агар ана шу танти, фидокор кишиларнинг ҳаммасини зўр пойганинг чавандозлари деб фараз қилсак, Шарофат Қодирова улар орасида энг чапдастия. Ҳа, у ҳар вақт пойганинг бошида боради...

А. РАҲМАТ

БИЗНИНГ ҚИШЛОҚ ВА КОЛХОЗ

(Пионер Ботирбеклар оиласи ҳақида қисса)

Бизнинг қишлоқ ва колхоз,
Мен туғилиб ўсган жой,
Бу жойларда илгари
Бўлган экан тўқай-сой.

Ҳозир эса бу қишлоқ
Қолишмайди шаҳардан,
Шаҳар каби бу ерда
Ҳаёт қайнар саҳардан.

Оплоқ уйлар қурилган,
Тунлари ҳам кундуздек,
Электрик чироғлар
Чақнаб ётар кундуздек.

Қатор-қатор тераклар
Соя ташлаб ётади,
Қишлоқдан кўз узмайин
Қуёш ғарбга ботади.

Қишда кетмас бу ердан
Ёзда келган қушчалар,
Қушлар бизнинг дўстимиз
Завқланамиз учсалар.

Турли-туман мевалар
Пишиб ётар бу боғда.
Қушчаларнинг уйнаши
Қандай яхши буюғда.

Тоғдан эсар майин ел,
Яшнар колхоз Гул боғи,
Балиқ тутган болага
Тўла дар'ё қирғоғи.

Қандай завқли далада
Тракторлар на'раси,
Гала-гала поданинг,
Қузиларнинг ма'раши.

Колхозимиз ерларин
Канал суви суғорар,
Канал сувин ичкан ер
Ташва бўлмас муқаррар.

Бизнинг колхоз жуда бой,
Миллионер деб аталар.
Қучоғида яйрайди
Ёш болалар, оталар.

Пахтазори кенг унинг,
Адрларда буғдойи.
Яйловларда сиғмайди
Сигир, қўй ҳам тойи.

Олти омбор тўла дон,
Етти машин саройда,
Даромадга даромад
Қўшилади ҳар ойда.

Полизига сиғмайди
Қовун, тарвуз, ҳандалак,
Эрта ёздан кузгача
Қуримайди кўк палак.

Нок, нашвати, анорлар
Омборларда лиқ тўла.
Қирқма қовун узумга
Алоҳида ертўла.

Ҳар гектардан қирқ центнер
Пахта берди ўтган йил,
Бу йил эллик беришга
Бириктирди ҳамма тил.

Узоқлардан кўринар
Колхозимиз мактаби,
Болалари а'лочи,
Кетган унинг мақтави.

МЕНИНГ ОТАМ

Менинг отам колхозда
Звенонинг бошлиғи,
Пахта тилин ўрганиб
Ўтган унинг ёшлиғи.

Канал қазиш вақтида
Чиққан унинг шуҳрати.
Газетада босилган
Пахта терган сурати.

Қўшни колхоз ёшлари
Савол бериб ёзар хат,
Экиш, ҳайдаш чопиқдан
У беради маслаҳат.

Мен ҳам билиб олганман
Пахтачилик ҳунарин,
Етказса ким мўл ҳосил,—
Кўп даромад унарин.

Звенода беш киши
Олти гектар ерлари,
Бяласизми бу ерта
Оқар қанча терлари?

Бўлуқ бўлар уларнинг
Меҳнатидан қуруқ ер,

Ўтган йили гектардан
Олди тўқсон центнер.

Шунинг учун отамга
Олтин юлдуз бердилар,
Социалистик Меҳнатнинг —
Қаҳрамони дейдилар.

Пахтамиздан чит бўлар
Читдан турли кийимлар,
Ёғу, совун, кунжара,
Яна турли букумлар.

Пахтамиздан баҳраманд
Барча совет халқимиз,
Пахтамиз-ла мақтансак,
Мағрурлансак, ҳақлимиз.

ОНАМ

Мен ўқийман мактабда,
Отам ишлар колхозда,
Онам ҳар йил қурт боқар,
Ишламаган йўқ бизда.

Онам боққан қуртлардан
Бўлар муштдек пиллалар,
Пиллаларки оқ-сарик,
Десак арзир тиллалар.

Шоҳи кўйлак, хон атлас,
Ҳилпилловчи байроқлар,
Бўйнимдаги галстук
Шу пилладан, ўртоқлар.

Барг қирқкани далага
Эрта туриб кетаман,
Мактабга ҳам кеч қолмай,
Ўз вақтида етаман.

Колхозимиз ҳар йили
Пахта каби пиллани,
Икки ҳисса ошириб
Бажаради планни.

Онам олган бир орден
Номи „Ҳурмат белгиси“,
Қуртларининг ёнидан
Келмайди ҳеч кетгиси.

Онам шундай ишчанки,
Билмайди тек туришни,
Ёмон кўрар кеккайиб
Ишламасдан юришни.

Отам-онам бақувват,
Колхозимиз жон-тани,
Бизни, дейди, ёш қилган
Улуғ Совет ватани;

Бизга, дейди, бу бахтни
Улуғ Сталин берган.
Эсиз ота-бобомиз
Меҳнат қилиб не кўрган?

Сталиннинг номини
Тилларидан қўймайди,
Уй тўрида сурати,
Қараб сра тўймайди.

А К А М

Менинг исмиам Ботирбек
Шу йил кирдим тўққизга,
Катта акам киради
Бу йил роса ўттизга.

Унинг исми Каримжон,
Колхозда у, темирчи,
Пахта терим вақтида
Жуда уста теримчи.

Колхоздаги асбоблар
Бир бор ўтар қулидан,
Темирчилик кўринар
Колхозимиз йулидан.

У пешлаган кетмонлар
Ялтирайди қуёшда,
Ерга урса гурсиллар
Бети қайтмас ҳам тошда.

Тиғи ўткир қиличдек
Қилиб ташлар ўроқни,
Бу ўроқлар тегмаган
Кўрмайсиз ҳеч ўтлоқни

Биронта винт йуқолса,
Тайёр қилар бир пасда.
Ҳатто қилар ёғочдан
Кетмонлар учун даста.

Улуғ ватан жангида
Берлинга қадар борган,
Оғир жанглар акамни
Пулат қилиб юборган.

Кўкрагида ялтирар
Тўртта орден, уч медаль,
Ҳар қайсисини сўзлайди
Шошилмайин галма-гал.

Акам бизга ҳикоя
Қилиб берар урушдан:
Кечалари ухламай
Жанговар йўл юришдан.

Жангчилар-ла урра деб
Атакага кирганин,
Немис-фашист ёвларни
Аямайин қирганин.

Акам кетган чоғида
Отам ёзди унга хат,
Ҳар хатида ёзарди
Ботир бўлгин деб фақат.

Акам сўнгги хатини
Ёзди Берлин томондан,
Уруш тамом бўлди, деб,
Сўзлаганда қўмондон.

Москвада бошланди
Ғолибларнинг паради,
Улуғ доҳи Сталин
Акамни ҳам чорлади.

Ғолибларга салом, деб
Доҳи қўлин кўтарди,
Қизил майдонга тўлиб,
Қаҳрамонлар ўтарди.

Мана ҳозир колхознинг
Темирчиси; устаси,
Пешлаганда кетмоннинг
Писанд эмас юзтаси.

Кичик опам кўп чаққон
Исми унинг Санобар,
Пахта терса у блан
Ҳечким бўлмас баробар.

Икки қўллаб теришни
Қойил қилар у жуда.
Санобардек теришин
Ўрганибди Мавжуда.

Қўл узатса чаноққа
Битта қолмас пахталар,
У билади кўп терса
Ҳамма ерда мақталар.

Ва'да берган яқинда
Ўн минг кило теришга,
Санобарнинг ҳақи бор
Кўкрагини керишга.

Опам олди бир сизир
Мукофотга колхоздан,
Кам деганда у терди
Ҳар кунига уч юздан.

Бир мавсумда терибди
Ўн икки минг килони,
Беш ҳиссадан ошибди
Унинг терим плани.

Опам терган пахтадан
Анча буюм бўларкан,
Фақат читнинг ўзига
Бир магазин тўларкан.

Кимга керак бўлса у
Кўрсин Ҳурмат тахтасин,
Газетгами, журналга
Сўнгра ёзиб мақтасин.

Овланинг кичиги
Эркатойи мен ўзим,
Ҳаммасига ёқади
Менинг айтган ҳар сўзим.

Чунки мен ҳеч уларнинг
Қайтармайман сўзларин,
Айтган ишин қиламан
Маҳтал қилмай кўзларив.

„Бормайман“ ҳам „қилмайман“
Деган одат менда йўқ,
Шунинг учун уларнинг
Мендан кўнгли жуда тўқ.

Табелимга ёзилган
Ҳамма фандан беш боҳо,
ЕТТИ йиллик мактабни
Тугаллайман мен а'ло.

Қатор-қатор уйларнинг
Биринчиси бизники,
Меҳмон бўлиб келсангиз,
Уйнинг тўри сизвики.

Ёз ойлари келингиз
Каникулга чиққанда,
Колхозчилар полиздан
Ҳандалаклар йиққанда.

Биргалашиб чиқамиз
Далаларга, тоғларга,
Узум, анжир, анорлар
Пишиб ётган боғларга.

Тугаллайман шу блан
Бизнинг колхоз ва қишлоқ,
Оиламиз қиссасин.
Мамлакатга кўп пахта
Бериш учун ҳамма ҳам
Қўшсин бунга ҳиссасин.

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ

НАВОИЙ ТЕАТРИ

Бу бинони ким қурган,
Кўк блан улаштириб,
Қоматин заб ўхшатган,
Устаси келиштириб?
Кўриниши кўзингга
Ташланар қорли тоғдек.
Ойналари ялтирар,
Тяниқ чашма булоқдек.
Навоий театри,
Бу бино билиб қўйинг.
Бунда яйраб кўрамиз
Кунда тамоша, ўйин.

Бу бинонинг плани,
Москвадан олинган.
Сталин фарзандлари
Учун атаб солинган.
Бу бинони қуручи
Усталари номдор.
Бунга ҳамма қатнашган,
Колхозчи, ишчи — донгдор.
Кўзим жимираб кетди
Сан'атига қарасам.
Дейдилар „Уста Ширин“, —
Наққошини сўрасам.

ҚУДРАТ ҲИКМАТ

ЯША, УЛУҒ МОСКВАМ!

Ватанимнинг юраги
Тоғдай юксак кўкраги.
Барча халқнинг тилаги:
Яша, улуғ Москвам!

Сўнмас ижод макони,
Нурдек порлоқ бахт кони.

Кўркам ери жаҳоннинг—
Яша, улуғ Москвам!

Сендан олам баҳраманд,
Фарзандларинг қаҳрамон.
Донғи кетган ҳар тамон,
Яша, улуғ Москвам!

ОНА ОРЗУСИ

Она эрталаб,
Ўғлин эркалаб,
Дер: янги олам
Бизники, болам.
Тезроқ катта бўл!
Аканг комсомол,

Улғайди ишда,
Зўр қурилишда.
Инженер Ҳамдам
Сингари сен ҳам
Ўқиб, астойдил
Халққа хизмат қил!

ЛАГЕРЬНИНГ ГАШТИ

Биз лагерьнинг қучоғида
Зерикмаймиз ёз чоғида.
Ҳавоси соф, суви сероб,
Майдончаси ўйнашга боб.
Оркестрнинг шўх куйлари,
Қувноқ қўшиқ тўлқинлари

Тарқалар тонг палласида,
Лагеримиз даласида.
Ўртоқларим хурсанд бўлиб,
Роҳатланиб, завққа тўлиб,
Бир чеккадан тушар ўйин,
Кўрганмисиз лагерь тўйин?

МАННОН ҒАНИ

КАПАЛАК

Кичкина бир капалак
Боғни кезиб юрарди,
Гоҳи қўниб гулларга
Шарбатини сўрарди.

Гул барглари унга дўст,
Қўниб турар эрта-кеч,
Боғдан кетгуси келмас
Жажжи капалакча ҳеч.

Каримчанинг қўлига
Қўнган эди капалак,
Уни ушлаб олди-ю,
Мижиқлаб қилди ҳалак.

Гуллар очилмай қўйди
Каримнинг қилмишидан,

Опасига мақтанди
Билмайин ўз ишидан.

Шунда опа Каримга
Икки оғиз сўз деди,
Қилмишидан Каримча
Анча пушаймон еди:

— Гуллар учун, билсанг
Албатта булар керак,
Боғдан асло ҳайдама,
Гулингга дўст капалак.

Капалакка тегмасга
Аҳд қилди у ўзига,
Гарчи кичик бўлса ҳам
Эга бўлди сўзига.

В. И. ЛЕНИН

ВЕЛИКОРОССЛАРНИНГ МИЛЛИИ ИФТИХОРИ ҲАҚИДА

Ҳозир миллят тўғрисида, ватан тўғрисида жуда кўп гапирмоқдалар, баҳслашмоқдалар, бақирмоқдалар! Англиянинг либерал ва радикал министрлари, Франциянинг беҳисоб „илғор“ публицистлари (реакция публицистларининг фикрларига батамом қўшилган ҳолда) Россиядаги минглаб расмий, кадет ва тараққийпарвар (ҳатто ба'зибир народник ва „марксистик“) сотқин ёзувчилар—буларнинг ҳаммаси „ватаннинг“ озодлиги ва мустақиллигини, миллий мустақиллик принципининг улуғворлигини минг оҳангга солиб мадҳ қилмоқдалар. Буларнинг қайси бири жаллод Николай Романовнинг ёки негрларни ва Ҳиндистон аҳолисини азоб-уқубатга солувчиларнинг сотқин маддоҳлари эканлигини, қайси бири ўзининг бефаҳмлиги ёки лақмалиги блан „оқимга қараб“ оқиб боручи оддий мешчан эканлигини вайқаб бўлмайди. Зотан буни пайқашнинг ҳожати ҳам йўқ. Биз бунинг жуда кенг ва жуда чуқур ғоявий оқим эканлигини кўриб турибмиз, бу ғоявий оқимнинг томирлари ҳукмрон миллатларнинг жаноб помещиклари ва капиталистлари манфаатлари блан жуда мустаҳкам боғланган. Шу синфларга манфаатли ғояларни тарғиб қилиш учун йилига ўн ва юз миллионлаб пул сарф қилинмоқда: бу ҳазилакам тегирмон эмас, бу тегирмонга ашадди шовинист Меньшиковдан тортиб оппортунизм соҳасидаги ёки лақмалик соҳасидаги шовинистларгача, Плехановлар ва Масловлар, Рубанович ва Смирновлар, Кропоткин ва Бурцевларгача, ҳамма жойдан сув келиб турибди.

Энди биз, великорус социал-демократлари ҳам, бу ғоявий оқимга бўлган ўз муносабатимизни аниқлаб кўрайлик. Биз Европанинг энг шарқидаги ва Осиёнинг каттагина қисмидаги давлатда ҳукмронлик қилучи миллатнинг вакилларимиз; шунинг учун ҳам айниқса „халқлар учун зиндон“ деб тўғри ном берилган мамлакатда;— Европа ва Осиёнинг узоқ шарқида капитализм бирқанча „янги“, катта ва кичик миллатларни ҳаётга тортаётган ва онгни кўзгатаётган бир вақтда; чор монархияси бир қанча миллий

масалаларни бирлашган дворянлар кенгашининг ва Гучков блан Крестовниковлар, Долгоруковлар, Кутлерлар, Родичевларнинг манфаатларига мувофиқ „бартараф қилиш“ учун миллионлаб великорусларни ва „ғайри миллатларни“ қурол остига тўплаётган бир пайтда, — ана шундай бир маҳалда миллий масаланинг жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини унутиб қўйиш бизга ярашмайди.

Хўш, бизда, великорус онгли пролетарларида миллий ифтихор ҳисси йўқми? Албатта, бор! Биз ўз тилимизни ва ўз ватанимизни севамиз, биз *ватанимизнинг* меҳнаткашлар оммасини (я'ни *ундаги* аҳолининг 9/10 ини) демократлар ва социалистлардек онгли ҳаёт кечириш даражасига кўтариш учун ҳаммадан кўпроқ ишламоқдамиз. Чор жаллодлари, дворянлар ва капиталистлар гўзал ватанимизга қандай зулмлар қилаётганларини, азоблар бераётганларини ва таҳқир этаётганларияни кўриб ва сезиб ҳаммадан ҳам ортиқроқ азобланамиз. Бу зулмлар бизнинг муҳитимизда, великоруслар муҳитида қаршиликка учраётганлиги, бу муҳит Радвищевни, декабристларни, 70-нчи йиллардаги революционер-разночинецларни етиштирганини, великорус ишчилар синфи 1905-нчи йилда омманинг кучли инқилобий партиясини вужудга келтирганини, великорус деҳқони айни вақтда демократ бўла бошлаганини, поп ва помешчикни ағдара бошлаганини кўриб фахрланамиз.

Ярим аср бундан аввал великорус демократи Чернишевский ўз ҳаётини революция ишига бағишлаб: „Бечора миллат, қуллар миллати, юқоридан тортиб пастгача, — ҳаммаси қул“, деб айтган гаплари бизнинг эсимизда. Қуллик қон-қонига сингиб кетган ва ошкора қул бўлган великоруслар (чор монархиясига қул бўлганлар) бу сўзларни эсга олгилари келмайди. Аммо, бизнинг фикримизча, бу сўзлар ватанга чинакам муҳаббатни ифодаловчи, великорус аҳолиси оммасида инқилобийлик йўқлиги сабабли шундай инқилобийликни қумсовчи муҳаббат сўзлари эди. Бундай инқилобийлик ўша вақтда йўқ эди. Ҳозир бу инқилобийлик оз, лекин ҳарҳолда бор. Бизда миллий ифтихор туйғулари тўлиб ётибди, чунки великорус миллати ҳам инқилобий синиф яратди, у ҳам улуг қирғинлар, қатор-қатор дорлар, зиндонлар, катта-катта очарчиликлар ва поплар, подшолар, помешчиклар ҳамда капиталистлар олдида ниҳоят даражада қул бўлиб бўйин эгишларнигина эмас, балки озодлик ва социализм учун курашнинг буюк намуналарини ҳам инсониятга беришга қодир эканлигини исбот қилди.

Бизда миллий ифтихор туйғулари тўлиб ётибди, худди шунинг учун ҳам биз *ўзимизнинг* ўтмишдаги (дворян помешчиклар Венгрия, Польша, Эрон, Хитой озодлигини бўғиш учун деҳқонларни урушга олиб борган вақтдаги) қуллигимиздан ва капиталистларнинг ёрдами блан ўша помешчиклар бизни Польша ҳамда Украинани бўғиш учун, Эрон ва Хитойдаги демократик ҳаракатни бостириш учун, бизнинг великорус миллий фазилатимизга иснод келтиручи Романовлар, Бобринскийлар, Пуришкевичлар шайка-

сини кучайтириш учун бизни урушга олиб бораётган ҳозирги вақтдаги қуллигимиздан айниқса нафратланамиз. Ҳечким қул бўлиб туғилгани учун айбдор эмас: лекин ўзини озод қилишга интиламлик уёқда турсин, ҳатто ўзининг қуллигини оқловчи ва махтовчи қул (масалан, Польша, Украина ва ҳоказоларни бўғишни великоросслар „ватанини ҳимоя қилиш“ деб атовчи қул),— мана шундай қул кишини ҳақиқатан ҳам газаблантирадиган, нафратлантирадиган ва жиркантирадиган малай ва аблаҳдир.

XIX аср изчил демократиясининг энг буюк намояндалари, инқилобий пролетариатнинг устозлари бўлиб қолган Маркс ва Энгельс: „Ўзга халқларни эзучи халқ озод бўлолмайди“ деган эдилар. Биз, миллий ифтихор ҳисларига тўла бўлган великорус ишчилари, шунинг учун ҳам Великороссиянинг мутлақо озод ва мустақил, истиқлолиятли, демократик, республика, мағрур бўлашини истаймиз; у ўзининг қўшниларига бўлган муносабатларини улуғ миллатни камситучи имтиёзлардан иборат крепостнойлик принципига эмас, балки одамларнинг тенглиги принципига асосланган бўлиши керак. Худди шуни истаганлигимиз учун ҳам биз бундай деймиз: XX асрда, Европада (гарчи Европанинг Узоқ шарқида бўлса ҳам) ўз ватанимиздаги монархияга, помещчикларга ва капиталистларга қарши, я’ни ватанимизнинг энг ёмон душманларига қарши, барча инқилобий воситалар блан курашмасдан туриб „ватанини ҳимоя“ қилиб бўлмайди;—Великоросслар ҳарқандай урушда чоризмнинг мағлубиятини истамасдан туриб „ватанини ҳимоя қилишлари“ мумкин эмас, чоризмнинг мағлубияти эса Великороссиядаги аҳолининг ўндан тўққизи учун бўладиган муносибатнинг энг кичигидир. Чунки чоризм аҳолининг ана шу ўндан тўққизини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эзиб ётиш блан кифояланмай, уни бошқа халқларни эзишга ўргатиб, ўзининг шармандагарчилигини мунофиқона гаплар, гўё ватанпарварлик гаплари блан пардалашга ўргатиб йўлдан урмоқда, камситмоқда, шарманда қилмоқда, расво қилмоқда.

Бизга, эҳтимол, чоризмдан ташқари ва унинг қаноти остида внди бошқа тарихий куч, я’ни Великорус капитализми пайдо бўлди ва мустақамланди, у жуда катта областларни иқтисодий жиҳатдан марказлаштириб ва бириктириб прогрессив иш қилмоқда, деб э’тироз қилурлар. Аммо бундай э’тироз (Маркс лассалчиларни қирол-пруссия социалистлари деб атагани каби) чор пуришкевич социалистлари деб аталишга сазовор бўлган социал-шовинистларимизни оқламайди, балки янада кучлироқ қоралайди. Ҳатто тарих масалани юзлаб кичик миллатлар қаршисига, великорус улуғ давлат капитализми фойдасига ҳал қилади деб фараз этайлик. Бу мумкин бўлмаган нарса эмас, чунки капиталнинг бутун тарихи эзish ва талаш, қон тўкиш ва ифлослик қилиш тарихидир. Биз ҳам нуқул кичик миллатлар бўлсин деган фикрга асло тарафдор эмасмиз; биз, шубҳасиз, бошқа шароитларнинг ҳаммаси бир хил бўлиши шарти блан марказлашиш тарафдоримиз ва мешчанларча федератив муносабатлар идеалига қаршимиз. Брок, ҳатто шу ҳолда ҳам Украинани ва ҳоказоларни бўғишда Романов-Бобринский-Пу-

ришкевичга ёрдам бериш аввало бизнинг ишимиз эмас, демократларнинг иши эмас (социалистларнинг-ку сра ҳам иши эмас). Бисмарк ўзича, юнкерларча, прогрессив тарихий иш қилди, лекин шу асосда Бисмаркка социалистик ёрдам беришни оқламоқчи бўлган марксист жуда яхши „марксист“ бўлур эди! Шунинг ҳам эʼтиборга олиш керакки, Бисмарк бошқа халқлар эзиб ётган тарқоқ немисларни бирлаштириб, уларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига ёрдам берган эди. Великобританиянинг иқтисодий жиҳатдан яшнаши ва тез ривожланиши эса мамлакатни великороссларнинг бошқа халқларга қилаётган зулмидан қутқаришни талаб этади — бу тафовутни асл руслардан чиққан ва Бисмаркка ўхшаб қолаётган кишиларнинг мухлислари унутиб қўймоқдалар.

Иккинчидан, мабодо тарих масалани великорус улуғ давлат капитализми фойдасига ҳал қиладиган бўлса, бунинг натижасида, капитализм тугдирадиган коммунистик революцияни ҳаракатга келтиручи асосий куч бўлмиш великорус пролетариатининг *социалистик* роли ҳам улуғ бўлади. Пролетариат революцияси учун эса ишчиларни *тула* миллий тенглик ва қардошлик руҳида узоқ тарбиялаш зарур. Бинобарин, оммани великоруслар эзиб келган ҳамма миллатларнинг тула тенглик ҳуқуқини ва ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқини энг кескин суратда, сабот блан, дидиллик блан, инқилобий тарзда ҳимоя қилиш руҳида узоқ вақт тарбиялаш зарур, — буни худди великорус пролетариатининг манфаатлари тақозо этади. Великорусларнинг (қулларча тушинилмаган) миллий ифтихори манфаати великорус (ва бошқа ҳамма) пролетарларнинг *социалистик* манфаатига мос келади. Биз учун Маркс ибрат бўлиб қолади, чунки у Англияда ўн йиллаб яшаб, ярим инглиз бўлиб қолгани ҳолда, инглиз ишчиларининг социалистик ҳаракати манфаатларини кўзлаб, Ирландияга озодлик ва миллий мустақиллик беришни талаб қилган эди.

Аммо бизнинг хонаки социалистик шовинистларимиз, Плеханов ва бошқа ва бошқалар, биз муҳокама қилиб ўтган ва фараз қилган кейинги ҳолда фақат ўз ватанларига, озод ва демократик Великобританиягагина эмас, ҳатто Россиядаги ҳамма халқларнинг пролетар қардошлигига, яʼни социализм ишига хиёнат қилган кишилар бўлиб чиқадилар.

„Великороссларнинг миллий ифтихори ҳақида“, 1914, т. XVIII, бет 80 — 83.

С. АЗИМОВ, С. ҚОСИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИНИ ВА ЎТМИШ МАДАНИЯТИНИ СОХТАЛАШТИРИШГА ҚАРШИ

(ЎзССР Фанлар Академияси Ижтимоий фанлар бўлимининг
апрель кенгашига обзор)

Марксизм-ленинизм асосларига таянган совет фани дун'ёдаги энг илғор, энг ғоявий ва энг жанговар фандир. Шунинг учун фақат совет фанигина халқлар тарихи ва уларнинг ўтмиш маданиятини ёритишда ҳам жуда катта принципиал муваффақиятларга эришди.

Совет ижтимоий фани қўлга киритган муҳим ютуқлардан бири шундан иборатки, у, марксизмнинг софлиги учун курашиб, ҳар-бир халқнинг ўз тарихи ва ўзига хос маданияти борлигини Маркс, Энгельс, Ленин ва Сталин кўрсатмалари асосида исботлади ва ирқий назарияга асосланган буржуа „фани“нинг қарашларига қақшатғич зарба берди.

Чунончи, Ўрта Осиё ва шу жумладан, Ўзбекистон халқларининг жуда қадимий, бой ва оригинал маданияти бўлганлигини фақат совет фанигина э'тироф этди ва буни беҳисоб фактик материаллар воситасида илмий равишда асослади. Лекин ҳали ҳам айрим илмий асарларда совет фанига бутунлай ёт бўлган „назария“лар та'сири учрайди. Хусусан ҳозирги вақтда, — дун'ё бўйлаб демократик ва империалистик лагерлар ўртасида кураш кескинлашган шароитда, фанимиздаги бундай айрим ёт та'сирлар фақат душман фойдасигагина хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам совет фанининг муқаддас вазифаларидан бири ба'зи илмий асарларимизда ғайрипатриотик космополитик „назария“лар та'сирининг пайдо бўлишига қарши кескин ўт очиш блан қишиларимизни ва бутун халқни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Фанлар Академияси Ижтимоий фанлар бўлимининг шу йил апрель ойида ўтказилган кенгашида Ўзбекистон халқлари тарихи ва ўтмиш мада-

ниятини ёритишдаги ёт та'сирларга қарши кураш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгашда Москва, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон илмий муассасаларининг вакиллари, ҳамда Ўзбекистон илмий ташкилотларининг ва олий ўқув юртларининг илмий ходимлари, кенг жамоатчилик қатнашди. Бу кенгаш Ўзбекистон халқлари тарихи ва кечмиш маданиятига оид асарларда муҳим ютуқлар блан бир қаторда анчагина жиддий хатолар мавжудлигини кўрсатиб берди. У шарқ халқлари тарихини бузиб кўрсатучи, Ўзбекистон ва Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос тарихи, адабиёти, фольклори ва сан'ати мавжудлигини инкор қилучи беватан космополитлар — пантуркист, панисломист ва панэронистларнинг хуружларини охиригача фoш қилиш ва марксизм-ленинизм та'лимотининг софлиги учун кураш шиори остида ўтди.

Кенгашни Ўзбекистон Фанлар Академияси Ижтимоий фанлар бўлимининг бошлиғи, ЎзССР Фанлар Академиясининг ҳақиқий а'зоси, ёзучи Ойбек очди.

„Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданиятини ўрганишда, — деди ўртоқ Ойбек ўзининг кирвш сўзида, — Маркс—Энгельс, Ленин—Сталиннинг қудратли та'лимотига мустаҳкам таяниб, фанмизни ривожлантириш учун асарларимизга партиявий руҳни янада чуқурроқ сингдиришимиз ва улуг сталинча дарвимизга муносиб асарлар яратишимиз зарур“.

Кенгашда фалсафа фанлари доктори В. Зоҳидов „Ўзбекистон халқлари тарихи ва ўтмиш маданиятини марксча-ленинча ёритиш учун кураш“ деган мавзуда доклад қилди.

Ўртоқ В. Зоҳидов ўз докладида марксизм-ленинизм та'лимотининг халқлар тарихи ва маданиятини ўрганишда қўлланма бўлиши зарурлигини уқдириб, шундай деди:

„Энг революцион ва бирдан-бир илмий дун'ёга қараш бўлган марксизм-ленинизм барча халқлар ва барча миллат меҳнаткашларининг манфаатларини изчил равишда ифода этади ва ёқлайди. Марксизм-ленинизм халқларнинг тенгсизлиги ҳақидаги, миллий, ирқий айирмалар, бир миллатнинг иккинчи миллатдан устунлиги ҳақидаги ҳарқандай уйдирмаларни қат'иян рад этади, бир халқнинг фазилатлари ва қобилиятларини ерга уриш ҳисобига иккинчи бир халқни юқори кўтаришга бўлган ҳарқандай уринишларни қаттиқ қоралайди. Марксизм-ленинизм турли халқларнинг экономикаси ва маданияти тараққиётининг даражаси турлича эканлигини бу халқларнинг биологик, ирқий тафавутлари блан эмас, балки киши онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшовчи, онгни, кишиларнинг фикр қилиш йўсуни ва турмушини, жамиятнинг бутун қиёфасини белгилайдиган ишлабчиқариш кучларининг тарихий таркиб топган даражаси, моддий ҳаёт шароитлари блан боғлиқ равишда тушунтиради. Марксизм-ленинизм ҳарбир халқнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини ана шу бирдан-бир тўғри ва илмий қондага асослаиб текширади“.

Ўртоқ В. Зоҳидов ҳарқандай „синфий жамиятда ягона умумий маданият бўлиши мумкин эмас“лигига тўхтади.

Докладнинг диққат марказида турган масалаларидан яна бири халқлар маданиятининг ўзига хос хусусиятларини инкор қилучи ёт „назария“ларга зарба беришдир. „Совет кишилари, — деб ёзган вади ўртоқ Сталин, — ҳарбир миллатнинг — каттами, кичикми барибир, — ўзига хос хусусиятлари бор, бу хусусиятлар фақат унинг ўзига хос бўлиб бошқа миллатларда йўқ деб ҳисоблайдилар. Бу хусусиятлар ҳарбир миллатнинг жаҳон маданияти умумий хазинасига қўшадиган умумий ҳиссасидир. Бу ҳисса жаҳон маданияти хазинасини тўлдиради ва бойитади. Шу нуқтаи назардан ҳамма миллатларнинг — кичик миллатларнинг ҳам, катта миллатларнинг ҳам тутган мавқуи бирдир ва ҳарбир миллат бошқа ҳарқандай миллат блан тенгдир“.¹

Докладчи Ўрта Осиё жаҳон маданиятининг ўчоқларидан бири эканлиги, ўзбек, тожик ва бошқа халқлар инсониятга фан, фалсафа ва адабиётнинг жуда кўп отоқли арбобларини етиштириб берганлиги ҳақида муфассал тўхтади ва империалистик мамлакатлардаги, айниқса, Америка ва Англиядаги ваҳшиёна шовинизм ва ирқчиликнинг ижтимоий илдиэларини очиб ташлади.

Буржуа шарқшунослари ўз „текшириш“ларида Ўрта Осиё халқларининг, жумладан ўзбек халқининг ижодий фаолиятга лаёқатсиз эканлигини „исботлаш“га зўр бериб урундилар.

Марксизм-ленинизм та’лимотига асосланган совет шарқшунослиги бу каби „ирқий қусур“ ҳақидаги уйдурма „назария“ларнинг бутунлай пучлигини жуда кўп фактик материаллар асосида тамомила рад этди.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, кўпгина хорижий давлатларда Англия ва Америка империалистларининг бевосита кўрсатмаси блан совет халқларини камситишга қаратилган та’лимотлардан панэронистик, пантуркистик, панисломистик „назария“лар кенг равишда пропаганда қилинмоқда. Бу пропагандани кучайтириш блан Англия ва Америка империалистлари, бир томондан, Совет Шарқини истило қилишда Туркия, Эрон, Арабистон ва бошқа мамлакат халқларидан фойдаланишни кўзда тутсалар, иккинчи томондан, Совет Иттифоқи та’сирида у мамлакатларда миллий озодлик ҳаракатининг кучайишининг олдини олишга жон-жаҳдлари блан тиришмоқдалар.

Афсуски, ба’зи совет олимларининг асарларида ҳам буржуа шарқшунослиги та’сиридан тамомила қутилиб етмаслик орқасида, ҳозир хорижий Шарқда модага кирган „назария“ларга ҳамоҳанг бўлган фикрлар учрайди. Албатта, олимларимизнинг ҳозирги кундаги кечиктириб бўлмас вазифаларидан бири совет фанини мана шундай салқитлардан тозалаш блан, уни коммунизм ғояларининг жанговар қуролига айлантиришдир. Шунинг учун ҳам, табиий равишда, ўртоқ В. Зоҳидов ўз докладининг катта қисмини ана шундай ёт „назария“ларнинг реакцион моҳиятини ўтқир ва рад қилиб бўлмайдиган далиллар блан фош қилишга бағишлади.

¹ Журнал „Большевик“ 1947 йил, № 7.

„Ўзбек маданиятининг,— деди уртоқ В. Зоҳидов докладыда,— узига хослигини инкор этиш ва уни, даставвал, Эрон маданиятидан келиб чиққанлигини „кўрсатиш“га ҳаракат қилиш янги ҳодиса эмас. У XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида-ёқ буржуазия шарқшунослари ва Фарбдаги ирқий „та’лимотчи“лар томонидан ривожлантирилган эди. Бу „ғоя“ни М. Белен (Истамбулдаги Франция элчихонасининг таржимони) „Мир Алишер Навоийнинг биографияси ва адабий асарлари ҳақида маълумот“ (Париж, 1861), Эд. Джон Броун „Татар ҳукмронлиги даври форс адабиёти“ (Кембридж, 1920), Эл. Джон Гибб „Усмонлилар поэзияси тарихи“ (Т. II., Лондон, 1902) ва шунингдек Париж университетининг доктори Пьер Кузнецов ўзининг „Марказий Осиёда цивилизация ва тиллар ўргасидаги кураш“ асарида изчил равишда илгари сурадилар“.

„Пантуркистлар, панисломистлар ва панэронистлар,— дея давом этади докладчи,— ўзбек классик адабиётининг намояндалари кўпроқ форс ёзучиларининг асарларига тақлид қилувчилар, бу асарларни таржима қилувчилардангина иборатдирлар, улар форс ёзучиларига нисбаган ҳеч қандай янгилик яратганлари йўқ, уларнинг хизмати форс, араб адабиётининг бирқанча асарларини ўз тилларига таржима қилиш, ёки баён этиб беришдангина иборатдир, деб исботлашга уринмоқдалар. Чунончи, пантуркизм ва панисломизм реакциясининг куйчиси Исмоил Ҳикмат мунофиқлик блан ана шундай деган эди. У яна барча араблар, форслар ва турклар учун муштарак бўлган „умумий“ маданият, адабиёт мавжуддир, дейди. Шунинг учун, дейди у, ўзбек маданиятининг мавжудлиги ҳақида, ўзбек халқи адабиёти, хусусан, Навоийнинг узига хослиги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас“. Сўнгра уртоқ В. Зоҳидов пантуркистларнинг „ягона“ маданият, „умумий“ адабиёт ҳақидаги маш’ум уйдирма та’лимотларида нақадар мунофиқликка етиб борганликларини кўрсатди; Туркияда „Турк улуглари“ номида яқинда нашр қилинган асарда ўзбек халқининг бутун маданий мероси „туркларники“ деб э’лон қилинди.

Докладчи шу кунларда хорижий мамлакатларда ва хусусан Эронда авж олган авантюристлик „назария“ бўлган панэронизмнинг моҳияти ҳақида тўхтаб, бу „назариячи“ларнинг ўзбек халқи маданияти, адабиётининг узига хос хусусиятга эга эканлигини инкор қилиб, ўтмишдаги ўзбек маданияти ва адабиётини Эрон маданияти ва адабиётидан келтириб чиқаришга зўр бериб ури-наётганликларини қайд қилди ва бунга мисол тариқасида Али Асқар Ҳикматнинг 1943 йилда Техронда босилган китобини кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам, бу „асар“ да М. Беленнинг юқорида эслатилган „иши“ даги каби ўзбек халқининг XV асрдаги бутун маданиятини Эронники деб э’лон қилинган.

Шундай қилиб, уртоқ В. Зоҳидов панисломизм, пантуркизм ва панэронизм беватан космополитизмнинг бир кўриниши бўлиб, бу „назария“лар СССР халқларининг ижодий қобилиятларини камситиш, уларнинг миллий ифтихорларига раҳна солиш орқали коммунизм ғояларининг четэл халқларига та’сирини

заифлаштиришга қаратилган реакцион „та'лимот“ эканлигини кўп далиллар билан исботлади.

Шундан сўнг докладчи рус шарқшунослигидаги айрим камчиликларга тўхтаб, қуйидагиларни айтди:

„Революциядан олдинги айрим рус шарқшуносларининг асарларида ҳам Ўрта Осиё халқлари маданиятининг ўзига хос эканлигини инкор қилиш ва буржуа космополитизмнинг кўринишлари мавжуд эди.

Рус шарқшунослиги фанининг намоёндалари революциядан олдинги даврда-ёқ, француз, инглиз, немис, америка буржуа шарқшуносларидан таққослаб бўлмайдиган даражада юқори турар эдилар. Рус олимлари ўзларининг илмий тадқиқодлари билан ҳам шарқ халқлари адабиёти ва маданиятининг кўпгина намунали асарларини бостириб чиқариш билан шарқшуносликни анчагина олға сурдилар. Лекин, шунга қарамай, уларнинг кўплари жиддий камчиликлардан ва бирқанча тарихий воқияларни бузиб кўрсатишдан холи эмас эдилар“.

Докладчи бу тезисларига далил қилиб, рус шарқшунослигининг энг йирик вакилларида бири бўлган ак. В. В. Бартольднинг асарларини кўрсатди. Унинг Европа шарқшуносларига нисбатан кўп жиҳатдан анчагина муъаффақиятларга эришганлигини қайд қилиш билан бирга, ўртоқ В. Зоҳидов, В. В. Бартольднинг ҳечқачон марксизм позициясида турмаганлигини, унинг асарлари муҳим масалаларни ҳал қилишда жиддий камчиликлардан холи эмаслигини, чунончи, у ўзбек халқи маданиятининг оригиналлигини инкор этиб, уни, даставвал, Эрон маданиятидан келтириб чиқаришини ва бунинг фанга зид эканлигини кўп фактик материаллар билан исботлади.

Сўнгра докладчи айрим шарқшуносларимиз ак. В. В. Бартольднинг ва гарбдаги буржуа шарқшуносларининг асарларига тўғри, танқидий баҳо бермасдан, ба'зи бир энг муҳим масалаларда уларнинг зарарли қарашларини давом этдираётганликларини айтди. Жумладан, проф. Е. Э. Бертельс асарларида шу ҳолни кўрамай. Агар у ўзининг „Навоий“ (Москва — Ленинград, 1948) асарида ак. В. В. Бартольднинг панэронистик қарашларини оқлашга ҳаракат қилса, „Навоий ва Аттор“ мақоласи („Мир Али Шер“ тўплами, Ленинград — 1927)да, улуғ ўзбек шоирини форс адабиётининг тақлидчиси қилиб кўрсатса, „Ўрта Осиёда форс адабиёти“ („Совет шарқшунослиги“ тўплами, том V, 1948) деган ғалати бир сарлавҳали мақоласида Ўрта Осиё халқининг, шу жумладан ўзбек халқининг классик адабиётини Эрон адабиётига қўшиб қўяди.

Бундан ташқари докладчи проф. А. А. Семёновнинг „Ўрта Осиёда Эрон моддий маданияти ёдгорликлари“ (Сталинобод, 1945), О. Шарафиддиновнинг „Алишер Навоий“ (Тошкент, 1939), В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовнинг „Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси“ (Москва, 1947) каби асарлардаги космополитик қарашларни қаттиқ танқид қилди.

Ўртоқ В. Зоҳидов немис ириқчи файласуфи Гегель ва „тадқиқодчиси“ К. Форлендер, Европа шарқшуносларидан М. Белен, Дж. Броун, Э. Гибб, турк миллатчиси Исмоил Ҳикмат ва бошқаларнинг ўзбек халқининг фалсафаси ҳамда адабиёти фақат мистик характерга эга эканлиги ва олим ҳам шоирларимизнинг асарлари диққатга сазовор эмаслиги ҳақидаги бўҳтонларнинг таъсирини проф. Е. Э. Бертельснинг „Улуғ ўзбек шоири“ тўпламига ёзган тақризи, „Фалсафа тарихи китобининг проспекти“ ҳақида ёзган мулоҳазасида ҳам учрашини кўрсатди. У ўзбек халқи маданияти масалаларини ёритишдаги космополитик қарашларнинг турли-тумон кўринишларга эга эканлигини таъкидлади: агар бу „назарий“ларнинг баъзилари ўзбек халқининг маданияти четдан келтирилган десалар, иккинчилари, ўзбек адабиёти бошидан-охиригача мистик руҳ билан суғорилган деб туҳмат қиладилар, учинчилари эса, адабиётимизнинг энг йирик вакиллари ижодининг „тақлидий характери“ни „исботлаш“га интилиш билан бутун ўзбек адабиёти замонавий темаларга бой, юқори бадиий савиядаги ва оригинал адабиёт эканлигини инкор қилишга уринадилар.

Докладчи ўзбек адабиёти фазилатларини инкор этуви бу каби беватан космополитик қарашларга қаттиқ зарба бериш кераклигини уқдириб ўтди.

Ўртоқ В. Зоҳидов ўз докладининг иккинчи қисмини Ўзбекистон халқлари тарихини ёритиш масалаларига бағишлади.

„Ўзбекистоннинг марксча-ленинча энг илғор методология билан қуролланган совет тарихчилари,— деди докладчи,— Москва ва Ленинграддаги рус олимлари билан биргаликда Ўзбекистон халқларининг тарихини биринчи марта тўғри ёритиб берувчи бир қанча ажойиб асарларни яратдилар... Республикамизда тарих фанининг энг сўнгги муваффақиятларидан бири, баъзибир муҳим нуқсонларни эътиборга олмаганда, „Ўзбекистон халқлари тарихи“ китобининг II томидир. Тарих фанимида ҳоят катта муваффақиятлар билан бирга анчагина камчиликлар ҳам бор“.

Ўртоқ В. Зоҳидов марксизм классикларининг фикрлари асосида шарқ феодализмининг асосий хусусиятларини чуқур таҳлил қилди берди.

Докладчи тарих фанимизнинг асосий камчиликларидан бири сифатида феодал Шарқи ва феодал Ўрта Осиёси тарихининг айрим даврларида содир бўлган нисбий турғунликнинг, қоқоқликнинг об'ектив қонуниятларини, ижтимоий-иқтисодий сабабларини очиб бермасликда, ёки етарли даражада ёритилмаслигида эканлигини кўрсатди ва бу нисбий қоқоқликнинг асл сабаби, буржуа олимлари изоҳлаганларидек, шарқ халқларининг биологик хусусиятлари билан эмас, балки киши онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланидиган факторлар — иқтисодий-ижтимоий ва географик шароитнинг таъсири эканлигини уқдирди. Шундан сўнг ўртоқ В. Зоҳидов марксизм-ленинизм классикларининг кўрсатмалари асосида Шарқ феодализмининг асосий хусусиятлари сифатида сун'ий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг мамлакат экономикасининг асоси эканлиги; қулдорлик тўла емирилмасдан

шу формация бағрида феодализмнинг пайдо бўлиши ва қулчилик қолдиқларининг XIX асргача сақлавиб келиши; марказлашган давлатнинг келиб чиқишига ҳалақит беручи суюрғол, вақр ва тархонлик системаларининг кенг равишда қўлланиши; реакцион ислом динининг эксплуататорлар манфаатига хизмат қилиши; тинимсиз истилолар ва феодалларнинг ўзаро низолари натижасида етарли даражада марказлашган давлат ҳокимиятининг юзага келмаганлигини кўрсатди.

Докладчи яна тарихий асарларимизда Ўзбекистондаги феодализмга кўпинча тўла ва тўғри характеристика берилмаётганлигини, айрим ҳолларда эса, халқлар тарихининг шахслар ва сулолалар тарихига айлантириб юборилаётганлигини қайд қилди. Ўз сўзининг давомида докладчи ўзбеклар Ўзбекистон территориясига четдан келган халқ деган ғайриилмий „назария“ни қаттиқ қоралаб, бундай деди: „Ўрта Осиё ва шу жумладан, Ўзбекистоннинг қандайдир эроний ўтмиши борлиги ҳақидаги, ўзбеклар ва уларнинг ота-боболари бу ерга гуё, четдан келганлиги ҳақидаги фаний жиҳатдан ҳеч асосланмаган ва сиёсий жиҳатдан зарарли фикрлар ҳозиргача айрим тарихшуносларимизнинг асарларидан ўрин олиб келмоқда. Биз сиёсий авантюра ва уйдурмадан иборат бўлган бундай да’вони қат’ий равишда рад қилиб ташлашимиз керак. Ўзбек халқи ўз ота-боболари блан биргаликда Ўрта Осиёнинг тарихий ташкил топган ва энг қадимги туб халқларидан бири эканлиги ҳақида ўртоқ Юсупов жуда тўғри гапирган эди“. Докладчи шундан сўнг илғор рус маданиятининг Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқининг маданияти ва ҳаётига бўлган ижобий та’сирининг етарли даражада кўрсатилмаётганлигини сўзлади.

... Буюк рус халқи маданиятининг тарқалиши ва та’сири, — деди ўртоқ В. Зоҳидов, — гоёт катта роль ўйнаганлиги, бу маданият Ўрта Осиё халқларининг маданий, ма’навий ва ижтимоий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар ясаганлиги ҳаммага ма’лум. Мустақамлака давр адабиёти ва ижтимоий тафаккурининг барча тараққийпарвар вакиллари илғор рус маданиятига ниҳоятда катта аҳамият бердилар, бу маданиятга қўшилиш, буюк рус халқига яқинлашиш, халқни қашшоқликдан ва ҳуқуқсизликдан қутқаришга йўл очиб беради деб ангадилар...

Буюк рус демократик ёзучилари ва мутафаккирлари, — дея давом этди докладчи, — фақат Россиядагина эмас, балки уларнинг та’сирида тарбияланган ўзбек, қozoқ, тожик ва бошқа миллат демократик ёзучилари ва мутафаккирлари орқали Ўрта Осиёда ҳам халқни революцияга тайёрлашда иштирок этдилар“.

Ниҳоят, ўртоқ В. Зоҳидов ўз докладини яқунлаб, қуйидагиларни айтди:

„Марксча-ленинча назариянинг софлиги ва социалистик фаннимизни янада ривожлантириш, Ватанимиз қудратини ва халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлаш, СССР халқларининг қонуний миллий ифтихорини янада ошириш учун биз ёт мафқуранинг

ҳарқандай кўринишларига қарши қат'ий кураш олиб боришимиз керак".

Кенгаш кун тартибидаги иккинчи муҳим масала — Ўрта Осиё халқлари тарихига доир масалаларни ёритишда панэронизм, пантуркизм ва панарабизмга қарши кураш — ҳақида тарих фанлари кандидати ўртоқ Р. Набиев доклад қилди.

Ўртоқ Р. Набиев ўз докладда совет тарих фани томонидан қўлга киритилган принципаал ютуқларни қайд қилиш блан бирга буржуазия тарихшунослигидаги зарарли „назария“ларининг реакцион моҳиятини бой фактик материаллар ёрдамида фош қилди ва Ўзбекистон тарихчиларининг галдаги жанговар вазифаларини кўрсатиб ўтди.

Докладчи Совет Ўрта Осиёси территориясида жуда қадим замонларда кишилик жамияти пайдо бўлганлиги ва бу территория ер шарининг инсон истиқомат қилган энг эски жойларидан бири эканлигини совет олимларининг текширишлари рад қилиб бўлмаслик даражадаги далиллар блан исботлаганлигини қайд қилиб, „Ба'зи тарихчиларнинг бу энг қадимий халқларни ҳозир мавжуд бўлган фақат бир халқнинг ота-бобоси деб қараши бутунлай пучга чиқди“, — деди.

Ба'зи тарихчилар Ўрта Осиё ва жумладан, Ўзбекистон халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида истилолар (форс, македон, араб, мўнгул каби) жуда катта ижобий роль ўйнаган деб кўрсатадилар. Гарчи Ўрта Осиё халқларини ўт ва қилич блан ўзларига вақтинча бўйсундирган бу истилочилар маҳаллий халқлар ҳаётига ма'лум даражада та'сир кўрсатган бўсаларда, улар бу халқлар ҳаётининг бирор соҳасида ҳам ҳал қилучи роль ўйнамаганлар. Лекин хорижий мамлакатлардаги реакцион буржуа тарихчилари Ўрта Осиё халқларининг мустақил тараққиёт йўлини бутунлай инкор қилиб, чет эл боқинчиларини устун қилиб кўрсатишга уринадиган зарарли „назария“ларини ўтказишга ҳаракат қилдилар ва қилмоқдалар. Қолбуки, қўшни мамлакатлар блан бўладиган маданий муомилалар жараёнида Ўрта Осиё халқлари маданияти бошқа халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маданиятига авчагина та'сир кўрсатган. Масалан, хитойлилар Ўрта Осиё халқларидан тоқ, беда, пахта ўстиришни ва шиша ишлаш сан'атини ўрганганлар, ўша замонда энг зотли ҳисобланган Фарғона отлари Хитойда жуда машҳур эди. Ҳатто, шарқ халқлари сўғд ёзувини қабул қилдилар ва эронлилар эса, Ўрта Осиё территориясида пайдо бўлган зардуштийлик динини ўзлаштирдилар, ўзбеклардан чиққан Бобо Наққош XV — XVI асрлар чегарасида Туркияга биринчи мартаба рангли расм сан'атини олиб кирди ва бошқалар.

Докладчи юқоридаги каби бой фактлар асосида Ўрта Осиё халқларининг истилочиларга нисбатан юқорироқ маданий савияга эга эканликларини исботлади.

Шундан сўнг, ўртоқ Набиев Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданиятини сохталаштиришга қаратилган, колониал сиёсатга хизмат қилучи космополитик „назария“лардан панэронизм, пантуркизм

да панисломизмнинг реакцион моҳиятини фош қилиб ташлади. У Ўрта Осиё территориясида жуда қадим замонлардан берли турли этник гуруҳларга мансуб бўлган кишилар истиқомат қилиб келганлиги ҳақида гапирди ва бунга мисол қилиб, совет археологлари томонидан Тешиктошдан неандерталь ҳамда Омонқўтондан синантроп типидagi киши суякларининг топилишини кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам, бу фактлар Совет Ўрта Осиёси территориясида доимо шу ерда яшаб келган турли этник гуруҳдаги маҳаллий халқлар бўлганлигидан дарак беради. Шунинг учун докладчи буржуа антропологларининг Ўрта Осиё халқлари маркази ғарби жанубда бўлган европасимон ва шарқи шимолдаги мўнғулсимон группаларнинг чатишишидан пайдо бўлган деган асоссиз „назария“ларини ва шу „фикр“ларга ҳамоҳанг мулоҳазалар билдирган проф. Л. В. Ошаниннинг қарашларини каттиқ танқид қилди.

Академик В. В. Бартольд Ўрта Осиёнинг туб халқи эронийлар бўлиб, бу халқ фақат VI—VII асрлардагина ҳозирги Эрон тупроғига кўчиб ўтган деган фикрни олдинга суради. „Тожиқ халқининг қисқача тарихи“да ҳам (том I, Сталинобад, 1947, бет 20), шу фикр айнан қайтарилган, — дейди ўртоқ Р. Набиев.

Докладчи юқоридаги мулоҳазалардан „Баъзи тарихчиларнинг фикрича, қадимги даврдан то ўрта асрнинг илк замонларигача ягона мамлакат, Эроннинг ягона ери мавжуд бўлган ва у ер фақат яккаю-ягона Эрон халқи яшаган ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинган“ деган нотўғри „хулоса“ келиб чиқишини кўрсатиб берди ва бу қарашнинг бутунлай асоссизлигини қадимги замон авторларидан келтирилган жуда кўп далиллар билан исботлади.

Академик В. В. Бартольд ўз асарларида Ўрта Осиё халқларининг барча маданий традициялари Эрон таъсиридагина шаклланган деб ҳисоблайди. Чунончи, у ўзининг „Туркистон маданий ҳаёти тарихи“ асарида: „Ғарбдан Шарққа (Эрондан Ўрта Осиёга, — демоқчи—А. Қ.), ислом динидан ташқари форс адабий тили ва умулмас сосоний Эрон традициялари ҳам тарқалди“, — деб ёзади.

Ўртоқ Р. Набиев проф. А. Ю. Якубовский, проф. С. П. Толстов ва тарих фанлари кандидати В. А. Шишкин каби совет археологлари томонидан олиб борилган текширишлар натижасида қўлга киритилган бой далиллар воситасида акад. В. В. Бартольднинг юқоридаги тарихий ҳақиқатга зид фикларининг бутунлай асоссизлигини кўрсатди.

Сунгра докладчи „Тожиқ халқининг қисқача тарихи“ асарининг баъзи хатолиғига ҳам тўхтади. Бу китобда, — деди у, — „Қозоқ қирғиз, қорақалпоқ, туркман ва ўзбекларнинг бутун қадимий маданий ўтмишини авторларнинг фикрича ҳозирги тожиқларнинг отабоболари бўлган эрон ирқига олиб бориб боғлаш каби очиқдан-очиқ ғайриилмий бўлган тенденция ўқучилар кўзига ташланиб туради.

Марксистик тарих фани, — деди у давом этиб, — аксинча, маданиятнинг ирқий характери ва халқларнинг турли тарихий этаплардаги тараққиётининг бир хиллиги ҳақидаги таълимотни қоралайди.

Халқлар ҳар жиҳатдан бир-бирлари билан чапишиб кетганлар ва уларнинг ҳарбири қўшнилари билан жуда яқин муносабатда бўлганлари ҳолда ўз тарихий маданиятини яратган“.

Шу муносабат билан докладчи ўртоқ Усмон Юсуповнинг ЎзК(б)П X с'езидаги ҳисобот докладидан қуйидаги ўринни эслатиб ўтди:

„Ўрта Осиёдаги бошқа қардош халқларнинг тарихий қимматларини камситиш эвазига ўзбек халқининг тарихини кўкларга кўтаришдан иборат уринишлар ҳам катта хатодир ва марксизм-ленинизм руҳига ётдир. Ёки аксинча, ўзбек халқининг тарихий хизматлари ҳисобига бошқа қардош халқлар тарихини кўкларга кўтариш ҳам худди шундай хатодир, Ўрта Осиё халқлари тараққиёти тарихи ҳамавақт бир-бири билан биргаликда ва мустаҳкам боғлиқда бўлганлигини ҳисобга олганда, бу нарса айниқса равшан бўлиб қолади“.

Ўртоқ Р. Набиев ҳам А. А. Семёновнинг „Ўрта Осиёда Эрон моддий маданияти ёдгорликлари“ номли марксистик методологияга зид бўлган „асар“ини қаттиқ танқид қилди. Шундан сўнг докладчи пантуркизм ва панисломизм билан боғлиқ бўлган масалаларга тўхтади.

„Бизнинг вазифамиз, — дейди ўртоқ Р. Набиев, ўз сўзини хулосалаб, — хорижий шарқ мамлакатларидаги космополитизм реакция идеологиясига ҳам ва совет тарих фанида космополитизмнинг ҳарқандай кўринишларига ҳам қақшатғич зарба беришдир“

Кенгашда тарих фанлари кандидати Г. Л. Бондаревский „Хорижий Шарқ мамлакатларидаги реакция ирқчилик „назария“лари Америка империализми хизматида“, деган мавзуда доклад қилди.

Докладчи бой фактик материаллар асосида Хорижий Шарқ мамлакатларининг ҳукмрон гуруҳлари Америка империалистларининг тўғридан-тўғри кўрсатмаси билан пантуркизм, панэронизм, панарабизм, паносиётизм ва шунингдек панисломизм каби реакция ирқий „назария“лардан шарқ халқлари диққатини империализмга қарши озодлик урушидан четга тортиб, бу ҳаракатни ирқий ва ўз-ара жанжалларга айлантириб юборишда фойдаланаётганликларини кўрсатди.

Ўртоқ Г. Л. Бондаревский Англия — Америка империалистларининг Шарқ мамлакатларида олиб бораётган сиёсатининг моҳиятини қуйидаги сўзларда ифодалади:

„Америка империалистлари ва уларнинг инглиз агентураси мазкур назарияларга асосланиб, Хорижий Шарқнинг айрим мамлакатлари ўртасидаги низоларни кескинлаштиришга, миллий озодлик ҳаракатларини бўғишга, бу мамлакатлардаги реакция гуруҳларни Совет Иттифоқига қарши қутуртириш ва демократик кучларга қарши курашни кенгайтириш мақсадида Хорижий Шарқ мамлакатларини ўз плацдармларига айлантиришга уринмоқдалар“.

Докладчи ирқий „назария“лар тарихда доимо реакция қарашларни ниқоблашга хизмат қилганлигини исботловчи қатор далиллар келтирди.

Ҳақиқатан ҳам, пантуркизм — дунёдаги барча туркий халқлар-

нинг Туркия ҳукмронлиги остида бирлашишни ташвиқ қилучи реакцион ирқий „назария“дир. Шунинг учун ҳам, XX асрнинг бошларида-ёқ бу „назария“ „ёш турк“лар ҳаракатининг программасига айланган эди. Биринчи жаҳон урушида Туркия Вильгельм Германиясининг илҳомлантириши блан рус, Кавказ ва Ўрта Осиё халқларига қарши курашида яна пантуркизмни ишга солган. Граждан уруши ва интервенция йиллари британ империалистлари ҳам айни мақсадлар учун пантуркизмдан фойдаланганлар. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ўртасида Туркияда ярим яширин ҳолда ишлайдиган бирқанча пантуркистик ташкилотларнинг фаолияти янада кучайди ва кўп ерларда очиқдан-очиқ иш кўра бошладилар. Агар немис фашизми раҳбарларидан бўлган Геббельснинг бу ташкилотларга тўғридан-тўғри мадад бериб турганлигини эсласак, уларнинг қандай реакцион мақсадга хизмат қилганликлари аён бўлиб қолади.

1944 йилда немис фашизмининг мағлубияти равшан бўлиб қолгач, Туркия ҳукмдорлари жамоатчиликни чалғитиш мақсадида баъзи пантуркистлар „иши“ни „суд“га берди. Лекин уруш тугаб, мамлакатга немис фашистларни ўрнига келган янги хўжайинлар — Америка империалистлари пантуркистларни ўз ҳимояларига олдилар. Шундан сўнг пантуркистик ташкилотлар яна очиқдан-очиқ ҳаракат қила бошладилар, уларнинг айрим вакиллари устидан „қўзғатилган“ суд ишлари тезлик блан тўхтатилди ва бу ташкилотларнинг фаолияти бор имкониятлар блан рағбатлантирила бошлади. Шундай қилиб, пантуркизм Англия—Америка империалистик сиёсатининг Шарқдаги малайига айланди.

Туркиянинг ҳукмрон доиралари ҳозирги кунда пантуркизмни фош қилучи илғор жамоатчилик фикрларини қаттиқ сиқув остига олмоқдалар. Бунга докладчи Эркман ва Сизод каби прогрессив жамоат арбоблари китобларининг гулханларда ёқилгани ва авторларнинг қамоққа ташланганлигини мисол қилиб кўрсатди.

Докладчи Америка империалистлари ўзларининг Узоқ Шарқ, жумладан, Шарқий Туркистонда олиб бораётган империалистик сиёсатларида ҳам пантуркизмдан кенг равишда фойдаланаётганлигини кўрсатучи қатор далиллар келтирди.

Ўртоқ Г. Л. Бондаревский шундан сўнг панэронизм блан боғлиқ бўлган масалага тўхтаб, бу теориянинг ҳам ирқий характери ва реакцион моҳиятини очиб берди.

„Панэронизм, — деди у, — Эрон ва унинг орқасида яшириниб турган ажнабийларнинг ҳозирги Эрон чегарасидан шимол, шарқ, шимол ва ғарби-шимолга таъсирини „назарий асослаш“ мақсадида хорижий империалистларнинг кўрсатмаси блан Эроннинг тажаввузкор ҳарбий феодал гуруҳлари томонидан яратилган реакцион ирқий назариядир“.

Докладчи панэронизм доимо реакцион тажаввузкорлик сиёсатини ниқоблаш қуроли бўлганлигини айтди. У кўрсатдики, Эроннинг собиқ примъер-министри Ҳакими 1919 йилда Париж сулҳ конференциясида шу сохта „асос“ларга суяниб, Совет Озорбайжони, Арманистон ва Туркманистонни Эронга қўшиш талаби блан

чиққан эди. 1935 йилда эса, қора гуруҳчи Ризошоҳ инглиз агентурасининг та'сирида расмий равишда „Форсстон“ни „Эрон“ деб ўзгартиради. Бу блан у ҳозирги Эрон чегарасидан ташқарида яшовчи халқларни ўз та'сирига бўйсундириш ва гўё қадимги „Буюк Эрон“ давлатининг шуҳратини қайтатдан тиклашишни кўзда тутар эди.

Ҳозирги кунда денгиз орқасидаги империалистларнинг илҳомлантиришлари блан панэронизм „назария“си янада кучга кирмоқда. Характерлики, 1947 йилда Американинг реакцион газетаси „Чикаго трибюн“да босилган бир мақолада шундай дейилган эди: Бир вақтлар „Элбурсдан Яксарт (Сирдар'ё)гача чўзилган Эроннинг буюклигини унитиш мумкин эмас“. Шундан сўнг газета давом этиб, агар Эронга тегишлича ёрдам берилса, Эроннинг ўша буюклигини тиклаш мумкин, деб алақлаган эди.

Америкали хўжайинлар томонидан қилинган бу ямо панэронистларга жон киритди ва Эронда чиқадиغان реакцион матбуот „Улуғ Эрон“ ҳақида афсона тўқиб, жаҳонга жар сола бошлади.

Докладчи яна паносиётизм „назария“сининг реакцион моҳиятини ҳам очиб берди. У қатор далиллар блан Америка империалистлари япон самурайларининг „Осиё осиелилар учун“ деган шиорини қайтатдан тирилтириб, Осиё мамлакатларининг иқтисодий тараққиётига йўл қўймаслик ва уларда саноатнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш блан Шарқни ўзлари учун фақат хомаш'ё манба'и ва саноат моллари сотиладиган бозорга айлантиришга хизмат қилучи бу янги „назария“нинг кенг тарқалишига мадад бераётганликларини исботлади.

Ўртоқ Г. Л. Бондаревский ўз сўзини яқунлаб, олимларимизни чет элларда кенг тарқатилаётган реакцион ирқий „назария“ларнинг тамомила асосизлигини фош қилишга чақирди.

Шуни қайд қилиш керакки, кенгаш кун тартиби бўйича тингланган ҳар уччала доклад ҳам, назарий жиҳатдан жуда юқори савияда, фактларга бой бўлиб, уларда кўпгина принципиал масалалар қўйилди. Докладларда ўзлари қамраб олган масалаларга чуқур ва илмий таҳлил берилгани учун музокарачилар у ёки бу докладда баён қилинган фикрларни ривожлантириб, янги-янги далиллар блан бойитдилар. Кенгаш давомида 17 киши музокарага чиқди.

Проф. Л. В. Ошанин ўз нутқида совет антропологияси қўлга киритган фактик материаллари асосида буржуа фанининг сохта ирқий „назария“сининг илмга зид эканлигини кўрсатиб, Ўрта Осиё халқларининг қадим замонлардан берли шу территорияда истиқомат қилаётганлигини Тешиктош ва Омонқўтон материаллари асосида исботлаб ўтди. Лекин айрим ўринларда у масалани яна чалкаштириб юборди. Масалан, проф. Л. В. Ошанин Ўрта Осиё халқларининг антропология типини аниқлашда яна европасимон ва мўнғулсимон „ирқ“ларнинг роли ҳақидаги эски хато фикридан қутилаолмаганлигини кўрсатди.

Филология фанлари кандидати И. Султонов музокарага чиқиб, буржуа фанининг совет адабиётшунослигидаги қолдиқлари ва марксизм-ленинизм принципларини илмий ишларда изчил равиш-

да татбиқ қилмаслик ҳолларига қарши кураш масалаларига тўхтади.

Ўртоқ И. Султонов буржуа фани савиясидан кўтарилмаган олимлар қаторида проф. Е. Э. Бертельсни эслатди. „Проф. Е. Э. Бертельснинг барча асарларининг характерли хусусияти, — деди у, — буржуа фани мавқийида туриб, ўзбек, озорбайжон, тожик ва бошқа халқларнинг маданият тарихини ёритишга интилишдир“.

Ўртоқ И. Султонов бунинг сабаби қилиб проф. Е. Э. Бертельс буржуазия фани методологиясидан юқори кўтариб етаолмаганлигини, ўз асарларида марксизм-ленинизм принципларини татбиқ қилабилмаслигини кўрсатди. Музокарачи бу фикрига далил сифатида проф. Е. Э. Бертельснинг „Искандар ҳақидаги роман ва унинг шарқдаги асосий ривоятлари“ деган сўнги асарини келтирди. Автор бу асарида Навоий достонининг қимматини фақат улуғ шоир томонидан Искандар ҳақидаги тасаввурга қўшган деталларидагина кўради. Ҳолбуки, бадиий асарнинг қиммати тарихий-таққослаш методи орқали белгиланган айрим янги деталлар блан эмас, балки авторнинг ўз асарида ўша замон ҳаётини қанчалик акс этдирганлиги асарнинг ўша ижтимоий воқеаликда ўйнаган роли ва шу ғояларни қандай бадиий умумлашмада бера олганлиги блан баҳоланади.

Ёзучи Станишевский сўзга чиқиб, ҳозирги кунда Эронда реакция руҳдаги бадиий адабиётда панэронизм ғояларни кенг тарғиб қилинаётганлиги ва уларда Эроннинг „ўтмиш тарихи“ идеаллаштирилаётганлиги, гўё у замонларда Эрон бошқа мамлакатларга „маданият тарқатгани“ ҳақидаги афсоналар кенг тарғиб қилинмоқда эканлигини айтди. Шу муносабат блан ўртоқ Станишевский проф. Фрейманнинг „Форс филологиясининг вазифалари“ мақоласида ҳам қўпол панэронистик фикрларга йўл қўйилганлигига таасуф билдирди. Ўртоқ Станишевский панэронизм, пантуркизм буюк афғонизм каби сохта „назария“ларнинг реакция реакцияни очиб ташлайдиган жуда кўп далиллар келтирди.

Кенгашда сўзга чиққан проф. А. А. Семёнов ўзининг „Ўрта Осиёда Эрон моддий маданияти ёдгорликлари“ асарида ҳам ўйламасдан Ўрта Осиё халқларининг барча моддий маданият ёдгорликларини Эронники қилиб қўйиб, жуда катта хатога йўл қўйилганлигини э’тироф этди. Проф. А. А. Семёнов бундан сўнги асарларида бу хатоларни тузатишни ва’да қилди. Шунга қарамасдан, у ўз сўзининг давомида кўпгина муҳим масалаларда қатор қўпол хатоларга йўл қўйди. Проф. А. А. Семёновнинг бу хато фикрлари мажлис жамоатчилигининг э’тирозига учради.

Филология фанлари кандидати М. А. Салъе ҳам сўзга чиқиб панисломизм ва панэронизмнинг илмга зид „назария“лар эканлиги ҳақида тўхтади ва шу блан бирга ўзининг „Ўзбек адабиёти тарихи очерки“ сарлавҳали асарида йўл қўйилган космополитик хатоларни э’тироф қилди. Бу хатолар, деб аниқлади у, буржуа шарқшунослари асарларидан танқидий фойдаланмаслиқнинг натижасидир.

СССР Совет Ёзучилари Союзи ҳузуридаги миллий комиссиялар бюроси раисининг ўринбосари ўртоқ Л. И. Климович совет шарқшунослиги қўлга киритган принципиал ютуқларини кўрсатиб ўтди. Шу блан бирга хорижий давлатларда авж олаётган ирқий „назария“лар ва йирик шарқшуносларимиз (акад. Крачковский, проф. Дмитриев, проф. Бертельс, проф. Заходер ва бошқалар) асарларидаги қўпол космополитик хатоларни қаттиқ танқид қилди. У асарларимизда ҳалигача илғор рус маданиятининг Ўрта Осиё, жумладан ўзбек халқининг маданиятига самарали таъсири тегишлича ёритилмаётганини айтиб, бундан кейинги ишларда бу масалага айрича аҳамият бериш зарурлигини уқдириб ўтди. Ўртоқ Л. И. Климович мазкур кенгашда совет даври масалаларига жуда кам ўрин берилганлигига таассуф билдирди.

Кенгашда яна проф. Қори Ниёзов, проф. И. И. Умяков, фан кандидатларидан Т. Салимов, Ҳ. Ҳамидов, В. А. Шишкин, СССР Фанлар Академияси Қирғизистон филиалининг илмий ходими ўртоқ Олтинбоев ва бошқа ўртоқлар музокарага чиқдилар. Булар ҳам ўз сўзларида бирқанча муҳим масалалар ҳақида тўхтадилар.

Мажлис охирида ЎзК(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. Ваҳобов катта нутқ сўзлади.

„Бизнинг ёш тарихчи ва адабиётчиларимизнинг космополитик хатоларининг асосий сабаби, — деди ўртоқ М. Ваҳобов, — уларнинг ҳозиргача моҳият эътибори блан идеалистик таълимот бўлган революциядан илгариги буржуа-дворян эски шарқшуносликнинг традицияларидан қутулиб етмаганликларидир. Худди шу идеалистик таълимотда пантуркистлар ҳам, панэронистлар ҳам, панисломистлар ҳам ўзларининг миллатчилик ва реакция назарияларига асос топган эдилар. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё шароитида тарих, адабиётшунослик ва бошқа фанларни пантуркизм, панисломизм ва панэронизм салқитларидан қутқариш, совет шарқшуносларимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Бу вазифани бажариш учун, — деди ўртоқ М. Ваҳобов сўзининг давомида, — ўз каторларимизни беватан космополитлардан, совет шарқшунослигини эса, космополитизм ғоялари блан суғорилган турли назария ва қарашлардан кескин равишда тозаламоғимиз зарур. Бунинг учун Ўрта Осиё тарихи ва адабиёти соҳасида космополитизмга қарши кескин кураш олиб бориш блан бирга Ўрта Осиё халқлари ва уларнинг маданиятларининг чинакам марксистик тарихини яратиш ишини имкон бор қадар тезлатиш зарур“.

Ўртоқ М. Ваҳобов уқдириб кўрсатдики, совет фани тамонидан қўлга киритилган ютуқлар космополит „назарийчи“лар фикрларининг бутунлай асоссизлигини исботлашга етарлик материал берадилар ва ҳозирги вақтда мана шу янги материаллар ёрдамида марксизм-ленинизм принципларига амал қилиш блан Ўрта Осиё халқларининг илмий асосдаги тарихини яратишга барча имкониятлар мавжуд. Шунга қарамасдан, тарих ва адабиётга оид асарларимизда анчагина камчиликлар учрайди. Бу хатоларимизнинг асосий сабаби қилиб ўртоқ М. Ваҳобов бир қатор шарқшуносларимизнинг Ўрта Осиё халқлари тарихини текширишда марксизм-

ленинизм принципларига етарли даражада амал қилмасликларни кўрсатди. Жумладан, улар ма'лум давр тарихий ҳаёти ҳақида сўзлар эканлар, уша замоннинг ижтимоий-иқтисодий шароитини асос қилиб олмай, мана шу шароитга асосланган устқурмаларни изоҳлашдан нарига ўтмайдилар.

Ўртоқ М. Ваҳобов „Ўзбекистон халқлари тарихи“ китобининг II томидаги асосий хағолар шундан келиб чиққан деб кўрсатди ва галдаги вазифаларимиз ҳақида қуйидагиларни айтди:

„Бу оғир аҳволдан қутилиш учун революциядан илгариги эски шарқшуносликнинг ғайриилмий буржуа назарияларини кескин равишда рад этиш керак. Ўртоқ Сталиннинг „жамиятнинг тараққиёт тарихи — энг олдин, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тарихи, асрлар давомида бир-бири блан алмашинадиган ишлаб чиқариш усуллари тарихи, ишлаб чиқариш кучлари ва кишиларнинг ишлаб-чиқариш муносабатларининг ривожланиш тарихи демақдир“, деган кўрсатмасига асосланиб, буржуа шарқшуносларини фoш этиш керак, хусусан Бартольднинг „Тарихнинг мазмуни, асосан, халқаро маданий муносабат, маданият куртакларини бир мамлакатдан иккинчисига кўчириш блан белгиланади“, — деган қарашини рад этиш зарур“.

Шундан сўнг ўртоқ М. Ваҳобов Ўрта Осиё экономикасининг асосини сун'ий суғоришга таянган деҳқончилик ташкил этишини кўрсатди ва бу халқлар тарихининг ўзига хос хусусиятларини очиб берди.

Тарихчи ва адабиётчиларимизнинг вазифаси, деди ўртоқ М. Ваҳобов, „Мана шу конкрет тарихий шароитда жамиятнинг умумий тараққиёт қонунларини очиб беришдир“.

Ўртоқ М. Ваҳобов ўз сўзининг охирида, „Ўрта Осиё шароити-да космополитизмга қарши кураш фақатгина уларнинг ғайриилмий, ғайрипатриотик зарарли назарияларини фoш қилиш блан чекланмай, балки шунинг блан бирга у ўз олдига янги илмий асосга қурилган сталинча шарқшуносликни яна ривожлантириш ва соғламлантириш вазифасини ҳам қўйиши керак“, — деди.

ЎзССР Фанлар Академиясининг ҳақиқий а'зоси, проф. И. К. Додонов кенгашга яқун ясаб, унинг юқори илмий савияда ўтганлигини қайд қилди.

У бундан сўнг „Ўз ишимизни кескин равишда активлаштиришимиз, тарихни большевистик партияимизнинг қудратли ғоявий қуролига айлантиришимиз, идеология фронтининг биз каби Ўрта Осиё республикаларида ишловчи мутахассисларга бевосита оид бўлган соҳасида қаттиқ хужумга ўтишимиз зарур“лигини уқдирди.

Кенгаш Ўзбекистон олимлари Ўрта Осиё халқлари тарихи ва уларнинг маданиятига оид масалаларни марксча-ленинча методология асосида ёрита олишга қодир эканликларини кўрсатди ва уларни, хусусан, тарихчи ҳам адабиётшунослрни партияимиз томонидан ижтимоий фанлар олдига қўйилган мас'улиятли вазифаларни муваффақият блан бажаришга чақирди.

А. ОЛИМЖОН, А. МУХТОР

„МАКТАБ ТЕАТРИ“ ВА „ЁШЛАР САҲНАСИ“ ТУПЛАМЛАРИ ТУҒРИСИДА БА’ЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Совет адабиётининг асосчиси, гениаль ёзучи М. Горькийнинг совет болалар адабиётини барпо қилиш, унинг ўсиш йўлларини кўрсатиб беришда ҳам хизматлари буюқдир. М. Горькийнинг совет адабиёти ҳақидаги илмий-адабий мақолаларининг бир қисмини болалар адабиётига оид эканлиги ҳам бечиз эмас. Унинг „Мас’улиятсиз кишилар ва бизнинг кунларимиздаги болалар китоби туғрисида“ (1930 йил), „Болалар учун адабиёт“ (1934 йил), „Эргаклар ҳақида“ (1934 йил), ва „Тема ҳақида“ (1933) каби ажойиб мақолалари ана шулар жумласидандир.

Улуг адиб бу мақолаларида эндигина майдонга чиқиб, шаклланиб келаётган совет болалар адабиётини мустаҳкамлаш, уни ғоявий ва бадиий томондан юксак даражага кўтариш масаласини илгари суради. М. Горький совет социалистик ватанимизда болалар адабиётининг нечоғлик катта сиёсий, тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини, ишчилар синфининг ёш авлодини коммунизм жамияти қуришга қодир кишилар қилиб етиштиришда ғоят муҳим роль ўйнашини қайта-қайта уқдириб ўтади. Ҳатто, у болалар адабиёти билан эндигина шуғулланаётган ёзучиларга қандай темаларда ёзиш кераклигини, замонамиздаги актуаль мавзуларни бирма-бир санаб кўрсатади. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, ер, ҳаво, сув, ўсимлик, ҳайвонот оламни, ерда одамнинг пайдо бўлиши, инсон қандай равишда фикр қилишга ўрганди, одамлар ўз меҳнатлари ва ҳаётларини қайси усулда енгиллаштирдилар, фан муъжизалари, келажакда техника ва шунга ўхшаш мавзуларда болаларга ше’р, эртак, ҳикоя, дoston ва драматик асарлар ярагишга шқиради. М. Горький бу билан „Болаларни ижтимоий руҳда тарбиялаш“ („Адабиёт ҳақида“ китобининг 1937 йилги русча нашри-

нинг 186 бети) эканини уқдириб кўрсатади. „Тема ҳақида“ деган мақоласида эса меҳнаткашлар оммасининг озод ҳаёт учун, табиат кучлари устидан ҳукмронлик қилиш учун олиб борган курашларини бадий шаклда акс этдириб бориши керак, дейди.

Совет болалар адабиёти М. Горькийнинг бу кўрсатмалари асосида вояга етди ва болалар учун ажойиб бадий китоблар тақдим қилди. Рус совет болалар ёзучилари — С. Маршак, В. Катаев, А. Гроссман, С. Михалков, А. Гайдар каби атоқли адиб, шоирларнинг асарлари Совет Иттифоқидаги ҳамма болаларнинг севимли адабий бойликларига айланди. Шунингдек, рус болалар адабиётининг бевосита таъсири, пешқадам рус совет ёзучиларининг ёрдами билан ўзбек совет болалар адабиёти ҳам яратила бошлади. Ҳеч шубҳасиз, Октябрь Социалистик революциясининг меваси бўлган ўзбек совет адабиётининг бир таркибий қисми — ўзбек совет болалар адабиёти кундан-кун ўсмоқда, балоғатга етмоқда. Айниқса, ВКП(б) Марказий Комитетининг мафкура ҳақидаги қарорларидан сўнг ўзбек совет болалар адабиётида бирқанча дуруст асарлар яратилди. М. Горькийнинг қимматли кўрсатмаларига, улуғ рус болалар ёзучиларининг ижодий иш тажрибаларига амал қилган ўзбек болалар ёзучилари ёш авлодни коммунистик руҳда, уларни улуғ Ватанга, шонли коммунистлар партиясига, совет ҳукуматига, ўз халқига садоқат, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш соҳасида ҳормай-толмай ишламоқдалар.

Жуда қисқа тарихга эга бўлган, ҳали ёш ҳисобланган ўзбек совет болалар адабиётини яратишда атоқли совет шоирлари — Ҳамза Ҳакимзода, С. Айний, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Уйғун, ва Миртемирларнинг роли, хизмати катта. Шу билан бирга ўзбек совет болалар адабиёти ўзининг анча истеъдодли, пешқадам адибларига ҳам эга. Ёшларимиз ўртасида — мактабларда, болалар муассасаларида, болалар боқчаларида марҳум, талантли, ўзбек болалар ёзучиси Зафар Дийёр, болалар ёзучиларининг ҳозирги кундаги пешқадам шоирлари — Қ. Муҳаммадий, Шукур Саъдулла, А. Раҳмат, И. Муслимларнинг асарлари севилиб ўқилади, саҳналарда кўрсатилади, дикломация қилинади. Ўзбек совет болалар ёзучиларининг сафи кундан кунга ўсиб бормоқда. Сўнгги йилларда ёш шоирлардан Қудрат Ҳикмат, П. Мўмин ва Қ. Муҳаммадjon каби болалар ёзучилари ўз асарлари билан кўрина бошладилар. Бу — қувончли воқиа.

Лекин, афсуски, ўзбек совет болалар адабиёти ёш наслнинг кундан-кун ўсиб бораётган талабларини тўла қондираолмаётир. Ўзбек совет болалар адабиётининг ёзучилари сон жиҳатдан жуда секинлик билан ўсмоқда. Яратилган асарларнинг сон ва сифатини, мавзу'нинг актуальлиги-замонавийлигини кўздан кечириганимизда ҳам жиддий камчириларни учратамиз. Бизнингча, бунга сабаб республикадаги адабий ва сан'ат ташкилотларимиз — Ўзбекистон совет ёзучилар Союзи, болаларни бадий тарбиялаш уйи ва болалар театрларининг болалар адабиётини янада тараққий этдиришга етарли эътибор бермаётганидир. Адабий танқидчилигимиз эса бу муҳим иш билан деярлик шуғулланмайди. Натижада болалар

адабиётимиздаги жиддий нуқсонларни тугатиш чидаб бўлмаслик даражада, жуда секинлик блан бормоқда.

Ўзбек совет болалар адабиётини ҳозирги замон талаблари даражасига кутариш, мавжуд камчиликларга барҳам бериш адабиётшунослик фани, адабий танқидчилик олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

II

Сўнгги вақтларда ўзбек совет болалар адабиётида бирнеча оригинал асарлар босилиб чиқди. Булар орасида Сталин мукофотининг лауреати шоир Ғ. Ғулومнинг болалар учун тақдим этган „Ше'рлар“ тўплами, атоқли шоирларимиздан Уйғуннинг „Ҳалия“ асари, Шайхзоданинг бирқанча ше'рлари, Зафар Диёрнинг „Чаман“ ше'рлар тўплами, Ҳ. Назирнинг „Қишлоқдаги жиянларим“ номли ҳикоялар тўплами, Ёнғиннинг „Капалак“, Қ. Муҳаммадийнинг „Ше'р ва эртаклар“и ҳамда Ш. Са'дулланинг „Ўзбек эртаклари“ каби китоблари бор. Шу блан бирга Ўзбекистон Давлат нашриёти сўнгги вақтларда мактаб ва ёшлар саҳналари учун икки катта тўплам — „Ёшлар саҳнаси“ ва „Мактаб театри“ китобларини босиб чиқарди. Бу — жуда яхши ташаббус. Бу иккита тўпламни нашрга тайёрлашда болалар ёзучиси ўртоқ Ш. Са'дулланинг хизматларини ҳам уқдириб ўтмоқ зарур.

Биз бу мақоламизда мана шу икки тўплам тўғрисидагина ба'зи мулоҳазаларни айтиб ўтамиз.

„Мактаб театри“. Бу китобнинг тузучиси томонидан берилган сўз бошида айтилганидек: „Мактаб театри“ тўплами мактаблардаги бадий ҳаваскорлар тўгаракларига ва пионер активларига мактаб саҳналарида тамошалар кўрсатиш учун ёрдам кўрсатишни кўзда тутган бир китоб. Тўпламда пьеса, инсценировка, ашула, ше'р, латифа, топишмоқ, тез айтишмоқ ва саҳнада ўйинлар учун бадий материаллар берилган.

„Мактаб театри“ тўпламидаги русчадан таржима қилинган пьеса ва ҳикоялар чуқур гоаявий мазмуни, юксак бадийлиги ва педагогик талабларга мослиги жиҳатидан ҳам ўзбек болалар ёзучилари учун намуна бўлаоладиган асарлардир. Тўпламда бундай асарлардан 7 таси берилган. Оташтин революционер, совет шоири Маяковскийнинг „Янги милтиқ кўтарамиз“ деган ше'ри, С. Михалковнинг „Болаларга қисса“си, С. Розамов ва Ал. Гроссманларнинг „Р. В. С.“ („Революцион Ҳарбий Совет“), Н. Носовнинг „Ҳаворанг модель“, С. Преображенскийнинг „Чин ўртоқ“, И. Ивановнинг „Қорқиз“ каби пьеса ва инсценировкалари, В. Осеевнинг „Ҳикматли сўз“ ҳикоялари ўзбек ёшларига бадий завқ беради. Масалан, Носовнинг „Ҳаворанг модель“ пьесасида автор ўз олдига асосан икки вазифани қўяди ва уни тўғри ҳал этиб беради. Бири — совет болаларининг ижодкорлик, ихтирочиликка интилишлари, иккинчидан, уларни дўстлик, тўғри сўзлик, бир-бирига меҳри-муҳаббат руҳида тарбияш масаласидир. Пьесачада ҳар икки асосий масала ҳам жуда қизиқарли, тўғри акс

этдириб берилган. Шунингдек, „Ҳякматли сўз“ ва „Қайсиси осон“ ҳикоячалари ҳам болаларни мактаб ҳамда оиладаги тарбиясига бағишланган. Биринчи ҳикояда ёш бола Павликнинг оилада ўзини тутаолмаганлиги, шунинг натижасида уйдан беэши тасвирланади. Павлик бир чолнинг сўзлари воситасида оила а'золари блан қандай муомала қилиш керак эканлигини билиб олади. Натижада у тузалиб, оила а'золарининг меҳр-муҳаббатини қозонади.

Тўпланда ёшлар тарбияси учун фойдали бўлган мана бундай асарларнинг берилиши жуда яхши. Айниқса ёшларни меҳнатга, Ватанга муҳаббат руҳида тарбияловчи асарлар мактаб саҳналарида севилиб ўйналади, завқ блан ўқилади.

Лекин, унга мана шу мақсадларга зид равишда, болаларнинг тарбиясига катта зарар келтиручи, уларни қуруқ безаклар, енгилтак ўйинлар блан овитишга ундовчи асарлар ҳам киритилган. Масалан, тўпландаги ўртоқ Ш. Са'дулланнинг „Кўнгилли кеча“ деган концерт — инсценировкасини олиб таҳлил қилиб қарайлик. Автор саҳнани шундай тасвирлайди: „Ортки планда Сталиннинг портрети, саҳна ўртасида картондан ясалган „беш пудли тошлар“ ва ғўлалар туради“. Ана шу саҳнага кимлар чиқиб ўйнайди? Даставвал, ўйин бошқаруви бола, ундан сўнг полвон ва қизиқчи болалар ҳамда шу пионерлар қаторида шоҳ, ўғри, кўкнори ва айёр чиқиб бемаза гаплар, келишмаган қилиқлар қилиб, „кечани кўнгилли“ ўтказишга уринадилар. Саҳнада — улуг Сталин портрети тагида подшоҳ блан пионерлар „ҳамкорлик“ қилиб, айёр-кўкнорилар шу саҳнада бир-бирларини алдаб, болаларга „алдаш дарси“ берадилар. Ўғри саҳнадан туриб ўғирлик йўллари ҳақида, айёр-ҳийлагарлик „сир“лари тўғрисида, кўкнори эса ўз қилиғининг афзаллиги ҳақида гапирадилар. Пионер болалар уларни (я'ни подшоҳ ва ўғрилари) ўз одамимиз деб „ҳис қилиб“, саҳнада тантана блан кутиб оладилар. Мана бошлавчи пионер нима дейди:

Йўл бўшатиңг, йигитлар
Бизнинг шоҳимиз келар.

Худди шунингдек, подшоҳ ҳам пионер болаларни „ўзиники“ деб билади, ҳамда ўзини ҳийлагарликдан узоқ бўлган одам қилиб кўрсатади:

Шоҳингизда йўқ ҳилла.
Ёлгон тўқиб ол тилла.

Саҳнада мана бундай бемазагарчиликлар тугагач, болалар ўзларини хурсанд қилган кишиларни: ўтмишнинг энг разил вакилларини — подшоҳ, кўкнори, ўғри ва муттаҳамларни кузатиб қоладилар:

Йўл бўшатиңг, йигитлар.
Бизнинг шоҳимиз кетар.

Бундан кўриниб турибдики, автор ўта-кетган тутруқсиз, сиёсий жиҳатдан зарарли фикрларни илгари суради. Болалар ёзучиси ўзининг синфий мавқиясини ва ҳушёрлигини йўқотиб қўяди. Болалар блан ўтмишнинг золим, жоҳил ва муттаҳам кишларини бир сахнада ўйин-кулги қилишга мажбур этади. „Кўнгилли кеча“ асаридан бундан бошқа ҳам қўпол хатолар бор. Асарда совет болалари масхара тарзда берилади. Пионерлар сахнага жом, мўнди, хуштак, юпқа қоғоз қопланган тароқ чалишиб киришади. Полвон-Циган (пионер) бир пуд олмани ҳайвонга ўхшаб егани блан сахнада мақтанади. Розик қизик (пионер) блан полвон, нима учундир, Пат-Паташонга(?) ўхшатилади. Қизикчи пионер ёлғончилик-айёрлик блан картондан ясалган ғўлани синдириб худди шундай сохта тошни кўтариб мақтанчоқлик қилади. Полвон ҳам „Дун’ёда мендан зўр полвон йўқ“ деб сахнадан туриб чиранади.

„Кўнгилли кеча“ асарида ҳақиқий совет пионерларининг образлари яратилмаган. Асардаги персонажлар ичида зийрак, қўрқмас камтар, тўғри сўзли, одобли совет болалари қилиб тасвирланиши ўрнига қандайдир бемаза ўйинларга берилган, дўст блан душманни ажратаолмайдиган, очкўз, ёлғончи, бир-бирини алдовчи ҳамда ўринсиз чиранучи, мақтанчоқ болалар акс этдирилади. Демак, бу асарни ҳам ғоявий ва ҳам бадий жиҳатдан совет болалар адабиёти асари деб бўлмайти.

Худди шунингдек, ўртоқ Ш. Са’дулланинг тўпламга кирган „Ёрилотш“ пьесасида ҳам жуда кўп ғоявий чалкашликлар, нотўғри тушинчалар бор. Бу асар ҳам ёшларимизнинг тарбиясига фақат зарар келтиради, халос. Асарда саройда адолатнинг тантана қилиши, сарой низо’ларининг сабабчиси бўлган кишиларнинг енгилиши блан, гўё, саройда тинчлик ўрнатилгани, подшоҳнинг ҳам адолат, халқ тарафига ўтгани, халқнинг талабига қулоқ солиши баён қилинади. Демак, унда агар подшоҳга адолат қайси томонда экани исбот қилинса, подшоҳ ҳам ўша томонга ўтиб ёмонларни жазолар экан, халқ ҳам подшоҳдан рози бўлиши, зулмининг йўқолиши мумкин экан(?!). Бундан ҳам зарарли, душман назариясини кўркўрона тарғиб қилучи нарса бўладими?

Асарнинг бош қаҳрамони Гулнора ўғайлар зулмидан қочиб, инсонлар орасидан ўзига мадад топаолмагач, тоғи-тошга чиқиб кетади. У ерда бир подшоҳ қўлига тушгач, унга ортиқча қаршилик қилмай саройга келади. Аммо, саройдан қутилиш учун ҳаракат қилмайди. 16 ёшли Гулнора шоҳга энди сўзсиз бўйин эгади, ҳатто подшоҳдан бола кўриш орзусида ўртанади. Гулнора кундоши томонидан ҳовузга ташлангунча саройда ўзини эркин ҳис қилади. Бек ойимнинг иғвоси блан Гулнора „қочиб кетди“ деб, жар солинади. Бутун сарой аҳли ва оддий халқ ҳам подшоҳга қўшилиб Гулнорани „хиёнатчи“ деб атайди. Гулноранинг кийикка айланиб қолган сингисини Оймомани Беккойимнинг касалдан тузалиши учун сўймоқчи бўладилар. Мана бу қурбонлик маросимига, асарда кўрсатилишича, шаҳар халқи йиғилади. Халқ бу ерда қурбонлик учун йиғилганда ўйин-кулги блан машғул бўлади, ха-

фа бўлган подшоҳни овитишга уринади. Ҳалқ подшоҳнинг ҳа-
фачилигига ҳам, хурсандчилигига ҳам шерик қилиб тасвирланади.
Сарой блан халқ орасидаги муносабат ҳечқандай синфий низо-
сиз, зиддиятсиз қилиб берилади. Гулнора ховуздан топилгач,
подшоҳ, сарой аҳллари ва халқ яна Гулнора тарафига ўтиб ик-
кита ёмонни жазолаш блан мақсадга эришадилар. Асарда мана
бундай тасодифий, чалкаш, сиёсий жиҳатдан тутруқсиз, маслак-
сиз бўлган эпизодик воқиалар кўп учрайди.

Асарда бош қаҳрамон қилиб берилган Гулнора совет ёшлари-
нинг севган образлари бўлаолмайди. Шунингдек, ҳалқ афсонасида
берилган Гулнора образи ҳам бундай эмас. Совет болалари ёзу-
чиси деган юксак унвонга эга бўлган ўртоқ Ш. Са'дулла бу об-
разни эртақдан фойдаланиб қайта ишлаганда, масаланинг сиёсий-
тарбиявий аҳамиятига мутлақо э'тибор бермаган. Натижада унинг
бу иккинчи асари ҳам тутруқсиз, маслаксиз, ғоявий жиҳатдан
зарарли асар бўлиб чиққан.

„Мактаб театри“ тўпламидаги „Саҳнада ўйинлар“ қисмида
берилган латифа ва саҳна ўйинларида ҳам ғоявий-тарбиявий
жиҳатдан жиддий нуқсонга эга бўлган ва бадий жиҳатдан куч-
сиз асарлар анчагина бор. Масалан, „Полвон бола“ ўйини худди
аски бозорлардаги лўттибозларнинг ўйинини эсалатади, „Ҳазил
фокслар“ ўйини эса, авторнинг ўзи томонидан айтилганидек,
найрангбозликка ўргатучи ўйинлардир. Бу ўйинлар бозорларда
кўзбоғлағичлик блан тирикчилик қилучи найрангбозлар қилиғи-
нинг худди ўзгинасидир. „Тўппининг тагида соққа борлигини ҳам-
маларинг кўрдиларинг. Ботиржон, сен ҳам кўрдинг-а! Хўп, шу
соққа ҳозир ҳам тўппи тагида, (тўппини кўтариб, соққани кўр-
сатади), энди мен тўппига тегмайман ва тақилмайман. Энди мана
бу „сирли“ таёқни айлантириб, „жодигар“ сўзларини айтсам —
бас, соққа менинг қўлимга тушади. Кўрасизлар — тўппига қўл те-
гизмасдан соққани оламан. Ботиржон, ишонмаяпсанми, ҳали? Бул-
маса яхшилаб қараб тур, ҳозир соққа менинг қўлимга киради.
Бир, икки, уч! Ҳалкам-ҳашту — кишт-пишт! Қани Ботиржон, соқ-
қани кўрчи қаерда экан?“.

Бизнингча, „Мактаб театри“ китобини шу ҳолда мактаб саҳ-
налари учун мутлақо тақдим этиб бўлмайди. Бу тўпламни қай-
тадан нашр этиш, унинг ичидаги жуда кўп фойдали материаллар
қаторига янги-янги адабий, саҳна асарларини қўшиб, узоқ вақт
саҳналарда ўйналадиган драматик асарлар блан бойитиш керак.

III

Ўзбекистон Давлат нашриёти шу китоб блан бир вақтда „Ёш-
лар саҳнаси“ деган яна бир тўплам чиқарди. Ўқув юртлари ва
фабрика- завод ҳаваскорлар тўғарақлари учун репертуар етказиб
беручи бу тўпламга кичик ҳажмли оригинал ва таржима пьеса-
лар, бадий ўқимш учун ше'рий ва прозаик парчалар, қўшиқ ва
ноталар киритилган. Булар орасида „Ёш гвардия“ инсценировка-

си, Як. Апушкиннинг „Солдат қасами“, К. Паустовскийнинг „Москваги йўловчи“ пьесалари, „Жаҳон демократик ёшлар қўшиғи“, „Сталин жонажон“, „Доҳимиз Сталинга“ деган оммавий қўшиқлар ва ёшлар тарбиясига ёрдам бераоладиган кўпгина бошқа актуаль асарлар бор.

Талантли туркман драматурги Хусайн Мухторовнинг „Ойжамол“ деган кичик пьесаси жуда қизиқ ҳаётий бир воқияни баён этади. Автор бунда ёш қизнинг севгиси ва унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни масаласини талқин қилади ва уни тўғри ҳал этади. Колхознинг донгдор қизи Ойжамол шаҳарли йигит Комилга муҳаббат қўяди. У севгилиси деб, шаҳарга кўчиб кетиши, шу блан колхоз меҳнатидagi шонли ўрнини, севган ҳунарини ташлаб юбориши тўғрими? Мана бу ҳаётий масалани ҳал этишда пьеса қаҳрамонларининг характер ва тушинчалари аниқ кўринади. Бу масалага пьесада ҳарким ҳар хил қарайди. Бригада бошлиғи Балли ўз колхозидан бир донгдор пахта устасининг кетиб қолишига рози эмас. Автор бу баҳсда Баллининг колхоз жонкуяри эканини тўла очиб бераолган. Раис эса, Жамолнинг кетиб қолиши колхоз учун кўнгилсиз ҳол эканини э'тироф қилган ҳолда, ёш қизнинг соф муҳаббат туйғуси қаерга бошласа ўша ерга боришни оталарча маслаҳат қилади. Бу баҳсда раис ҳам одамларга меҳрибон бир раҳбар сифатида кўз олдимизда гавдаланади.

Мана шундай қилиб, бир масала атрофида ҳамма персонажларнинг истак ва қиёфалари очила боради.

Броқ шуни айтиш керакки, асарда асосий қаҳрамонларнинг бу масалага қараши аниқ кўрсатилмаган. Жамолнинг ўзи қат'ий фикрга эга эмас, бошқалар нима деса у ҳам шунга юраберади.

Асарда шоир Комил образи муваффақиятли чиқмаган. Унинг ҳалиги асосий масалага қараши асар охиридагина анча расмий тилда ёзилган бир монологда билдирилади. Бундан ташқари, шоир ҳаммавақт чучмал, фақат кўнгил туйғуларига чулғонган киши қилиб кўрсатилган. Комил қизни қаерда учратса, драматик қиёфада туриб „гўзал сатрлар“ ўқий бошлайди, улар орасида жиддий ҳаётий гаплар йўқ. Шоир колхозга келиб ёзган яккаю ягона ше'рини ҳам севгилиси Ойжамолнинг хуснига бағишлайди. Колхозчилар уни ишсевар, меҳнатга илҳомлантиручи шоир деб билмайдилар. Чунки у меҳнат ҳақида ёзган эмас. Ўртоқ Мухторов шоирни ҳаммадай жиддий, меҳнаткаш одам эмас, балки фақат булбул қилиб тасвирлаган. Раис ҳам шоирни қишлоққа чақирганда уни сайроқи булбуллар блан қизиқтиради. Бу — асарнинг катта нуқсонидир.

Ш. Са'дулланинг „Ҳаёт“ номли пьесаси — халқ ичидан ажойиб талантлар етишиб чиқади, броқ уларни сезгирлик блан пайқай билиш, уларни меҳрибонлик ва талабчанлик блан тарбиялай билиш зарур — деган муҳим масалани олға қўяди. Броқ автор шундай муҳим мавзу'даги асарни енгилтаклик блан ишлаган. Асар савиясиз, паст фелъетон даражасига тушиб қолган.

Асар мақсадини тарбиявий жиҳатдан тўғри, соф фикрларни тарғиб қилиш йўли блан, ҳаётий эпизодлар орқали очиб бериш

зарур эди. Воқиа тасвирида автор сан'ат ходимларимиз ва колхозчи ёшларнинг энг асл фазилатларини очиб бериши мумкин ва лозим эди. Аммо Ш. Са'дулла — аксинча — воқи'ликни қўпол равишда бузиб, одамларни пачоқ қилиб кўрсатган. У одамларнинг ташқи қиёфасидан ҳам, ма'навий сифатларидан ҳам, тушинчасидан ҳам кулади. Асарда кўрсатилишича, кино сан'ати ходимлари бир-рольда ўйнаш учун ҳартомонлама мукамал бир қиз қидириб тополмай анча вақт овора бўладилар. Шу мажорала кўп ёшлар блан тўқнашадилар ва, авторнинг ра'йи блан, сан'атни хавас қилиб келган бирнеча ёшларни масхара қиладилар.

Бу асар зарарлидир. Уни ёшлар саҳнасида кўрсатиш мумкин эмас. Шукур Са'дулланнинг бундай асар „тақдим этиши“ унинг Марказий Комитет қарорлари ҳамда ўртоқ А. Жданов кўрсатмаларини ҳали ҳам чуқур англаб етмаганини кўрсатади.

Тўпламда драматург Туйғуннинг тўқимачилик комбинатидаги ишчилар ҳаёти ҳақидаги „Қизиқ табиатли киши“ деган бир пардали пьесаси босилган. Бу асар кишилар онгидаги эскилик қолдиқларига қарши курашга бағишланган бўлиб, мавзу' э'тибори блан жиддий диққатга сазовордир. Автор кекса косибнинг хусусий мулкчилик психологиясини жуда усталик блан бера олган. Ҳайитбой отанинг хотини, қизи ва бўлғуси куёви комбинатда ишлайди. Комбинат бу одамларни илғор ва онгли ишчилар қилиб тарбиялаган. Ота эса, ўз тушинчаси жиҳатидан тенг-қурлари ўртасида ҳам, оила а'эслари ўртасида ҳам яккаланиб қолган—у ҳамон қолоқ ва қолақликда ёлғиз. Қизи Мавжуданинг сўзи блан айтганда у „поезд турганда эшак миниб сафарга чиққан одамга ўхшайди“.

Оила а'золари Ҳайитбой отани тузатишга, эски, қолоқ тушинчадан қутилтиришга ҳаракат қиладилар. Уни жамоат манфаатлари блан яшашга, бўзчиликни ташлаб фабрикада ишлашга ундайдилар. Шундай қилиб, автор Ҳайитбой отани қайта тарбиялаш вазифасини ўз олдига кўяди. Броқ автор буни тула ва тўғри ҳал этолмайди. Чолни „тузатиш“га уриниш ва умуман унинг „тузалиш“ жараёни асарда муваффақиятсиз чиққан. Кекса косиб онгидаги эскилик, хусусий мулкчилик қолдиғига қарши кураш, асосан, гап блан, панд бериш, ташвиқ қилиш йўли блан берилади. Бу ба'зан қўпол жанжалларга ҳам олиб келади. Меҳнатга социалистик муносабатда бўлган янги одамлар, илғор ишчилар (Мавжуда, Меҳри, Пўлат) чолга асосан ўз меҳнат намуналари блан та'сир қилишлари, кекса одамнинг руҳиятини чуқур тушинабилишлари, ундаги қалб софлигидан фойдаланиб, унга усталик блан ёндаша билишлари, унга жамоатчилик диққатини тортишлари ва чинакам совет кишиси қилиб тарбиялай олишлари керак эди. Броқ асарда, аксинча, Ҳайитбойнинг қизи стахановчи Мавжуда отадан кўп вақт сир сақлаб юради, унга очиқ кўнгилик блан гапирмайди, ўз муҳабати ҳақида софдиллик блан суҳбат қилмайди, ҳатто комбинатда меҳнат қилиб топган катта пулини отасидан яшириб юради.

Ҳайитбой ота пудни севади. Унинг бутун хаёли пулда. Бир куни у қизининг фабрикада ишлаб катта пул топаётганини пайқаб қолади. Мана шу куни унинг ҳаётида катта „ўзгариш“ юз бера-

ди. У фабрикада астойдил ишлашга бел боғлайди, уйда бўз тўқишни ташлайди, коммунизм ҳақида гапирабошлайди. Мана шу блан автор Ҳайитбой ўзгарди, қайта тарбияланди деб айтмоқчи бўлади.

Бу ўзгартиш—сохта. Аслида Ҳайитбой асло ўзгармади, у пул бандаси бўлганича қолди. Чунки у фабрикадаги ишга ўша эски нияти блан, фақат пул топиш нияти блан берилди, бўз тўқишни ҳам пул дардида ташлади.

Туйғун одамларнинг „қайта туғилиши“ни жуда енгил тушинади. Асарнинг мақсадини нотўғри ҳал этади. Ҳайитбойдек одамнинг онгли ишчи бўлиб етишуви анча мураккаб нарса, бунинг учун у аввало „пул дарди“дан қутилиши, давлат манфаатларини устин қўябилиши, меҳнатга янгича қарай бошлаши керак. Бунга эса жамоатчилик таъсири, илғорларнинг шахсий меҳнат намунаси орқалигина эришиш мумкин. Автор буларни кўрсатмаган. У одамларни қайта тарбиялаш воситаси қилиб яна... пулни кўрсатмоқчи бўлади. Бу мутлақо хато ва зиёнли фикрдир. Бизнинг одамларимиз бадавлат яшашни истайдилар ва биладилар. Аммо уларнинг ҳис туйғуларини пул эмас, халқ ва давлат манфаатлари бошқариб боради. Авторнинг янглишган жойи шундаки, у бизнинг давримиз учун типик бўлмаган одамни қаҳрамон қилиб олган. Пул учун жонини тиккан, уйда бўз тўқучи Ҳайитбойлар бизда бундан 20 йиллаб аввалгина бўлиши мумкин эди. Ундай одамни ҳозирги кун кишиси қилиб олиш хато ва унинг „қайта тузалиши“ни бир пардали пьесада тўла кўрсатиш мумкин эмас, албатта.

Шундай қилиб, тўпламдаги оригинал пьесалар мана шу каби жиддий хато ва камчиликларга эга.

* * *

Ҳар икки тўпламнинг нашр этилиши, умуман, ижобий бир иш бўлса ҳам, улардаги жиддий камчиликлар болалар адабиётимизда яратилган асарларга эътиборнинг камлигидан далолат беради. Болалар адабиётимиздаги қолоқликни тугатиш, коммунизм руҳида тарбияланаётган ёшларга ғоявий ва бадний жиҳатдан юксак асарлар тақдим этиш—ҳарбир совет ёзучисининг муқаддас бурчидир.

Архитектор Н. Е. Глиянов

УЛУҒ СОВЕТ МЕ'МОРИ

Совет архитектураси ва архитектура фани оғир жудоликка учради: шу йил 24-нчи майда энг кекса рус ме'мори, совет архитектурасининг кўзга кўринган арбоби академик ва СССР Архитектура академиясининг ҳақиқий а'зоси, уч марта Сталин мукофоти лауреати Алексей Викторович Шусев 76 ёшга кирганда вафот этди.

А. В. Шусевнинг фаолияти ва фазилати бениҳоя бойдир. У ҳам талантили ме'мор, ҳам кўзга кўринган олим, педагог, ҳам ижтимоий арбоб эди.

А. В. Шусев 1873 йилда туғилди. 1897 йилда эса Сан'ат академиясини а'ло даража блан битирди. Революциядан илгари ҳам мамлакатимизда жуда кўп бинолар қурди. Москвада қурилган жуда катта ва чиройли Қозон вокзали унда бениҳоят зўр туғма талант борлигини кўрсатди. 1910 йилда Овручдаги қадимий эҳромни тиклагани учун А. В. Шусев архитектура академиги деган унвонни олди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Александр Викторовичга кенг фаолият йўлини очиб берди. У ВХУТЕМАСнинг профессори бўлатуриб илмий-педагогика, ижтимоий ва ижодий ишларини (1918—1926), Москва архитекторлар жамиятининг раислик (1919—1926), Давлат Третьяков галереясининг директорлик (1923—1926) вазифаларини бир вақтда муваффақият блан олиб борди.

А. В. Шусевнинг совет давридаги ижоди порлоқ саҳифаларни ташкил қилади.

1923 йилда „Моссовет ҳузуридаги Москва шаҳрини планлаш махсус илмий комиссияси“ академик А. В. Шусев томонидан ишланган „Янги Москва“ планини ҳукуматга тақдим қилди. Бу план пойтахт марказини ва унинг теварак-атрофидаги биноларни бошқадан қуриш мақсадида тузилган биринчи план лойиҳаси эди.

1924 йилда архитектор Шусев Ленин мақбарасининг ёғочдан ясалган биринчи вариантини ишлади, 1925 йилда эса ҳозир Қизил майдонда турган ва бутун дун'ёга машҳур бўлган Ленин мақбарасини қурди. Бу эса гранит ва мрамар тошлардан ишланган ажойиб ме'морлик намунаси.

Кейин А. В. Шусев жуда кўп биноларнинг проектларини тузади, масалан, СССР Ер Ишлари Министрлиги биноси, „Москва“ мусофирхонасининг биноси, жуда кўп турар-жойлар, санатория-

лар, ма'мурий ва ижтимоий-маданий муассасаларнинг бинолари академик Шусев томонидан қурилди.

Совет архитектурасининг энг яхши намуналаридан бири Маркс—Энгельс—Ленин институтининг Тбилисидаги бўлими биноси 1937 йилнинг охирида қурилиб тамомланди.

Ажойиб архитектура намунаси бўлган Москва-река кўприги 1938 йилда қурилиб бўлди.

Рус ва совет архитектурасининг ғоят катта мастери, совет ме'морлигининг ажойиб намунаси бўлган Ленин мақбарасининг автор академик А. В. Шусев Тбилисидаги — Маркс — Энгельс — Ленин институти биносининг лойиҳасини тузгани учун 1941 йилда Биринчи даража Сталин мукофотига сазовор бўлди.

1943 йилда А. В. Шусев СССР Фанлар Академиясининг ҳақиқий а'золигига сайланди.

1945 йилда эса В. И. Ленин мақбарасининг ич томонини архитектура жиҳатидан безаганлиги учун иккинчи даража Сталин мукофотига мушарраф бўлди.

Тошкентдаги Навоий номли Давлат опера ва балет театри биносини халқ усталари блан бирликда бино қилгани учун 1948 йилда яна биринчи даража Сталин мукофоти блан тақдирланди.

А. В. Шусев рус миллий ме'морлигининг тарихий намуналаридан фойдаланиш соҳасида мисли кўрилмаган мастердир. У турли даврлардаги рус архитектурасини чуқур билгани ва чин қалбидан севгани учун рус архитектурасининг ўзига хос бадиий фазилатларидан кенг фойдаланди. Рус архитектурасининг энг яхши ан'аналарини ўз ижодида гавдалантириш блан бирга ўзига хос ме'мор бўлиб қолди. У ўзи ҳис қилган ва доимо юксалтириб борган композиция ва мантиқий шаклларни асарларида акс этдириб борди.

Академик Шусев СССР миллий архитектурасининг ан'анавий шакллари устида жон-дили блан ишлади. Буни совет архитектурасининг буюк намуналари ҳисобланган Тбилисидаги Маркс — Энгельс—Ленин институтининг биноси ва Тошкентдаги Навоий номли опера биноси равшан далолат қилади.

Улуғ Ватан уруши йилларида ва айниқса урушдан кейинги даврларда А. В. Шусев ўзининг бутун қайноқ куч ва ғайратини, ниҳоят буюк талантини фашист ёввойилар томонидан вайрон қилинган социалистик шаҳарларимизни тиклаш ишига бағишлади.

Ватан А. В. Шусевнинг фаолиятини яхши қадрлади. Уни бутун совет халқи севиб ҳурмат қилар эди. Ҳукумат А. В. Шусевни Ленин ордени ва икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотлади.

А. В. Шусевнинг вафоти ўзбек халқи учун айниқса катта жудоликдир. Ўзбекистон совет архитекторлари Союзи пленумининг а'зоси, республика архитекторларининг доимий устози сифатида Алексей Викторович шаклан миллий ва мазмунан социалистик архитектурамизнинг равнақи йўлида ҳормай ишлаган ва ўзининг ажойиб асарлари блан совет архитектурасининг хазинасини янада бойитган эди.

АДАБИЙ ХРОНИКА

ПОЭЗИЯ КЕЧАСИ

Яқинда Тошкент шаҳар Адабиётчилар уйида пойтахт ёзучиларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш икки кун давом этди. Шоир Асқад Муҳтар «1948 йилда ўзбек совет поэзияси» деган мавзу'да доклад қилди.

Докладчи, 1948 йилда яратилган поэтик асарларнинг аксарияти республикамиз халқ хўжалигининг муҳим тармоқларига боғлиқ асарлар эканини уқдириб, поэзиямизнинг асосий қаҳрамони совет кишиси бўлиб қолганини айтди. Айниқса шоир Ғафур Ғулумнинг бирнеча ше'рлари, Мирмуҳсиннинг «Яшил қишлоқ» поэмаси, Туроб Тўла, ва М. Бобоевларнинг халқаро мавзу'да ёзилган сиёсий публистик ше'рлари 1948 йил поэзиясининг муваффақиятларидадир. У, Ғафур Ғулум, Мирмуҳсин, Туроб Тўла ва бошқа ўртоқларнинг 1948 йилда яратган асарларини шу нуқтаи-назардан таҳлил қилди, уларнинг ҳозирги замон мавзу'ларида совет кишисининг образини тўғри яратаолганликларини кўрсатди. Лекин айрим асарлар халқимизнинг кундан-кунга ўсиб бораётган талабларига тўла жавоб берарли эмаслигини айтиб, Рамз Бобожоннинг «Қадрдон дўстлар»,

поэмасида партия раҳбарлиги, коммунистлар образи, уларнинг қишлоқ хўжалигидаги етакчилик роли чуқур ва бадий образларда ёритиб берилмаган, схематик равишда тасвирланган деди. Докладчи бу асарлар социалистик қишлоқимизнинг қиёфасини, колхоз кишиларининг ма'навий фазилатларини ёрқин очиб бераолганликларини алоҳида уқдириб ўтди.

Докладчи Ойбекнинг «Ҳамза», М. Бобоевнинг «Эрон дафтари» поэмаларидаги нуқсонларчи айниқса «Эрон дафтари»даги схематик баён этиш каби камчиликларни,

Туроб Тўла ижодидаги нуқсонларни кўрсатиб берди. Ж. Шарифийнинг «Хоразм», Шукур Садулланнинг «Кўнгили кеча» каби яроқсиз инцидентроқаси гоёвий жиҳатдан тўтуксиз «садабий» асарлардир. Халқимиз Ғафур Ғулум, Ойбек, Уйғун, Шайхзода каби пешқадам шоирлардан йирик асарлар кутадилар ва кутаётганлар. Миртемир, Темир Фаттоҳ, Собир Абдулла каби шоирлар 1948 йилда ҳечқандай асар ёзмадилар.

Докладчи 1948 йилда Ўзбекистондаги саноят, сув хўжалиги мавзу'ида кам асар ёзилганини кўрсатди. Ғафур Ғулумнинг Фарҳод ГЭС ҳақида йирик дoston ёзишга ва'да берганини, ammo бу ва'данинг шу вақтгача бажарилмай келаётганини, шунингдек ёзувчилар ўртасида танқид ва ўз-ўзини танқид етарли эмаслигини ҳам айтди. Беназат космополитлар та'сирида бўлган ба'зи танқидчилар поэзиямизга футур етказишга уриндилар. Танқидчи Алимуҳамедов Мирмуҳсин поэмасининг гоёвий-бадий моҳиятини нотўғри таҳлил қилиш билан бирга ундаги заиф томонларни бўртдириб мақтади. Шу билан ўсиб келаётган ёшларнинг ижодини бўғишга ва уни тўғри йўлдан оздиришга уринди. Шунинг натижасида Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» поэмасидаги камчиликлар кейинги яратилган «Яшил қишлоқ» поэмасида қайтариллишига сабабчи бўлди.

Докладчи сўзининг охирида шоирларни совет кишиларимизнинг ма'навий тоғасак фазилатларини, оташин ватанпарварлигини социалистик Ватанимизнинг қудратини, халқимизнинг ижодий меҳнатини, партиявийлик принципида ёритишни асарлар, халқимизга муносиб шеърлар яратишга чақирди.

Докладдан сўнг қизғин музокара бошланди. Шоира Сомова 1948 йилда ҳозирги замон мавзуларида ёзилган Фафур Ғулум, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Асқад Мухтар, М. Бобоев каби шоирларнинг шеърлари ўзбек совет поэзиясининг ютуғи эканлигини айтиб, буларнинг ижодидаги нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтди. Айниқса, Ойбекнинг «Қизлар» поэмасидаги жиддий ҳатоларни, партия раҳбарлиги схематик берилганлигини гапирди. Фёдоровнинг «Навоий» поэмасидаги сохталикларни сезатириб, «Звезда Востока» журнали ҳам уни тузатмай босганини, бу эса марксизм-ленинизм асосларини чуқур ўрганиш ва ўз-ўзини танқид қилишнинг камлиги орқасида рўй берганини айтди.

Ўзбек болалар адабиётининг ҳозирги аҳволи ҳақида гапириб, Қ. Ҳикмат, П. Мўмин ўртоқларнинг ўзбек болалар адабиётига янгиликлар келиб келаётганлигини алоҳида қайд қилди. Лекин А. Раҳмат, Шукр Садулла каби болалар ёзувчилари ўз устларида мутлақо ишламаётганликларини, ҳоузгага жиддий, гоёвий нуқсонлар билан тўлиб тошган асарлар бераётганликларини мисоллар билан кўрсатди. Ёзувчилар Союзининг раҳбарлиги ҳам болалар адабиётининг ҳозирги аҳволига яхши эътибор бермаётганини, танқид қилди. Сўзга чиққан ўртоқ Ивасез ўзбек совет поэзиясининг ютуқларини айтиб, Рамз Бобожон,

1948 йилда яратган поэмаларининг колхоз қишлоғи, кишиларнинг ҳаётини курашини ақс этдиришни мақсад қилиб қўйган қаҳрамонларнинг образларида коллективчилик руҳи, партия раҳбарлиги конкрет ақс этдирилмагани каби нуқсонларни айтиб берди. Шоир Туроб Тўла Асқад Мухторнинг ижодий ютуқларини кўрсатиш билан, айрим шеърларидаги нуқсонларни самимий танқид қилди. Шунингдек, ижодий жиҳатдан орқада қолаётган, бир неча йилдан берли асар яратмаётган шоирлардан Эминжон Аббос, Уткир Рашидларни қаттиқ танқид қилди. Ўзбекистон совет ёзувчилари Союзининг секретари Мирмуҳсин ёзувчиларимиз ўртасидаги ижодий камчиликларни айтиб, айниқса, Ўзбекистон Давлат Нашриёти томонидан чиқарилган Миртемирнинг «Танланган асарлар»идаги баъзи шеърларнинг гоёвий ва бадий нуқсонларини кўрсатиб берди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ойбек, Уйғун, Шайхзода, М. Бобоев, Қосимов, Рамз, ва бошқа ўртоқлар 1948 йилда бирқанча поэтик асарлар яратилган бўлса ҳам, поэзиямиз халқимизнинг ўсиб бораётган талабларидан орқада қолаётганини, большевистик принципал танқидни кучайтириш зарурлигини айтиб ўтдилар. Йиғилиш Ўзбекистон большевикларининг X с'езиди кўрсатмалари асосида, совет халқининг талабларига муносиб асарлар яратиш ҳақида қарор қабул қилди.

ШАРАФЛИ БУРЧ

Ўзбекистон совет ёзувчилар Союзининг яқинда бўлиб ўтган очиқ партия мажлисида адиб, шоир, драматург, танқидчи ва адабиётчилар Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг Ўзбекистон ССР 25 йиллиги шарафига умум халқ мусобақасини кенг кучайтириб юбориш тўғрисидаги чақириғини қизғин муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон совет ёзувчилар Союзининг раиси Ойбек Ўзбекистон Совет республикасининг 25 йиллик тўйини халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳаларида янги галабалар билан кутиб олиш, мамлакатга камда 2 миллион тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасининг авж олаётганини кўрсатиб, уларнинг маъна шу қаҳрамонликларини ўз асарларида ёритиш—совет ёзувчиларининг энг шарафли бурчи эканини айтди. Бу шарафли вазифани бажариш ҳарбир адиб, шоир драматургнинг ўз халқига қимматли совғаси бўлажак, деди. Сўнгра ўртоқ Ойбек ўзининг янги ёзаётган повестини тамомлаб, яқин кунлар ичида китобхонларга тақдим қилаётганини билдирди.

Музокарага чиққан драматург Сафаров, Фатхуллин, Иззат Султон, шоир Мирмуҳсин, Зулфия, Сомова, ёзувчи Ма'руф Ҳаким, Парда Турсун ва бошқа ўртоқлар ёзаётган янги асарларини республикамизнинг шонли юбилейига қадар тамомлаш мажбуриятини олдилар.

А. С. ПУШКИН ЮБИЛЕИ КУНЛАРИДА ЁЗУЧИЛАР ПОЯТХТ ҚОРХОНАЛАРИДА

Ворошилов номидаги Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводидида улуғ рус шоири А. С. Пушкинга бағишланган кеча ўтказилди. Унда шоир Мирмуҳсин, Миртемир, Сомова, Мильчаков, Зулфия, Иванова, Бикадоров ўртоқлар Пушкин шеърларини ва Пушкинга бағишлаб ёзилган ўз шеърларини ўқиб бериб, ишчиларни хурсанд қилдилар. Шунингдек бир группа ёзувчи Тошкентдаги Сталин номли кўн заводидида бўлиб ўтган адабий кечага яштирак этиб, завод ишчиларига улуғ рус шоири Пушкин асарларидан парчалар ва унга бағишлаб ёзилган шеърларини ўқиб бердилар.

Ўзбекистон совет ёзувчилар Союзи проза секциясининг яқиндаги йиғилишида лишда шоир ва ёзувчилар ҳамда Тошкент шаҳар мактабларидан адабиёт ўқитучилари, олий ўқув юрталарининг студентлари қатнашди.

Бу ҳақда С. Қосимов, С. Азимов ўртоқларнинг доклади эшитилди.

Докладдан сўнг сўзга чиққан С. М. Ҳаким ўртоқлар Саид Аҳмад ҳикояларини, унинг ҳикояларидаги салбий образлар ижобий образлардан устун бўлиб қолган ҳолларини айтиб, ижобий образлар устида кўпроқ ишлаш билан совет кишиларининг фазилятларини тўғри очиб беручи каттароқ асар бериш каби талабларни қўйдилар.

Ўртоқ Ивашовнинг сўзи мажлис қатнашчиларининг қаттиқ хайратга солди. У, ёзувчининг юмор ва сатирага ҳақли янгилишига қарши чиқиб, юмористик асар ёзмаман деган киши, ўз ижодида бир қадам орқага кетади, деди. Ивашов ўзининг бу тугруқсиз «назария» сини исботлаш учун дунёда бу хил жанрда битта ҳам катта ва обрўли асар ёзилмаганини айтди. Лекин мажлис қатнашчилари, айниқса ўзин Ивашовнинг хатосини фош қилиб, унинг нотўғри «курсатма»сига муносиб зарба бердилар.

Секция бошлиғи ўртоқ М. Исмоилий ўз сўзида ёзувчи ҳикояларидаги нуқсонлар тўғри танқид қилинганлигини айтиб, авторнинг ўз назарий маълумотини оширишга ва бундан кейинги асарларида ижобий қаҳрамонлар устида жиддий ишлашга чақирди.

**РЕДКОЛЛЕГИЯ В. Зоҳидов (муҳаррир), Ойбек, Фафур Фулом,
Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ж. Шарифий,
М. Ашрафий, Сами' Абдуллаев.**

На узбекском языке

„ШАРК ЮЛДУЗИ“

№ 5

Орган Союза советских писателей Узбекистана


Объединенное издательство „Кзыл Узбекистан“ и „Правда Востока“

Ташкент — 1949

„Шарк Юлдузи“ редакциясининг адреси:
Тошкент. Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 32-689.

Басмига рухсат этилди 27/VI-1949 г. Р 12139, Когоз формати 60x92/16. Босма листи 8.
Тиражи 6000. На ир. № 845. Баҳоси 5 сум.

Тошкент „Кизил Ўзбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти басмаханаси. Заказ 641



Баҳоси 5 сўм.